

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”  
кафедраси**


**ФАЛСАФА**  
**II**  
**(ахлоқшунослик, эстетика, мантиқ)**  
**фанларидан**

**МАЪРУЗА МАТНИ**

**Гулистон - 2018**

**Тузувчилар:** ГулДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доцентлари **Р.Махмудов**, катта ўқитувчиси **Б.Гофурев**, ўқитувчиси **Ф.Боқиев**

**Тақризчи:** ГулДУ“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти **С.Исмоилов**



**Гулистан-2018**

# МУНДАРИЖА

## ФАЛСАФА: ахлоқшунослик, эстетика, мантиқ

### АХЛОҚШУНОСЛИК

ҮҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	6
1-мавзу: Эстетиканинг баҳс мавзуси .....	41
2-мавзу: Қадимги Шарқ ва антик давр эстетикаси .....	47
3-мавзу: Уйғониш даври Шарқ мутафаккирларининг эстетикаси .....	55
4-мавзу: Ўрта асрлар ва янги замон эстетикаси .....	62
5-мавзу: Эстетика фанининг асосий категориялари .....	69
6-мавзу: Санъат ва унинг турлари .....	75
СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ .....	80
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШГУЛОТЛАРИ .....	11
ГЛОССАРИЙ .....	88
ИЛОВАЛАР .....	66

### ЭСТЕТИКА

ҮҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	6
1-мавзу: Эстетиканинг баҳс мавзуси .....	41
2-мавзу: Қадимги Шарқ ва антик давр эстетикаси .....	47
3-мавзу: Уйғониш даври Шарқ мутафаккирларининг эстетикаси .....	55
4-мавзу: Ўрта асрлар ва янги замон эстетикаси .....	62
5-мавзу: Эстетика фанининг асосий категориялари .....	69
6-мавзу: Санъат ва унинг турлари .....	75
СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ .....	80
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШГУЛОТЛАРИ .....	11
ГЛОССАРИЙ .....	88
ИЛОВАЛАР .....	66

### МАНТИҚ

ҮҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	6
1-мавзу: Мантиқ фанининг предмети ва вазифалари .....	88
2-мавзу: Мантиқ фанининг тараққиёт босқичлари .....	88
3-мавзу: Формал мантиқнинг асосий қонунлари .....	88
4-мавзу: Тушунча ва Ҳукм .....	88
5-мавзу: Хулоса чиқариш .....	88
6-мавзу: Муаммо, Гипотеза ва Назария .....	88
СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ .....	80
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШГУЛОТЛАРИ .....	11
ГЛОССАРИЙ .....	88
ИЛОВАЛАР .....	66
УМУМИЙ ИЛОВАЛАР .....	122

## **ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-Мавзу. АХЛОҚ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

#### **Асосий саволлар:**

1. Ахлоқ тушунчаси унинг пайдо бўлиши ва ахлоқий фикр тараққиёти.
2. Ахлоқнинг баҳс мавзуси, тузилиши, вазифалари ва функциялари.

#### **Таянч тушунча ва иборалар:**

Ахлоқшунослик, этика, одоб, хулқ, ахлоқ, мустақиллик ва ахлоқ.

#### **1 - асосий саволнинг баёни:**

Этика – бу ахлоқ назарияси бўлиб, кишиларнинг ахлоқий ҳаётини ўрганадиган, ахлоқий ҳодисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларини очиб берадиган энг қадимги инсоншунослик фанларидан биридир. Этика сўзи юонча сўздан олинган бўлиб «одат», «одоб» маъносини билдиради. Уни биринчи марта Аристотель ахлоқнинг синоними сифатида ишлатган.

Ахлоқ - арабча «хулқ» сўзининг кўпликтаги шаклидир.

Ахлоқ ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган, чунки кишилик жамияти пайдо бўлиши билан кишилар ўртасида ахлоқий муносабатлар ҳам пайдо бўла бошлаган. Кишилардаги ахлоқий тушунчалар бирданига эмас, балки аста-секин давр ўтиши билан такомиллашиб борган. Ахлоқ ҳар бир тарихий даврда ўзига хос хусусият касб этган. Даврнинг хусусияти кишилар ахлоқида акс этган. Жамиятнинг ривожланиб боришига, ахлоқ ҳам мос равишда тараққий этиб борган.

Демак, ахлоқ кишилик жамияти пайдо бўлиши билан яъни ибтидоий жамиятнинг дастлабки уруғдошлиқ даврида, қадимги Шарқ мамлакатлари Ҳиндистон, Хитой ва Бобил, Месопотамия қаби мамлакатларда пайдо бўлган.

Ахлоқий фикр тараққиётининг қўйидаги босқичлари мавжуд:

1. Қадимги Шарқ ахлоқи. (Ҳиндистон, Хитой, Миср, Бобил, Марказий Осиё)
2. Антик давр ахлоқи. (Рим ва Юонон олимлари: Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту).
3. Ўрта асрлар Ғарб ва Шарқ ахлоқи.
4. Уйғониш даври ахлоқи.
5. Маърифатпарварлар ахлоқи. XVIII асрдан XX асргacha бўлган давр.

Ахлоқшунослик қадимда физика ва метафизика билан биргаликда фалсафанинг узвий қисми ҳисобланар эди. Профессор X.Пўлатов, «Ҳиндистон динлари, Юононистон Санъат ва фалсафани ватани бўлса, Марказий Осиё ахлоқини ватанидир», -деб ёзган эди. Кейинчалик Арастудан сўнг алоҳида фалсафий ўйналишдаги фан мақомини олди. Бу фикрни қўйидаги ченгайтирибрөк талқин этиш мумкин. Маълумки, фалсафанинг фанлар подшоси сифатидаги вазифаси барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқлардан умумий хулосалар чиқариб, инсониятни ҳақиқатга олиб боришидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, фалсафанинг тадқиқот объективини тафаккур деб белгилаш мақсадга мувофиқ. Ахлоқшунослик эса ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳақиқатга олиб боришига хизмат қиласи. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафаси деб аташ мумкин.

Хозир у фалсафий фан сифатида уч йўналишда иш олиб боради., яъни ахлоқий тафаккур тарқиётини тадқиқ этар экан, у ахлоқни: 1) баён қиласи; 2) тушунтиради; 3) ўргатади. Шунга кўра, у тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий ва расмона-меъёрий табиатга эга. Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атаганлар. Зоро соғ назарий ахлоқшуносликнинг бўлиши мумкин эмас. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган

донишмандлик намуналарини яъни халқ оғзаки ижоди ҳикматлар, нақллар, матал-мақолалар тарзида баён этади, кишиларни ахлоқий қонун-қоидаларга ўргатади, уларга ахлоқнинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хулосалар чиқаради. Яъни ахлоқшунослик фанида Афлотун, Арасту, Эпикур, Цицерон, Сенека, Фаробий, Ибн Сино, Фаззолий, Спиноза, Кант, Хегел, Шопэнгауэр, Фейербах, Керкиор, Ницше, сингари буюк файласуфлар яратган ахлоқ назариясига доир таълимотлар билан биргаликда, «Патанжали», «Қобуснома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Монтенинг «Тажрибанома», Ларошфуконинг «Ҳикматлар», Гулханийнинг «Зарбулмасал» каби амалий ахлоққа бағишлиланган асарлар ҳам ўзининг мустаҳкам ўрнига эга. Ахлоқшуносликнинг бошқа фалсафий фанлардан фарқи ҳам, ўзига хослиги ҳам ундаги назария билан амалиётнинг омухталашганлигидадир.

### **Назорат саволлари:**

1. Ахлоқ фани тадқиқот доирасини айтинг.
2. Ахлоқни ўзига хос фалсафий фан сифатидаги ўрнини изохлаб беринг.
3. Ахлоқнинг бошқа ижтимоий фанлар билан муносабатини кўрсатинг.
4. “Ахлоқ” ибораси мазмун-моҳиятини тушунтириңг.
5. Хулқни одобдан фарқини изоҳланг.
6. Замонавий ахлоқшунослик олдида қандай вазифалар мавжудлигини таҳлил қилиб беринг.
7. Ахлоқий фикирларни пайдо бўлиши заминларини айтинг.
8. Ахлоқий фикр тараққиётининг асосий босқичларини сананг.

### **2-асосий саволнинг баёни:**

Ахлоқ - ижтимоий - фалсафий фан ҳисобланиб инсонларнинг дунёқарашни такомиллаштириб маънавий баркамол қилиб тарбияловчи фан ҳисобланади. Жамиятдаги барча ўзгаришлар бу фанда акс этади. У фалсафий фан, чунки инсонни ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам беради. Чунки инсонни жамиятдаги мавқейи, обрў-эътибори ҳам унинг ахлоқлилик даражаси билан ўлчанади.

Ахлоқ фани умумий ахлоқ назарияси, ахлоқ тарихи, норматив -аксиологик ахлоқ, касбий ахлоқ, ахлоқий тарбия назарияси каби бўлимларга бўлинади.

Умумий ахлоқ назарияси-ахлоқнинг табиати, моҳияти, тузилиши, унинг таркибий элементлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини, ахлоқий онг ривожланиши хусусиятларини, ахлоқ тараққиётидаги ижтимоий сабабиятларини, унинг жамиятда тутган ўрнини, аҳамиятини ўрганиди.

Тарихий ахлоқ-ахлоқнинг тарихий шаклларини, унинг тарихий тараққиёт босқичларини, тарихдаги ахлоқий ўрнини тадқиқ этади.

Норматив-аксиологик ахлоқ-конкрет ахлоқ қоидаларини, ахлоқий зарурйлик талабларини ахлоқий онгнинг асосий тушунчалари сифатида қараб, уларни ижобий аҳамиятини ўрганиш ва асослаш билан қизиқади.

Касбий ахлоқ-касб ахлоқига изоҳ беришни, у ёки бу касбдаги фаолият доирасида кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган маълум бир ахлоқ нормалар тизимини яратиш ва асослаш вазифалари билан шуғилланади.

Ахлоқий тарбия назарияси-тарбия жараённида ахлоқий омилларидан самарали фойдаланиш усул ва воситаларини аниқлаш ва таълим масалалари билан шуғилланади.

Ахлоқ уч таркибий қисмдан иборат.

Ахлоқий онг.

Ахлоқий муносабатлар.

Ахлоқий тажриба.

Ахлоқнинг бешта асосий функцияси бор.

Акс эттириш.

Бошқариш.

Тарбиялаш.

Баҳолаш.

Билиш

Ахлоқ педагогика, фалсафа, психология, тарих, адабиёт каби фанлар билан узвий боғлиқ.

Ахлоқ фанининг вазифаси инсонларни замон талаби асосида комил инсон қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Президентимиз И.Каримов айтганларидек: “Ёшлар биздан кўра билимлироқ ва донороқ бўлишлари керак. Бунинг учун ёшларни бўлаётган барча ўзгаришлардан воқиф қилишимиз. Уларни етук бўлиб етишишларига билим олишларига эътиборли бўлишимиз керак.”

Ахлоқшунослик бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар билан ўзаро алоқадорликда ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг нафосатшунослик (эстетика) билан алоқаси қадимий ва ўзига хос. Аввало, инсоннинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам нафосат (ташқи гўзаллик) хусусиятларини мужассам қиласди. Шу боис Суқрот, Афлотун, Фаробий сингари қадимги файласуфлар қўп холларда ахлоқийликни ички гўзаллик, нафосатни ташқи гўзаллик тарзида талқин этганлар. Бундан ташқари, маълумки, санъат нафосатшуносликнинг асосий тадқиқот обьекти ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва санъаткор доимо ўзи яшаётган замонда эришилган энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали бевосита ёхуд билвосита акс эттиради. Демак нафосатшунослик ўрганаётган ҳар бир бадиий асар айни пайтда, маълум маънода, ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан алоқаси шундаки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо-ахлоқий мезон муаммосини ҳал этишга қаратилган. Чунки умумжаҳоний динлар вужудга келгунга қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қадриятлар муайян диний қонун-қоидаларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир қўрсатган. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказган.

Чунончи, ислом динини оладиган бўлсак, Куръони Карим, Ҳадиси Шариф, ижмоъ ва муайян фатволардаги мезонлар ҳамда талаблар мусулмон Шарқи ҳалқлари ахлоқий даражасининг шакилланишида катта аҳамият касб этган. Шунингдек, комил инсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий ҳисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу муаммога замонавий тарбия нуқтаи назаридан ёндошади.

Ахлоқшуносликнинг хукуқшунослик билан алоқаси узоқ тарихга эга. Маълумки жуда кўп холларда ахлоқ меъёрлари билан хукуқ меъёрлари моҳиятан ва мазмунан бир хил бўлади. Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосидаги хукуқ, хукуқни эса қонунийлаштирилган ахлоқ деб аташ мумкин. Зеро, ахлоқшунослик билан хукуқшуносликнинг тадқиқот обьектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар фақат ёндашув усули нуқтаи назаридан фарқ қиласди, яъни хукуқ меъёрларининг бажарилиши, одатда, маҳсус адлия идораларидағи лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади: ахлоқ меъёрлари эса умумий қабул қилинган миллий урф-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида, алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки муайян ижтимоий гурух, жамият томонидан амалга оширилади. Шунингдек, хукуқшунослик касби учун муҳим бўлган амалий ахлоқ жиҳатларини ахлоқшуносликнинг хукуқшунос одоби деб аталадиган маҳсус соҳаси тадқиқ қиласди ва тавсия этади.

Ахлоқшунослик педагогика билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Педагогикадаги шахсни шакиллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одобнома дарсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ахлоқшунослик ўзининг назарий ва амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобланади. Маориф тизимидағи таълим-тарбия ўзини ҳар бир қадамда ахлоқий тарбия сифатида номоён қиласди.

Қадимдаёқ ахлоқшуносликнинг руҳшунослик (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Зотан, бу иккала фан кишилар ҳатти-ҳаракати, феъл-атвори ва майл-истакларини ўрганиди. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назаридан олиб борилади:

рухшунослик у ёки бу хатти-ҳаракат, феъл-автор, сабабий асос (мотив)ларнинг руҳий табиати ва шакилланиш шарт-шароитларини очиб беради, ахлоқшунослик руҳшунослик тадқиқ этган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтиради.

Ахлоқшуносликнинг ижтимоийшунослик (социология) билан алоқаси ўзига хос. Бу иккала фан инсон фаолиятини бошқаришнинг ижтимоий мурувватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганади. Лекин ахлоқшуносликнинг миқёси бу борада кенг. Маълумки, социология инсонларнинг оммовий хатти-ҳаракати ва уларнинг қонуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина тадқиқ этади. Ахлоқшунослик эса, ўз моҳиятига кўра, лозим бўлганда, муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, инсон ахлоқнинг юксак ютуғи сифатида келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, хатти ҳаракатларни ҳамда уларнинг сабабий асосларини ўрганади.

Ахлоқшуносликнинг сиёсатшунослик билан алоқаси, айниқса, ўзига хос ва мураккаб. Чunksи сиёсий кураш қарама-қарши ахлоқий қоидалар ва талаблар курашини тоқозо этади. Шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ёки нопоклиги муаммолари ўртага чиқади. Лекин, аслида сиёсат қай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Бу ҳозирги кунда ахлоқшунослик ҳам сиёсатшунслик ҳам жиддий тадқиқ этадиган энг муҳим умумий муаммолардан биридир. Шунингдек, раҳбарлик одоби, фирқавийлик одоб, этикет сингари ахлоқшуносликнинг муомила маданияти доирасига кирувчи маҳсус соҳалари ҳам сиёсатшунослик билан чамбарчас боғлик.

Бундан ташқари, кейинги пайтларда ахлоқшуносликнинг экология билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Тарихан ахлоқшунослик кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият олдидағи мажбуриятларини таҳлил этиш билан шуғилланган, унинг табиатга бўлган муносабати диққат марказидан четда қолиб келган. Лекин, кейинги даврларда, айниқса, XX аср табиатга нисбатан тор манфаатпарастлик доирасидаги ёндошувлар оқибатида пайдо бўлган экологик бўйрон манзарани ўзгартирди. Эндиликда глобал экологик муаммолар кўпроқ одамларнинг ижтимоий-ахлоқий нуқтаи-назарига боғлиқ экани маълум бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда экологик муаммоларни ҳал этиш ахлоқшуносликка бориб тақалмоқда. XX асрда экологик ахлоқшунослик деганда маҳсус соҳа ҳам юзага келди. Лекин, бу-ахлоқшунослик экологияни тўлиқ ўз ичига олади, деган сўз эмас. чunksи бунда ахлоқий баҳолаш ва бошқариш обьекти сифатида табиатнинг ўзи эмас, балки одамнинг табиатга бўлган муносабати майдонга чиқади.

### **Назорат саволлар:**

1. Ахлоқшуносликни қайси ижтимоий фанлар билан яқиндан алоқадор эканлигини гапириб беринг.
2. Ахлоқшуносликни ижтимоий фанлар орасида ўзига хос сифатга эга эканлигини айтиб беринг.
3. Ахлоқшуносликни мавжуд фанлар билан илмий ва амалий асосда иш олиб боришларини тушунтириб беринг.
4. Ахлоқ фанини мустақил фан эканлигини таърифлаб беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1999. 8-30 бб.
2. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: 1999. 3-32 бб.
3. Аликулов Ҳ. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. Т.: 1995. 10-44 бб.
4. Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон одоби билан. Т.: 1985.
5. Қори Низомиддин бин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. Т.: 1994. 3-16 бб.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 7-20 бб.
7. Гусейнов А. А. Апресян. Р.Г. Этика. Учебник. М.: Гардарики 1999.7-40 бб.

## **2-Мавзу: ИСЛОМ АХЛОҚИ**

### **Асосий саволлар:**

- 1.Ислом ахлоқини асосий хусусиятлари.
- 2.Ислом ахлоқининг манбалари ва ҳозири замон.

### **Таянч тушунча ва иборалар:**

Ислом, Куръон, ҳадис, сура, оят, шариат, чориёрлар, имон, эшсон, ислом ахлоқи, имонли киши, меҳр-мурувват, мўмин-мусилмон.

### **1 -асосий саволни баёни.**

Ислом таълимоти бўйича инсон Худо томонидан яратилган ва унинг бандасидир. Оллоҳ уни тупроқдан яратган Одам Атонинг қобирғасидан эса Момо Хавони яратган. Одам Ато шайтоннинг измига кириб ахдга шак келтирган.

Исломда бир қатор амал ва ибодатлар мавжуд. У ислом, имон ва ғусондан иборат. Ислом беш устундан: имон, намоз, закот, рўза ва ҳаж амаллари джан иборат. Имоннинг эса 7 талаби бор.

Ислом ахлоқи тизимида имон ва дин талаблари хамда шариат курсатмалари хар бир мусулмоннинг ахлоқ нормасига айлантирилган. Дин ақидаларига унинг маросимлариға қаттиқ туриб, амал қилиш мусулмоннинг ахлоқий мажбурияти, бурчи деб эълон қилинган.

«Жамиятилизнинг диний-рухий асосларини, ҳалқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тиклаш ўз тақдирини ўзи белгилаш, тарихий хотирага маданий тарихий бирликка эга бўлиш йўлидаги фоят муҳим қадам бўлди», -деган эди И.Каримов.

«Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига хамкорлик, хамжиҳатликка ўтдик. Ошкоралик, демократия йўлидан биринчи, лекин дадил қадамлар қўйдик» деган эди юртбошимиз.

«Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу-шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чақириб бўлмайди.»-дейди И.Каримов.

Ислом дини инсонпарварликни тарғиб қилувчи дин. Айниқса бугинги кунда ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашимизда Ислом ахлоқи нормаларидан кенг фойдаланилади. Ёшлар ислом дини моҳиятини билиши керак. Ислом дини инсонийликка мос келмайдиган барча воқеа-ҳодисаларни қоралайди. Куръонда ёлғончилик, ваъдабозлиқ, чақимчилик, омонатга-хиёнат қилиш, хиёнат, дилозорлик, ўғирлик, дангасалик кабилар қораланади. Чунки виждонли, имонли, диёнатли инсонлар бу ёмон хислатларни йўқотишга харакат қиласди.

Куръонда мол-мулкка берилиш қораланади. Исломда инсон кўнглини, дилини оғритиши мумкин эмаслиги айтилган. Куръоннинг жуда кўпгина сураларида камбағалларга, мусофиirlар ва қашшоқларга ёрдам бериш, мусибат ва кулфатларга чидамли бўлиш, тўғри сўз бўлиш, ифлос ва гуноҳ ишлардан ўзини четга олиш, кечиримли бўлиш, ўғирлик қилмаслик кабилар ҳақида фикр юритилади.

Ислом дини химмат, хайр-саҳоват, меҳмондўстлик, жасорат, ботирлик, сабр-тоқат, поклик, халоллик, вафдорлик, садоқатлик каби фазилатларни тарғиб қиласди.

Ислом динида жасурлик, мардонаворлик, сабр-тоқат, содиклик, садоқатлик, тўғрилик, инсонпарварлик, меҳтансеварлик, илмлилик, саховатлилик, адолатпарварлик каби фазилатлар ҳақида ҳам кўп фикрлар баён қилинган.

Хулоса қилиб айтилганда ислом динида комил инсон амал қилиши лозим бўлган хислатлар кўрсатиб берилган. Ота-она, кексаларга хурмат, илимли бўлиш, хамкорлик, дўстлик, инсонпарварлик аёлларни қадирлаш, саховат, ростгўйлик, иффат, диёнат, раҳим-шафқат, эътиқод, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, хайру эҳсон, тозали, покизалик, билимдонлик, вазминлик, тадбиркорлик, халоллик, ишонч, химмат, бардошлик, хушхулқлик,

шукр, вафо, камтарлик, тавозе, ҳаё, тежамкорлик, сир сақлаш каби ахлоқли одатлар кўрсатилган. Исломий урф-одат, қадриятлар орқали ёшлардаги қусурларини йўқотиш, яхши хислатларни таркиб топтириш мумкин.

Назорат саволлар.

1. Ислом нима?
2. Оллоҳ пайғамбарлар ҳақида нима биласиз?
3. Қуръони Карим ҳақида гапиринг?
4. Чориёрлар кимлар?
5. Ҳадислар ҳақида гапиринг
6. Имон, ислом, эҳсонни фарқлаб беринг?

## **2- асосий савоннинг баёни:**

Ислом ахлоқининг асосий манбалари бу Қуръон, хадис ва шариатdir. Ислом ахлоқи ожиз бандаларни яратган эгам олдида амалга оширган фаолиятлари учун жавобгарлигини тақидлайди ва бу жараён ислом таълимотларии асосини ташкил этувчи: имон, ислом ва эҳсон амалларида амалга ошади. «Дин», «имон» тушунчалари арабча сўз бўлиб, уларнинг хар иккисининг ҳам маъноси «ишонч», «эътиқод» деган маънони билдиради.

Қалбни Оллоҳга боғлаш, унинг ягоналигини, Мухаммад Оллоҳнинг элчиси эканлигига тил ва дил билан ишонч ва эътиқод кишиларни қалбан поклайди. Исломни-ахлоқий илм, поклик инсонпарварлик ҳақидаги таълимот экалиги тўғрисида олам-олам китоблар битилган. Биргина худойи таолонинг манбаларида қайд этилган ар-Рахмон-мехрибон, ар-Рахим-рахимли, ал-Алийм-билиувчи, ал-Адл-адолатли, ал-Хофиз-сақлағувчи, ал-Ҳаким-хикмат соҳиби, ал-Қодир-кудратли каби шарафли номларининг аксарияти ижобий ахлоқий фазилатларни англатади. Ислом таълимотида комил инсон сифатлари имонли ёки тақводор инсон тарғиб этилади. Унинг сифатлари «Қуръони Карим»нинг, «Бакара» сурасида қўйидагича қайд этилади.

1. Оллоҳга имон.
2. Охиратга имон.
3. Фаришталарга имон.
4. Китобларга имон
5. Пайғамбарларга имон.
6. Саховатпеша фазилат.
7. Номозхон фазилат.
8. Закотни берадиган фазилат.
9. Аҳдига вофодор фазилат.
10. Сабр-токатли фазилат.

Яъни юқоридаги 10 мақомни амалга оширган киши имонли киши, тақводор инсон номига мұяссар бўлади. Ва бу фикр Қуръоннинг қатор бошқа сураларида ҳам қайд этилди. Қуръон сурраларида ҳам қатор ахлоқий фикрлар билдирилган:

- Мўминларнинг афзали хулқ-атвори яхшиларирид.
- Имон жиҳатидан мўминларнинг комилроғи-хулқи яхши бўлгани ва хотинларга яхши муомила киладиганидир.
- Мен барча яхши ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман.
- Хаё доим яхшилик келтиради.
- Одамларнинг яхшиси-одамларга фойдалироғидир.
- Мўмин кишиларга берилган нарсаларнинг яхшиси чиройли хулқидир.
- Дин насиҳатдан иборат.
- Ҳар бир қилинадиган яхшилик садоқат савобига тенгдир.
- Ҳеч бир ота ўз фарзадига хулқу-одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

Ислом ахлоқни учинчи бир манбаи бу шариатdir.

Шариат-мусулмон хуқуқи исломнинг дастлабки даврида у тарқалган мамлакатларда ижтимоий иқтисодий ва диний фаолиятни қамраб оловчи қонунлар мажмуасини ишлаб

чиқиши эҳтиёжи натижасида вужудга келади. Шаратнинг тугал шакилланиши XI-XII асрларга тўғри келади. Ундаги асосий қоидалар давлат хуқуқи, мулк ва жиноят хуқуқи, қозилик ва кафиллик масалалари, қасам ичиш қоидалари, оиласиий масала, вақф қоида-шартлари, рўза тутиш, номоз ўқиш, закот, хаж ва бошқа тартиб ва талаблардан иборат.

Шариат диндаги хатти-харакатларни умумий холда иккига: халол ва харомга ажратади. Бу амалларни ўрганиш, билиш ва амал қилиш тўғрисида Ҳадису шарифларда: «Шариат илмини билишга харакат қилиш ҳар бир эркак ва аёл мусулмонлар учун фарздин», деб айтилган.

### **Назорат саволлар.**

1. Ислом нима?
2. Оллоҳ пайғамбарлари ҳақида нима биласиз?
3. Куръони Карим ҳақида гапиринг?
4. Чориёллар кимлар?
5. Ҳадислар ҳақида гапиринг
6. Имон, ислом, эҳсонни фарқлаб беринг?

### **Адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1999. 8-30 бб.
2. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлмиз билан қурмоқдамиз. Т.: 1999. 3-32 бб.
3. Куръони Карим. Т.: 1991. (2:177)
4. Аликулов Ҳ. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. Т.: 1995. 10-44 бб.
5. Қори Низомиддин бин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. Т.: 1994. 3-16 бб.
6. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари). Т.: 1990.
7. Шер А. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 50-58 бб.

## **3-мавзу: МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ**

### **Асосий саволлар:**

1. Марказий Осиё мутафаккирлари Фаробий, Беруний, Ибн Синонинг ахлоқий қараашлари.
2. Мир Алишер Навоий ва Воиз Кошифийнинг ахлоқий қараашлари.

### **Таянч тушунча ва иборалар:**

Үйғониш даври, тасаввуф, ҳаёт ва момот, ихтиёр эркинлиги, муҳаббат, ният, қадр-қиммат, лаззат, фазилат, мақсад, ақл, панднома.

### **1- асосий саволни баёни:**

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари маданияти ривожида IX асрдан бошлаб кескин юксалишни кузатамиз. Бу ривожланиш бир неча аср давом этади. Бу даврда файласуф, табиатшунос, шоир, олимларнинг ажойиб вакиллари етишиб чиқади. Ўша даврнинг миллий тилига айланган араб тилига турли чет тиллардаги асарларни таржима қилиш авж олади. Математика, астараномия, химия, медицина, минералогия, этика, фалсафа, физика соҳаларида янги кашфиётлар қўлга киритилади. Бадиий адабиёт мисли кўрилмаган даражада юксалишига эришилди. Ҳозирги даврга қадар ўзининг қийматини йўқотмаган матнни бойлиги, қомусий характеристери билан кишини таажубга солиб келувчи илмий рисолалар, ўз донолиги билан кишини чуқур ўйга солувчи, ахлоқий қучни ўзида яширган форс, араб, турк тилларида рубоийлар, ғазаллар, ҳикояларнинг кўпчилиги шу даврнинг маҳсулидир.

Фаробий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино каби ўрта аср маданиятининг қомусий билим эгалари етишиб чиқдилар. Булардан ташқарии Рудакий, Саъдий Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Воиз Кошифий, Бобур каби сўз санъаткорлари етишиб чиқсанлар. Бу даврда бой мазмуни билан авлодлар учун завқ-шавқ, панднома вазифасини бажариб келган қатор асарлар ёзилди: «Қобуснома», «Бўстон», «Гулистон», «Бахористон», «Махбуб ул-қулуб» каби буюк ахлоқий асарлар яратилди.

Ўрта ва Яқин Шарқ ўйғониш даври ўтмиш анъаналарига, Шарқ ҳалқларининг ўтмиш оғзаки ижодига таянади, улардан кенг фойдаланилади. Бу даврда фанда Аристотель, Птоломей, Гален асарлари араб тилига таржима қилинди, ўрганилди, уларга шарҳлар, тақлидлар ёзилди.

Яқин ва Ўрта Шарқда Ўйғониш даврининг иқтисодий, сиёсий негизлари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида хусусан Эрон, Хурросон, Марказий Осиё каби турли мамлакатларда IV-V асрлардан бошлаб узоқ давом этган қулдорлик тузуми емирилиб, феодал муносабатлар ривож топа бошлаган эди. VI-VII асрларда бу мамлакатлар худудларида қулдорлик давлатлари ўрнида қулдорлик сақланган холда, майда феодал давлатлар ташкил топади, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда маълум тушкунлик юзага келади. Бу тушкунлик араблар истелосига йўл очиб берди. Қисқа даврда Яқин ва Ўрта Шарқнинг қатор мамлакатлари босиб олиниб, Тибетдан Испаниягача бўлган худудда араб ҳалифалик давлати вужудга келади.

Бу тарихий моддий ва маданий қоришув феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожига олиб келади. Шу сабабдан бу даврда Ўйғониш даврининг бошланиши ҳалифаликнинг марказий шаҳарларида вужудга келганини қўрамиз. Ҳалифаликнинг турли чекка ўлкаларидан келган турли миллат вакиллари бўлган Хоразмий, Фарғоний, Марвазий каби олимлар ҳалифаликнинг марказий шаҳарлари Дамашқ ва Боғдодда ижод этдилар.

Шарқ Ўйғониш даври маданияти инсоният тарихида мустақил алоҳида даврини ташкил этиб, мазмуни, йўналиши, вужудга келиши мақсадлари жиҳатидан ўз даврининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ ва шулардан келиб чиқиб, феодал тузум шароитида вужудга келган янги ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётга бўлган талабларни ўзида ифодалайди.

Үрта ва Яқин Шарқда эса турлича кўп худолик динлари, оташпаратлик, зардуштлик ўрнига VII-VIII асрларда ислом дини ўрнатилади. Ислом дини зардуштлик билан кескин рақобатда, курашда ғалаба қиласди. Исломнинг тўла хукумронлиги 1-2 аср давом этиб, сўнгра бу ерда Уйғониш даври маданияти бошланади.

Уйғониш даврининг асосий муаммоси инсон муаммосидир. Инсонни диний ақидалар сиртмоғидан, диний тасаввурларга кўр-кўронга ишонишдан озод қилиш, эркин фикр юритишнинг кенг йўлга олиб чиқиши Уйғониш даври қўйди.

Уйғониш даври гуманизми бадиий адабиётда, санъатда, аввало инсоний хислатларни тасвирлашдан, куйлашдан, уларни гўзал бўёқларда номоён қилишдан, инсоннинг ҳистойғулари, психологияси ҳоказоларини акс эттиришдан, қисқаси, инсонни-улугланиш, уни табиатнинг энг буюк маҳсули, олий ютуғи, якуни деб таърифлашдан иборат бўлди.

Инсонпаварлик ғояси Уйғониш даври маънавий ҳаёти, маънавий маданиятнинг энг умуний ва характерли хусусияти бўлиб, у ижтимоий-ахлоқнинг йўналиш шаклида вужудга келди, ривожланади ва номоён бўлди. Инсонпаварлик ғояларини, тамойилларини амалга оширишнинг асосий йўли воситаси сифатида етук ахлоқ, маърифатли ваadolатли жамият, жамоа масаласи олдинга сурилди.

Фаробий 160 дан ортиқ асар ёзган. Фаробийнинг «Арасту этикасига шарх», «Фозил одамлар шахри», «Бахс –садатга эришув хақида рисола» «Сўзлар ва лафзлар ҳақида китоб», «Ақл тўғрисида рисола» ва бошқа асарларида ўзининг ахлоқий ғояларини баён этган.

Фаробий 12 фазилатга эга бўлган инсонлари ахлоқли деб хисоблайди. Фазилатларни ўзини 3 туркумга ажратади.

Фаробий ахлоқли инсон деб, илм-маърифатга интилевчи, ҳақиқат,adolatни севувчи, ёлғончининг душмани бўлган, жасур, мард кишиларни тушунади. Ахлоқий фазилатлар эса ақиллилик ва доноликдан иборат, дейди.

Фаробий ўзининг «Фозил одамлар шахри» асарида 12 туғма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқий одам, яъни фозил инсон бўла олади, дейди. Бу хислатлар қуидагилардан иборат:

1. Одамнинг барча органлари (мижжаси) мукаммал тараққий этган бўлиши зарур - соғлом.
2. Барча масала, муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушунча оладиган - фаросатли,
3. Хотираси жуда бақувват бўлмоғи лозим - кучли хотириалик.
4. Зехни тез ва ўтқир бўлмоғи - зукко.
5. Сўзлари аниқ бўлсин - нотиқлик.
6. Билиш ва ўқишига муҳаббати бўлсин - маърифатли.
7. Очкўз бўлмасин - қаноатли.
8. Ҳақиқат ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин - ҳақиқатгўй.
9. Рухи фурурли ва виждонли бўлсин - олижаноб.
10. Бойликка жирканч билан қарасин - молпараст бўлмаслик.
11. Адолатни севувчи ва унинг учун курашувчи бўлсин - адолатпарвар.
12. Қатъий сўз, кўрқмасс, жасур бўлсин - мард.

Этика - инсон хатти-ҳаракатининг асосий нормалари (талаблари) ва қоидаларини ўрганади.

Фаробий ҳам Эпикур каби этикани асосий вазифаси ҳар бир кишининг пировар мақсади баҳт -саодатга эришишдир-деб билади.

Унингча-бу мутлоқ эзгуликдир. Фалсафа билимларнинг онасидир.

Ал-Беруний 150 атрофида асар ёзган. Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар, «Хиндистон», «Геодезия», «Маъсуд қонуни» каби асарлари машҳур. Беруний инсон хулқини 2 га: яхши ва ёмон ҳулқларга бўлади.

Инсоннинг ирова эркинлиги тан олиш Берунийнинг материалистик фикридир. У инсоннинг ахлоқий камолотга эришувини таъкидлаб, бундай интилишини талаб қиласди ҳам: «Инсонга рўбарў бўлинганда, аввал кўзга учрайдиган нарса башараси ва суратининг

кўринишидир. Инсон ўз суратини ўзгартиришдан ожиз бўлса ҳам, тилсиз ҳайвондан орқада қолишни истамаса нафсни тозалашдан ожиз бўлмайди». Яна Беруний инсон ўз шаклига ҳам эътибор билан қарashi кераклиги, инсон гўзал бўлмоғи кераклиги уқтириб, «Сурат ва қиёфанинг чиройи маҳбуб холлардирким, бу ҳолатдаги кишига ҳар ким Рағбат қиласди». Дейди ва покиза кийимлар кишидаги зоҳирий равshan муруватга ишора қилишни таъкидлади. Берунийнинг ахлоқий қарашлари идеалистик асосда бўлса-да, улар ислом мағкурасининг ҳомийси, илм-фаннынг жоҳил душмани Маҳмуд Ғазнавий хукмронлиги даврида ғоят илғор фикрлар эди.

Абу Али Ибн Сино ахлоққа катта ҳисса қўшган. Унинг «Тиб қонунлари», «Рисолатур тайр», «Саломон ва Ибсол» каби асарлари мавжуд.

Ибн Сино камтарлик, иззат-хурмат, жасурлик, тўғирлик, софдилликни инсоний фазилатга киритган. Бундай фикрларни Жомий, Навоий, Давонийларда ҳам кўришимиз мумкин. Бу мутафаккирлар диний ахлоқнигина эмас, балки унга қарама-қарши, дунёвий, илғор ахлоқ ҳақидаги ўз қарашларини ҳам баён этган.

Ҳар ким илм ичиди унинг ўрганадиган бир нарсаси бўлади, деб ёзди Ибн Сино «Донишманднома» асарида. Бу нарсалар ики тур бўлади: биринчиси, борлиги бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ бўлмаган нарсалар. Аввалгисига бизнинг қилмишларимишларимиз мисол бўлса, иккинчисига, ер, осмон, ҳайвон ва ўсимликлар мисол бўлади. Унинг биринчиси ўзимизни ўз қилмишларимиздан хабардон қиласди ва «Амалий илм» деб аталади. У бизларнинг бу дунёдаги ишларимизни амалга оширишимиз учун нима қилишимиз кераклигини ўргатади». Ибн Сино фикрича, Амалий илм учга бўлинади: 1) жамиятни, ҳалқни, мамлакатни идора қилиш илми, 2) уйни бошқариш, оила муносабатларини тартибга солиш илми ва 3) «Одамнинг ўзи тўғрисида, кишилар ўз-ўзига қандай муносабатда бўлиши кераклиги ҳақидаги илм ёки ўз-ўзини идора қилиш илми»дир. Ахлоқ анна шу «ўз-ўзини идора қилиш» илми жумласига мансубдир.

Хулоса қилиб айтганда Марказий Осиёда яшаб ўтган барча мутафаккирлар қобусий билим эгаси бўлиши билан бирга буюк ахлоқшунос олимлар ҳам бўлишганлар.

### **Назорат саволлар:**

1. Марказий Осиёдаги ўша даврдаги ижтимоий муҳит ҳақида гапиринг.
2. Мутафаккирларнинг ахлоқий қарашлари ўртасидаги узвийлик ҳақида айтинг.
3. Фаробийнинг ахлоқий қарашларини баён этинг.
4. Беруний ва Ибн Сино ахлоқий таълимларини тушунтириб беринг.
5. Пандномалар ҳақида сўзлаб беринг.

### **2-асосий саволнинг баёни:**

Навоийнинг ахлоқий қарашлари унинг маҳсус ахлоққа оид асарларида шеърлари ва достонларида баён этилган. Ҳазрат Навоийнинг 4500 асарларининг аксарияти инсон ва унинг ахлоқи мавзусидадир.

Буюк мутафаккир Навоийнинг «Махбуб ул-кулуб» (Кўнгилларни севган) асари унинг асосий ахлоққа бағишиланган асарларидандир. Бу билан у айниқса, Темурийлар даври ахлоқшунослиги тараққиётiga катта ҳисса қўшди. Асар 40 боб 3 қисмдан иборат бўлиб панднома типида ёзилган.

«Махбуб ул-кулуб» асарида комил инсон масаласи ўзига хос тарзда ўртага ташланади. Навоий, нақшбандия сулукининг ахлоқий талабларидан келиб чиқиб, ўз замонаси билан ҳамнафас бўла оладиган ва доимо комилликка интилиб яшайдиган инсонни ахлоқий намуна деб билади.

Навоий «Камол эт касбким» қитъасида одамларни икки гурухга: «акли маъни» ва «акли суръат»га бўлади. Навоий дунёдан камолотга етмай ўтиш ҳаммомдан тоза бўлмай чиқишининг худди ўзидир, деб ёзган эди.

Профессор Н.Комилов «Фарход ва Ширин» достонини ўқиб, Сукрот комил инсон деган хулосага келади. Публицис Эргаш Очил Навоий Фарходни комил инсон тимсолида

ифодалаганлигини таъкидлаб ўтади. Бу ерда Фароходни ҳар бир ҳарфи: Ф-фироқ, р-рашқ, х-хажр, о-оҳ, д-дардни мужассам этган.

Алишер Навоий ахлоқий фазилатлар ичида ҳаёлиликни биринчи ўринга қўйиб:

Уч қисм ила имонга бино фаҳм айла,

Аввалгисини анинг ҳаё фаҳм айла.

Иккинчисини даги вафо фаҳм айла,

Учинчисини билмасанг, саҳо фаҳм айла, - дейди у.

Мутафаккир инсон имони пойдеворининг биринчиси- ҳаё, иккинчиси-вафо, учинчиси-саҳоватлилиқ, дейди. У ҳаёning маъносини кенг тушунади. Навоий асарларида ҳаёни тарғиб қиласр экан, мансабу амал эмас, балки ҳаё ва одоб элни юксакликка кўтаришини айтади:

Навоий умумий асарларини кузатганда одамлардаги уч фазилат улуғланганлини кўриш мумкин:

1. Яхшилик қилмоқ ва гўзал ҳулқ.

2. Ростгўйлик.

3. Ҳаё.

Хусайн Воиз Кошифий ахлоқий гояларни марказида «комил инсон» ва унинг сифатлари туради. Кошифийшунос Р.Махмудовнинг фикрича Кошифий

1. «Комил инсон» концепциясини янада ривожлантиради.

2. Жамиятни адолат асосида бошқариш керак деган гояни илгари суради.

3. Ахлоқни аосий воситаси деб илм-маърифат ва ахлоқий тарбияни билади.

4. У одоб, адабнинг маъносини кенг тушунади.

5. У буюк инсонпарвар этади.

6. У инсонлар тенглигини тарғиб этди.

7. Кишиларни иноқлика чорлади.

8. У ҳалқлар дўстлиги кенг тарғиб этади.

9. Кишиларни касб-хунарга, маърифатга чорлади.

10. Илмли кишиларни улуғлигини қайт этди.

Кошифий ўз ахлоқий таълимотида мукаммал инсон сифатларини ишлаб чиқкан ва улар 10 та деб кўрсатади:

1. Ҳайри ишларда одамлар билан зиддиятга бормаслик (элга тескари иш қилмаслик).

2. Ҳис туйғу ва эҳтиросларга берилмаслик (нафсни тийиш).

3. Ўзгалар айбини очмаслик.

4. Бирорларни баҳтсизлигига ҳамдард бўла олиш.

5. Агар айбдор ўз айбига икрор бўлса, уни авф этиш.

6. Мухтожларга ёрдам кўрсатиш (сахийлик).

7. Кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш (ўзгалара учун машақкат тортиш).

8. Ўз нуқсонларини кўра билиш.

9. Ҳулқ-одобли бўлиш.

10. Ҳушмуомалали бўлиш каби.

Бундан ташқари Кошифийнинг юзни ўқиши санъати тўғрисидаги таълимоти ҳам ахлоқшунослик фани учун аҳамиятлидир.

Кошифий 30 дан ортиқ ахлоқий қоидалар ва фазилатлар тўғрисида ўз фикрини билдирган. Масалан:

- «Сабрнинг маъноси ҳақ таолодин келган балога тоқат қилмоқ ва анго ўзни тўхтатмоқ бўлур»;

- «Ҳаёning маъниси ёмон иш қилмоқдин уялмоқлик бўлур»;

- «Шижаот фазилат аноларидиндур», деб ёзади.

Ростгўйлик. Кошифий ростгўйликни ахлоқий фазилат деб тушунади. Ростгўйлик барча инсонларда бўлиши зарур, у кишини баҳтга етакловчи восита деб билади.

Ростгўйлар бўлгуси тонгла укубатдин халос.

Жаҳд қилғил умрунг ичра то улардин бўлғонсен.

Ростгўйлик инсоннинг ахлоқий хатти-харакатини намоён қиласи. Ростгўйлик, кўнгил очиқликни, дангалчиликни кўрсатади. Ростгўйликни Кошифий бор ҳақиқатни айта олиш, ўз қадр-қимматини тўғри тушуниш, нуқсонларни тўғри кўрсата олиш, эҳтиёж туфайли юзага келган ахлоқий фазилат деб билади. Шунинг учун ҳам ростгўй одам тонг каби беғуборлигини таъкидлади.

Ростлик сори айласанг кўшиш,  
Бўлғунг осуда ўнгланиб санго иш.  
Ҳар кишидур жаҳонда кажрафткор,  
Қул бўлур ростлиқига охири кор.  
Бўлғоч ўқ ростлиқи била қойим,  
Анго таъзим ё қилур доим.

Ростгўйлик бор жойда ҳеч қачон ёлғончиликка ўрин қолмайди. Лекин шариат тақозоси билан ёлғон ҳам гапириш мумкин, қачонки, бу ёлғон яхшилик учун, кўпчилик манфаати учун хизмат қиласа.

Мутафаккир барча кишиларни ростгўй бўлишига чақириб, бу инсондаги энг муҳим хислат, ахлоқий қоида эканлигини уқтиради.

Шижаат. Воиз Кошифий «Ахлоқи Мухсиний»нинг ўттизинчи бобини шижаатга бағишилади. «Шижаат фазилат оналаридандир, яъни улук яхши сифатларидан эрур ва шижаоа тавсифида келибдурким «инналлоҳ муҳиббиш шужоаъ, яъни ҳақ субхонаху таало дўст тутор шижаатлик кишиларни демак бўлур». Шижаат-ботирлик, жасорат, юраклилик маъноларини англатади. Шижаатли одамни ҳамма ўзига дўст санайди. Бу фазилат энг қийин (ано), машақкатли фазилатлардан биридир:

Керак бизга шужоат бирла шуҳрат,  
Ки анингдин киши тоббой шарофат  
Эл улдурким ўзини машхур этгай.  
Ки шуҳрат топилиб жон кетса кетгай.

Мутафаккир шижаатга довюраклик, камтарлик, донолик, чидамлилик каби хусусиятларни ҳам киритади. Шижаат ҳам инсонпарварлик асосида бўлиши кераклигини таъкидлади.

### **Назорат саволлар:**

1. Навоийнинг ахлоқий таълимотида «Махбуб ул-кулуб» қандай ўрин эгаллади?
2. Навоийни тасаввуф ахлоқига доир асарларини санаб беринг.
3. Кошифийнинг ахлоқий қарашларини ўзига хослигини гапиринг.
4. Кошифийнинг Ахлоқи Мухсиний асари ҳақида сўзлаб беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: 1994.
2. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномайи Султоний. Т.: 1994.
3. Ҳайруллаев М. Уйгониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: 1994.
4. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т.: 1997.
5. Махмудов Р. Дегонимни улусга марғуб эт. Т.: 1992.

## **4-Мавзу: АХЛОҚНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ**

### **Асосий саволлар:**

1. Ахлоқнинг асосий категориялар тизими.
2. Ахлоқнинг асосий тамойиллари ва қоидалари.

### **Таянч тушунча ва иборалар:**

Категория, яхшилик, ёмонлик, адолат, бурч, ор-номус (шашн), виждон, ҳаётнинг маъноси, бахт, ватанпарварлик, байналмилаллик, жамоавийлик, меҳнатга онгли муносабат, инсонпарварлик, ахлоқий тамойиллар, ахлоқий қоидалар.

### **1- асосий саволнинг баёни:**

Ҳар бир фан ўз категориялар тизимиға эга. Категорияларнинг мазмуни инсон онгининг ўрганилаётган предмет моҳиятига қай даражада кириб борганилигини кўрсатади. Категория лотинча сўздан олинган бўлиб «хукм», «таъриф» маъносини билдиради. Ахлоқий категориялар ахлоқнинг энг мухим томонлари ва элементлари умумлашган холда ўз ифодасини топади. Ахлоқ категорияларида ахлоқий муносабатларнинг объектив қонуниятларини, жамият ахлоқий хаётининг ҳамма томонлари ва ранг-баранглигини акс эттиради. Уларда кишилар хатти-харакатлари, қилиқ ва хулқ-атворлари маъқулланиши ёки қораланиши ўз аксини топган. Ҳар бир категориянинг ўзига хос хусусиятлари бор ва у шахс билан жамият ўртасидаги ахлоқнинг маълум томонларини акс эттиради.

Ахлоқнинг асосий категориялар тизими:

Яхшилик ва ёмонлик.

Яхшилик ва ёмонлик ахлоқий онгнинг бирмунча умумий ва марказий тушунчаси бўлиб, ахлоқлилик билан ахлоқсизликнинг фарқи ва карама-каршилигини яхлит бир шакилда ифода этади. Кишилар бу категориялар ёрдамида теварак атрофда содир бўлаётган ҳамма ходисаларни баҳолайди. Агар яхшилик категориясида ижобий воқеа ҳодисалар, нарсалар, яъни ахлоқий идеалга мос келадиган нарсалар ҳақидаги тасаввур жамланса, ёмонлик тушунчасида кишиларнинг идеалига, улар эъзозлайдиган нарсаларга зид келадиган, баҳтга эришишга, одамлар орасидаги муносабатларда инсонийликнинг ўсишига тўскىнлик қиласидиган барча нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ифодаланади. Яхшилик ва ёмонлик ахлоқшуносликнинг баҳо категорияси хисобланади. Яхшилик ва ёмонлик одамларнинг юриш туришида, ижтимоий хаётида яхши одобни ва ёмон одобни бирлаштирувчи энг умумий ифодадир.

Адолат.

Адолат – тенгликнинг ҳаққоний ва тақдирлашнинг зарурй ўлчовидир. Адолат-шахс ва ижтимоий бирликнинг реал иқтисодий, хуқуқий, сиёсий холатини қайд қиласиди. Адолат бошқа категорияларидан фарқли суратда кишининг жамиятдаги ахлоқий ўзаро муносабатларининг бошқарувчиси сифатидаги ўзига хос хусусияти қўйидагиларда кўринади: у тақдираша талаб қилишнинг миқдорий ўлчовидир. Адолат бошқа категориялардан фарқ қилиб, ижтимоий онгнинг икки шакли хуқуқ ва ахлоқни боғловчи мухим тушунчадир.

Адолат-иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ходисаларни баҳолашда намоён бўлувчи объективлик, холислик, ҳаққоният, инсонпарварлик сингари аломатларини ҳам ўзида ифодалайди.

Бурч.

Бурч-шахснинг жамиятга ёки кишиларга нисбатан бўлган ахлоқий мажбуриятларини ифодалайди. Бурч-мавжуд жамият талабларини бажаришнинг икки маънавий зарурияти, ижтимоий баҳт-саодат эҳтиёжлари тақазо қиласидиган муайян хулқ-одоб заруриятидир. Бурч-ҳамиша хатти-харакатларининг асосий сабабларидан бири сифатида номоён бўлади. Бурч атамаси ахлоққа Демократ олиб кирган. Бурчнинг турлари кўп: фуқаролик, йигитлик, қизлик, талабалик, фарзандлик, ота-оналик ва бошқа.

Ор-номус. (шашн) ва қадр-қиммат.

Ор-номус категорияси инсоннинг жамиятдаги ўз қимматини англашни ҳамда бу қимматнинг жамият томонидан тан олинишини ифодалайди. Ор-номус ахлоқий тушунча сифатида инсонда шахснинг ижтимоий ахамияти ва ахлоқий қиммати хосил бўладиган фазилатларнинг мавжудлигини кўрсатади. Ор-номус шахсий қадр-қимматни англашни ўз ичига олади. Инсон ор-номуси, шаъни, қадир-қиммати жуда катта қийинчилик, узоқ вақт давомида пайдо бўлади. Лекин ахлоқизлик орқали ор-номус қисқа вақтда йўқолиши мумкин.

### Виждон.

Виждон- одамнинг ўз хатти-харакатига баҳо беришdir ёки бошқача кишилар олдидағи маънавий жавобгарлигидир. Виждон-инсоннинг ўз хулқини муайян ахлоқ нормалари нуқтаи-назаридан туриб ахлоқий баҳолаши ва назорат қилиши, ўз хатти-харакатларини ва бу хатти-харакатларга боғлиқ бўлган хис туйғуларини, кечинмаларини ўзи таҳлил қилишdir. Виждон категорияси баҳо, буйруқ, матив ва эмоцион характерга эга. Инсон қачонки тўғри хатти-харакат қилганлигини, ўзи ўзлаштириган ахлоқ талабларига мос равишда иш тутганлигини англаса ўз хулқи, хатти-харакати учун ўзида ички қоникиш хисси туғилади, виждони хотиржам бўлади. Агар у нотўғри харакат қилганлигини, ахлоқ талаблари бузилганлигини билса, азоб ва ажабга тушади. Виждон хатти-харакатини маъқуллаб ёки қоралаб турадиган баҳо категориясидир.

### Бахт.

Бахт- бу инсоннинг ўз ижодий кучларнинг тўлиб-тошиб ётганлигидан уларнинг ижтимоий ва шахсий мақсадда қўлланишидан юксак даражада маънавий қониқиши ва бу туйғунинг англаб олинишидир. Бахт хар-хил бўлади. Бахтни хар ким хар хил тушунади. Бахтга эришиш йўли билим ва меҳнатдир. Инсон доимо ўз ҳаётида бахтли бўлишга интилиб яшайди.

### Ҳаётнинг маъноси.

Инсоннинг мақсадли, маъноли мантиқли яшаш тарзи тушунилади. Хар бир инсон ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишига харакат қиласи.

Инсон ҳаётида доимо яхши яшашни ният, яхши мақсад учун яшайди. Ҳаётнинг маъноси категориясининг моҳияти инсонларни ўз ўрнини ҳаётдан толишига ёрдам берувчи категориядир.

### Назорат саволлар:

1. Категория нима.
2. Яхшилик ва ёмонликни тушунтириинг.
3. Адолатни тушунтириинг
4. Бурчни изоҳланг.
5. Ор-номусни айтинг
6. Вижонни баҳолаб беринг.
7. Ҳаётни маъносини тушунтириинг.
8. Бахтни тарифланг.

### 2 - асосий саволнинг баёни.

Ахлоқнинг 5 та тамойили мавжуд.

1. Ватанпарварлик.
2. Инсонпарварлик.
3. Байналмилаллик.
4. Жамоавийлик.
5. Меҳнатга онгли муносабат.

Бу тамойилларда ахлоқнинг умумий талабларини акс ўзида эттиради. Ахлоқий тамойилларда ахлоқий талаблар бирмунча умумий тарзда ифодаланади. Тамойиллар ахлоқнинг энг мухим, аниқ-тариҳий белгиларини, шахс хатти-харакатига қўйиладиган барча талабларини мужассам этиб, кишилар фаолиятининг умумий йўналишини кўрсатади ва бирмунча аниқ бўлган хулқ қоидаларига асос бўлиб хизмат қиласи.

Ватанпарварлик- ватанга мухаббат, унга содиқлик, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриш демакдир.

Ватан – арабча она-юрт, ўлка декмакдир. Ватан бу одам туғилган, тарбияланган, меҳнат қувончини тотган, одам мануб бўлган, ҳалқ тарихи билан боғланган ҳамда тарихан шакилланган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий мухитдир. Ватан кўп қиррали тушунчадир, бу маълум ҳалқ яшайдиган худуд, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тузум, майший хаёт, маданият, тил, миллий анъаналар, яъни киши мансуб бўлган жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёт шароитлари йиғиндинсини ўз ичига олади.

Бугунги кунда ёшларни она-Ватанга, юргита садоқат руҳида тарбиялаш энг долзарб вазифалардан биридир.

Инсонпарварлик (Гуманизм). Гуманизм -лотинча инсонга хос, инсоний деган манони англатади. Гуманизм инсонпарварлик дегани. Инсонпарварлик инсонга бўлган меҳрибонлик чуқур инсонийлик, ғаҳўрлик инсон озодлигини ва ҳар томонлама ривожланишини акс эттирувчи олижаноб туйғу. Ахлоқ нормаси хулқни белгилаб беради. Агар ахлоқий тамойиллар умумлашган ахлоқий тушунчалар бўлса, ахлоқий қоидалар уларни аниқлаштришга хизмат қиласди. Ҳар бир тамойил ўзида бир қатор ахлоқий қоидаларни ўз ичига олиб, изчиллик билан ўзгариб боради.

Байналмилаллик. Турли ҳалқлар вакилларини, ҳалқларни дўст, иноқ, ҳамжиҳат ҳаёт кечиришлари тушунилади. Турли ҳалқлар муносабатини тартибга солиб турувчи тамойил байналмилалликдир. Бизнинг юртимизда, 130 га яқин миллат ва элат вакиллари дўстона яшамоқдалар. Чунки Президентимизнинг одилона миллий сиёсати ҳамма миллат вакилларига бирдек муносабатда бўлганлиги учун тинчлик ҳукм сурмоқда.

Жамоавийлик – бу кишиларнинг бирлашиш хисси, ижтимоий муносабатлар ривожланиши давомида тарихан шакилланувчи ижтимоий ҳаётнинг асоси, биргалик сифатидир.

Бирдамлик кишиларнинг манфаатлар бирлигига ва уларнинг биргаликда харакат қилишига, майиллигига асосланган эътиқодлар бирлигидир. Бирдамлик ахлоқий тамойил сифатида мақсад бирлиги, ўз иродаси, ҳаракати, шахсий манфаатларини жамоага бўйсндиришга тайёргарлик асосида шакилланади.

Жамоавийлик – бу етилган ижтимоий масалаларни ҳал қилишда, ижтимоий фойдали мақсадга эришишда ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, интизом ва жамият олдида ўзаро масъулятлилик муносабатлари билан боғланган кишиларнинг ихтиёрий, онгли ва эркин бирлашмасидир. Жамоа тарбия мактаби ҳисобланади.

Ахлоқшунослиқда ахлоқий тамойиллар билан бирга ахлоқий қоидалар ҳам бор. Хушмуомилалик, одобилик, ҳалоллик, ростгўйлик, соддалик, камтарлик каби 100 дан ортиқ ахлоқ қоидалари мавжуд.

Ахлоқ қоидалари - инсоннинг хулқ, феъл-атворини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Ахлоқ қоидалари инсонга жамият томонидан қўйилади. Ахлоқ қоидалар ижтимоий мазмунга кўра умуминсоний характерга эга бўлади. Оддий ахлоқий қоида ижтимоий норманинг бир тури ҳисобланади. У инсоннинг ҳатти ҳаракатини бошқаради. Ахлоқли киши бу қоидаларни бажариши шарт ва мажбурийдир. Лекин ахлоқий фазилатларни эса бажариши шарт эмас. Унинг мажбурийлик жихати йўқ.

Оддий ахлоқ қоидалари жамиятнинг инсонга бўлган одобилик, оддийлик ва камтарлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, очиқ кўнгиллик ва дангасалик, сахийлик ва муруввватлилик, ўзаро ҳурмат, дўстона муносабат, самимилик, сиполик, катталарни ҳурмат қилиш, bemorlariga ҳамдард бўлиш каби қоидаларни ўргатади.

Аристотел, Фаробий, Беруний, Ибн Сино ва бошқа мутафаккирлар оддий ахлоқий қоидалар билан ахлоқий фазилатларни ажратиб кўрсатганлар.

Ахлоқ қоидалари ахлоқ талабаларининг бир кўриниши бўлиб, маълум хулқни насиҳат, танбех бериш, амр-фармон, мажбурият шаклида ифодалайди. Ахлоқ қоидалари инсон ҳатти ҳаракатининг ички томонини, шахс томонидан англаган муайян мажбуриятларни ифодалайди, жамоатчилик фикрига аласланади ҳамда умумий ҳарактерга эга бўлади.

Ахлоқ-одобга оид Ҳадисларда инсон учун энг зарур бўлган ахлоқий фазилатлардан ҳаёлилик ҳақида ибратли фикрлар баён қилинган. Мусулмон халқлари Ҳадисларни ўзларнинг энг яқин маслаҳатчилари, таълим тарбиядаги ёрдамчилари сифатида ўқиб, ўрганиб келишган.

Уят, уялиш, тортиши-ҳаёнинг бир хусусияти бўлиб, у барча ёшдаги кишиларга хос бўлиши керак. Инсонлар умуман бир-бирлари олдида уялиш, тортиши, яъни ўзини ёмон ҳатти-ҳаракатларидан тия олишни билиши керак.

Шу ўринда улуг адабимиз Абдулла Қаҳҳорнинг уят ҳақидаги гапини эслатиб ўтишни истардик: «Уят энг шафқатсиз қонундан ҳам кучлироқ, қудратлироқ. қонун фақат кўз тушганда, шубҳа қилгандагина жиноятчининг қўлини ушлайди, йўлини тўсади. Уят эса ҳамиша одобсиз, ахлоқсиз жиноятчининг тепасида туриб, ножўя ишга қўл кўтартгани кўймайди. Ҳар қандай қонунга чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди, чунки қонун одамдан ташқарида, уят эса одамнинг кўксида бўлади».

Меҳнатга онгли муносабат. Меҳнат инсоннинг моддий ва маънавий бойликлар яратишга, умуминсоний таққиётини таъминлашга қаратилган фаолиятидир. Меҳнат жараёнида ижтимоий хамкорлик вужудга келади, бирдамлик ва интизом ҳақидаги, мухабbat ва нафрат тўғрисидаги, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар шакилланади. Ўзаро ёрдам, насл-насабга ғамхўрлик қилиш, инсонга нисбатан хамдардлик сингари ахлоқий одат ва анъаналар таркиб топади, яъни меҳнат жисмоний ва ақлий ҳаракат, эмоционал кечинмалар сифатида инсон ахлоқий қиёфасининг шакилланишига асос бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Инсон фақат меҳнат фаолияти жараёнидагина ўз-ўзини қарор топтиради, ўз қобилятларини ўстиради. Табиий истеъоддларини такомиллаштиради. Меҳнатсиз у ўз инсоний моҳиятини йўқотади.

Меҳнат жамият яшашнинг зарурий шарти сифатида инсонни кашфиёткор, жасур, чидамли ва бардошли қилиш билан барча интизомлилик уюшқоқлик, жипслик, курашда фидокорлик сингари ахлоқий сифатларнинг шакилланишига ёрдам бериб унга ижобий ахлоқий таъсири кўрсатади.

Меҳнат инсонни тарбиялайди, шакиллатиради. Ҳар бир инсон бошқалар меҳнатини эъзозлаши ҳурмат қилиши керак. Инсонни комилликка эришишда меҳнатнинг роли катта.

Хулоса қилиб айтганда ахлоқ категориялари ва тамойилларини ёш авлодга сингдириш, ўргатиш, риоя этиш кўникмасини шакиллантиришимиз лозим.

### **Назорат саволлар:**

1. Ватанпарварлик нима?
2. Инсонпарварликни моҳиятини очиб беринг?
3. Байналміналлик ҳақида гапиринг.
4. Жамоавийликни тушунтиring.
5. Меҳнатга онгли муносабат деганда нимани ҳис этасиз?
6. Ахлоқ қоидалари нима?

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: 1994.
2. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик Т.: ЎАЖБНТ маркази 2003. 196-234 66.
3. Аликулов Ҳ. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. Т.: 1995.
4. Усмонов М. Саодатнома. Т.: 1997.
5. Гусейнов А. А. Апресян. Р.Г. Этика. Учебник. М.: Гардарики 1999. 7-40 66. 27-390 66.

## **5- Мавзу: НИКОХ ВА ОИЛНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **Асосий саволлар:**

1. Никоҳ ва оила тушунчалари.
2. Оиланинг функциялари ва ахлоқий асослари.

#### **Таянч тушунча ва иборалар:**

Никоҳ, оила, Оила кодекси, оиланинг функциялари: ижтимоий хўжалик, тарбиявий, севги, муҳаббат, якка никоҳлик, эр-хотиннинг хукуқ ва бурчлари.

#### **1 - асосий саволнинг баёни:**

Икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» никоҳга шундай таъриф берилади: «Никоҳ эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домулла томонидан ўқиладиган шартнома. Ёки эр-хотинликнинг юридик равишда расмийлаштирилган оиласий иттифоқи. Икки жинсдаги вояга етган ёшни ихтиёрий равишида бирга яшашга аҳд қилиши ва гувоҳлар олдида бу маросимни ўтказилиши никоҳ дейилади. Бу маросимни давлат махкамалари томонидан қайд қилиниши ЗАГС дейилади. Никоҳламоқ-оиласий иттифоқни, эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштиримоқдир».

Ўзбекистоннинг Оила кодексининг 17-19 моддаларида никоҳ рўйхатидан ўтиш шартлари ва никоҳ тузишга монелик қиласидан холатлар белгиланган. Никоҳни рўйхат қилиш учун никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розиликлари, уларнинг никоҳ ёшга, яъни эркаклар 18 ёшга, аёллар 17 ёшга тўлган бўлишлари шарт. Никоҳдан ўтишга монелик қиласидан холатлар:

- А) Эркак ва аёлдан бири бошқа никоҳда бўлса;
- Б) улар яқин қариндош бўлса;
- В) ёшлари етмаса;
- Г) рухий касал бўлса.

Никоҳ эркак билан аёлнинг ўзаро келишувига, бир-бирига бўлган муҳаббати ва ҳурмати туйғусига асосланган ихтиёрий, тенг хукуқли иттифоқидир. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг XIV боби «Оила»га бағишлиланган: 63 моддада: Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, хамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилик ва тенг хукуқлилигига асосланади. 64-модда: Отаоналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар; 65-модда: оналик ва болалик давлат томонидан муҳофоза қилинади; 66-модда: вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Оила ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирибина қолмай, балки уларнинг ривожланиши ва ўзгариши билан оила ҳам ривожланади ва ўз шакли ўзгартириб боради. Шу билан бирга, оиланинг иқтисодий, социал, хукуқий ва ахлоқий асослари ҳам ўзгаради.

Оила ижтимоий организмдир. Унда кишилик авлодини давом эттириш, одамнинг ўзини етишириш ва уни тарбиялаш вазифалари амалга оширилади. Оила инсоний харакерлар, тақдирлар, ўзаро муносабатларнинг мураккаб оламидан иборат. Оила никоҳ ва қон-қардошлик билан боғланган кишиларнинг тарихан шакилланган иттифоқидир. Эр билан хотин, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлардир.

Никоҳ оиланинг фақат хукуқий асоси бўлиб, бир оиласи мансуб кишиларнинг бир-бирилари олдида ва жамият олдида хукуқ ва мажбуриятларини ахлоқий ва хукуқий масъулиятини белгилайди. Оила никоҳ асосида вужудга келади.

Оила меҳр, муҳаббат, ахлоқий муносабатлар орқали пайдо бўлади. Чунки инсон бир-бирини синаб кўриб, бир-бирига маъқул бўлганидан кейингина оила қуради. Оилани мустахкам бўлишида севги, меҳр- муҳаббатни ахамияти жуда каттадир. «Муҳаббатда мингларча кўринишлар бор, аммо уларнинг хар бири ўз нури, ўз ғами, ўз баҳти ва ўз тароватига эга» деган эди ёзувчи К.Т. Паустовский.

Севги мақсад эмас, балки оила қуриш, баҳтли ҳаёт воситасидир. Шу туфайли оила олдидағи вазифаларга мувоғиқ, севги муносабатлари маълум табиий асос заминида вужудга келади. Одамдаги авлодни давом эттириш инстинкти ва у билан боғлиқ бўлган бошқа жинсга интилиш севгидаги табиий асосни ташкил этади. Эркак ва аёл ўргасидаги севги табиий жиҳатдан, уларнинг бир-бирларига эришувлари ва бир-бирига эга бўлишлари мақсадини ифодалайди. Аммо бу хали табиий асос холос. Севгининг асл мазмунини ифодалайдиган томон севгидан эркак ва аёл муносабатларининг инсонийлашуви, маънавий умумийликнинг пайдо бўлиши ва юзага чиқишидир. «Эркакнинг аёлга муносабати одамнинг одамга бўлган энг юқори табиий муносабатининг ўзгинасидир, шунинг учун бунда одамнинг табиатан хулқи ва қай меъёрда инсонийлик даражасига кўтарилганлиги қўринади» деб ёзган эди мутафаккирлардан бири.

Севги табиий-биологик майиллар ва ижтимоий томонлар уйғунлашиб кетади. Лекин оқибат натижада хамиша ижтимоий муносабатлар, инсонийликни белгиловчи ўрнида туради, инсонийлик табиий майилларни белгилайди, йўл-йўриққа солиб туради.

Севгининг дастлабки қадамлари, кўп холларда ташқи қиёфанинг жозибасига мафтунликдан бошланади. Чирой пайдо этган хиссиёт севги даражасига кўтарилиши, ўзининг хақиқий мазмунига эга бўлиши учун эркак ва аёл бир-бирларидан маънавий умумийлик, ўхшашлик, уйғунлик топишлари керак. Севгининг табиати бошқа жинсга хиссий мафтункорликдан келиб чиқмайди, балки маънавий дунёси ва шахсий жозибаси билан бизга ёқкан шахсга нисбатан юзага келади. Агар ҳаётий ходисаларга, турмушга қарши, баҳо бериш ва тушунишда уларнинг мақсадларида умумийлик, ўхшашлик бўлмаса, севгининг вужудга келиши ва давом этишига ўрин қолмайди.

Фрейдизм-севгини эстетик, этик ва психалогик мазмунини ундан тамомила чиқариб ташлаб, факат физалогиясини қолдиради. Бу нотўғридир. Севгининг ижтимоий томони эстетик, психологик, ахлоқий, ғоявий-иктисодий ва хукуқий муносабатлар билан тавсифланади. Севги бир-бирига боғлиқ бўлган икки асосга-биялогик ва ижтимоий асосга эга.

Севгидаги умуминсонийлик элементлари: физиологик эҳтирос, хиссий кечинмаларнинг ўзига хослиги, эстетик-психологик мавридан иборат.

### **Назорат саволлар.**

1. Никоҳ нима?
2. Оила нима?
3. Севги ва муҳаббат деганда нимани тушунасиз?
4. Никоҳ ва оила тушунчаларини таққослаб бекринг?
5. Оила кодекси тўғрисида гапиринг.

### **2-асосий саволнинг баёни:**

Оиланинг бир-бир билан боғлиқ уч функцияси бор:

1. Ахолини тўлдириб бориши (бала қўриш) ёки ижтимоий функция.
2. Моддий-хўжалик функцияси.
3. Ёш авлодни тарбиялаш функцияси.

Оила кодексида уларнинг тамойиллари ҳам кўрсатиб берилган:

- ⊕ Якка никоҳлик тамойили-бунга кўра ҳар бир фуқаро бир никоҳда бўлиши керак.
- ⊕ Никоҳнинг ихтиёрийлик ва ўзаро розилик тамойили.
- ⊕ Ажралишнинг эркинлиги тамойили.
- ⊕ Оиласада эр ва хотиннинг teng хуқуқлиги тамойили.
- ⊕ Болаларни инсонпарварлик рухида тарбиялаш тамойили.
- ⊕ Оила аъзоларининг бир-бирига ўзаро ёрдами, моддий ва маънавий томондан таъминлаш тамойили.
- ⊕ Оиланинг давлат томонидан химояга олиниши, оналиктининг рағбатлантирилиши тамойили.

Демак никоҳ эркак билан аёлнинг ўзаро келишувига, бир-бирига бўлган муҳаббати ва ҳурмати туйғусига асосланган ихтиёрий, тенг хуқуқли иттифоқдир. Оилада эрнинг вазифаларидан энг муҳими хотининг хақларини тўла адо қилишдир.

- Хотинни доим етарли ризқ-рўзи билан таъминлаш.
- Хотинни кийинтириш.
- Хотинга одоб ахлоқ ўргатиш.
- Хотинига совға салом қилиш.
- Хотинига чиройли кўриниш.
- Рисоладаги эр хотинга лутф билан муомила қилиб уни энг чиройли исмлар билан чақиради ва камчиликларини кечиради.

Ақил расо, виждонли эр ўз хотини билан тотув-иноқ, яхши яшайди. Оилавий ҳаёт эр хотин орасидаги шерикликда кечирадиган ҳаётдир. Куръони Каримнинг Нисо сурасида: «Хотинларинингиз билан яхшиликда яшанг, агар уларни ёқтирамасангиз, шоядки сизга ёқмаган нарсангиз ортидан Аллоҳ сизга кўп яхшиликларни раво кўради» дейилган. «Улар (хотинлар) сизлар учун либосдир, сизлар улар учун либоссиз» дейилган (Барака сураси, 187 оят).

Куръони Каримнинг «Альтроф» сурасида: «У (Аллоҳ) бир жон (Одам Ато)дан ва унинг ўзидан сукунат топиш учун жуфтини яратади» дейди. Яъни «жуфт» хотин сукунат, осоийшталик, ором, латофат, меҳр-муҳаббат рамидир.

Турмушга чиқкан ҳар бир аёл оилавий ҳаёт Аллоҳнинг суннати, улкан баҳт эканлигини, бу икки шахснинг фақат жисмоний эмас, балки башарият камолоти ва ҳаётнинг бардавомлиги эканини тушунмоғи лозим.

Хотин оилада чиройли амалларга одатланмоғи лозим. Қуръони карим, ҳадислар ва бадиий китоблар ўқиб туриши, ахборотлардан хабардор бўлиши, ҳақиқатни ҳимоя қилиши керак. Хотин киши ўз эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳ, ёмон ишлардан қайтариб савоб ва яхши ишларга ундан туриши керак. «Битта солиҳа аёл ўз эрига етти кун хизмат қиласа, Аллоҳ унинг қарпидаги дўзахни етти эшигини ёпди ва жаннатнинг саккиз эшигини очади» деган эди улуғ имом Жаъфар Содик.

Агар хотин ўз эрига қобилятли, шижаотли, мувофаққиятли, мўмин, садоқатли шахс деб муомила қиласа, эр худди шундай бўлади. Хотин қаноатли бўлиши керак. Зеб-зийнатга ўч бўлмаслиги лозим. Шошқолоқлик, тезда аччиқланиш, талашиб-тортишиш, тирноқ остида кир ахтариш ва бошқаларга ўхшаб ҳаёт ўтказишни талаб қилишга ўхшаш каби талаблар оилавий ҳаётни бузишга сабаб бўлади.

Оила кичик бир жамият ва унинг раҳбари эр бўлса, оиланинг саодатли бўлишининг шартларидан бири аёлнинг эрга итоатдир. Рисоладаги хотин эрининг олдида ҳам обрўсини сақлайди, ўз шарафини муҳофаза қиласи.

Эр ва хотиннинг шахсий хуқуқлари:

- Никоҳланиш пайтида шарифини танлаш хуқуқи.
- Эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оилавий турмуш масалаларини биргаликда ҳал қилиши соҳасидаги хуқуқлари.
- Эр-хотиннинг машғулот, касб ва турап жой танлаш хуқуқлари.
- Эр ва хотиннинг мулкий хуқуқлари.
- Биргаликда оттирган умумий мулкка бўлган хуқуқи.
- Эр ва хотиннинг шахсий мулкка бўлган хуқуқи.
- Эр ва хотиннинг ўзаро мулкий шартномалар тузиш хуқуқлари.
- Эр ва хотиннинг нафақа (алимент)га оид хуқуқлари.

Оилада содир бўладиган оммавий келишмовчиликлар:

- Эр-хотин орасидаги келишмовчиликлар.
- Қайнона-келин орасидаги келишмовчиликлар.
- Қайнона-куёв орасидаги келишмовчиликлар.
- Ота-она ва болалар орасидаги келишмовчиликлардир.

Аёл киши «Қулоғи билан севади» деган гапни эркаклар асло унутмасликлари керак. Оилада эр ва хотин орасида юзага келадиган келишмовчиликларни келитириб чиқарувчи асосий сабаблар:

- Ҳаётда эр ёки хотининг ишга берилиб кетиши. Ишга берилиб кетган эркак ёки аёл уйига, турмуш ўртоғига эътибор бермаслиги натижасида келиб чиқади.
- Эр ва аёлнинг етакчиликни қўлга киритиш учун интилиш.
- Эр хотиннинг муҳаббат тараққиётини, психологик таснифини билмасликлари.
- Аёлларнинг уй ишларига тайёр эмаслиги.
- Бола тарбиясида ота-она билан онани бир хил мавқеда турмаслиги.
- Эр ёки хотиннинг темперамент типлари мос келмаслиги.
- Фарзандсизлик.
- Рашиқ асосида юзага келадиган келишмовчиликлар, ва бошқалар.

Кейинги пайтларларда оилавий ажралишлар жуда қўпайиб бормоқда. бизнингча бунинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат:

- Эр-хотиндан бирининг спритли ичимлик ичиши;
- Эр-хотиндан бирининг бевафолиги;
- Енгилтаклик билан никоҳдан ўтиш;
- Хотиннинг уй-рўзгор тута билмаслиги;
- Ота-оналар туфайли жанжал оқибатлари;
- Иқтисодий етишовчилик ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, оила жамиятнинг кичик ячайкасидир. Оила мураккаб у бирон-бир сценарийга бўйсунмайди.

### **Назорат саволлар:**

- 1.Оиланинг вазифалари.
- 2.Оиланинг функцияларини айтинг.
- 3.Оила функцийларини таққосланг.
4. Оилада эрнинг вазифалари нимадан иборат?
5. Оилада хотиннинг вазифаларини сананг?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1994.
2. Расулова М. Аввало одам бўл. Т.: 1990.
3. Усмонов И. Баркамоллик одоби. Т. 1997.
4. Содикова Т. Мехр қолур. Т.: 1997.
5. Оила кодекси. Т.: 1998.
6. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 235-242 бб.

## **6-мавзу: АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА УНГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **Асосий саволлар:**

1. Ахлоқий тарбия ва унинг тарбия тизимидағи ўрни.
2. Шахсни комил инсон қилиб тарбиялашдаги воситалар.

### **Таянч тушунча ва иборалар:**

Ахлоқий тарбия, педагогик ахлоқ, Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги миллий дастур, комил инсон, тарбия воситалари.

### **1-асосий саволнинг баёни:**

Инсон камолоти кишилик жамиятининг ҳамма босқичларида ҳам умумдавлат аҳамиятига эга бўлган. Абу Райхон Беруний башорат этганидек: «... Болаларнинг юз чиройлигига она қорнидаёт замин тайёрланади. Бундан кейин у чиройлиликни ўзгартирадиган куч йўқ» («Минералогия» асари). Фақатгина ота-она тарбия орқалигина боланинг одоб –ахлоқли, қила олиш мумкин.

Ота-она фарзанд туғилишидан олдин ёмон ҳаракатлардан тийилиши аёл учун қулай шарт шароит яратилиши лозим. Соғлом туғилган фарзанд ота-онанинг бахти, жамият кўркидир.

Халқимизнинг асрий орзуси ёшлар қалбига «Нима яхши-ю, нима ёмон» эканлигини муҳрлашдир. Халқимиз «яхшилик»нинг «ёвузлик», «ёмонликдан» ғолиб келишини ўзининг оғзаки ижодиёти намуналарири-эртак, ривоят, ҳикмат, урф-одат, маросим ва ёзма ёдгорликларида баён этиб қолдирган. Бу ғоялар мутафаккир, маърифатпарвар педагог ва олимлар ижодиётида янада сайқал топган.

Мустақиллик шарофати туфайли ота-боболаримиз меросини ўрганишга кенг имконият яратилган бир шароитда И.Каримовнинг: «Мустақил, озод Ўзбекистонинг келажаги, истиқболи ёшлар қўлида, равнақи теран билимли, юксак маданиятли авлодларимиз қўлида», деган чақириғига амал қилиш, аввал оила ва ота-онанинг Ватан олдидағи бурчи эканлигини таъкидлаш лозим.

Инсоннинг умри узлуксиз, босқичма-босқич ривожланиш хусусиятига эга. Лекин хаётнинг мазмунли бўлишида бериладиган таълим – тарбиянинг дастлабки пойдевори оиласда-ота-она томонидан яратилади.

Ота-она фарзандларини билимли, маълум қасб хунар эгаси, комил инсон бўлиб етишишини орзу қиласи.

Бу хусусиятларни шакллантириш учун ота-оналар қуйидагиларга аҳамият бериши лозим:

1. Ота-онанинг оиласи аётда кўрган билгларига суюнган холда болани тарбиялаш.
2. Педагогик адабиётларни ўрганиш ва уларга амал қилиш.
3. Кундалик ҳаётда учрайдиган воқеа, ходисаларга муносабат билдириш.

«Фарзанд-оила бахти, қувончи ва ширин жигарбандилир». Оила қувончини элга манзур қилиш кўп жиҳатдан боаларимизга ўргантган одоб, хулқ-атворда ўз аксини топади.

Дархақиқат, жамиятимиздаги узвий таълим – тарбиянинг негизи, илдизида шулар ётади. Шу сабабдан ёш ота-оналар катталар тажрибасига суюнган холда бола тарбиясида ҳакимиз яратган олтин меросимиз, яни урф-одат, расм-русум, анъаналарни асос қилиб олишлари, бола туғилган кунидан бошлаб оиласда қандай ахлоқга эга бўлишини кўз олдиларида ёрқин гавдалантириб амалга оширишлари учун уларга юксак ҳулқликни ўргатиш в тарбиялашга доир қуйидаги мавзулар тавсия этилади «Маънавий – ахлоқий тарбия асослари» китобида

1. «Фарзандга муносиб от қўйишнинг каромати борми?»
2. «Она алласидаги меҳр торларининг бола қалбига таъсири»
3. «Дастлабки одобни нимадан бошлаш керак?»
4. «Сехирли сўзларни болага қачондан бошлаб ўргатиш маъқул?»

5. «Фарзандингиз олдида ўз ҳатти – ҳаракатларингизнинг қайси бирини тўғри деб ҳисоблайсиз?»

6. «Қандай ишлар яхшилик ҳисобланади? Нима сабабдан?»

7. «Кўча ва жамоат жойларида юриш-туриш одоби?»

Болангизни жамият талаб этаётган тарбия даражасига муносиб бўлиши учун унга тинимсиз тарбиявий таъсир кўрсатиш лозим.

Назорат саволлар:

1. Ахлоқий тарбия тушунчаси.
2. Ахлоқий тарбиянинг тарбия тизимидағи ўрни.
3. Ахлоқий тарбияда ота-онанинг ўрни.
4. Ахлоқий тарбия мавзуларини санант.

## **2-асосий саволнинг баёни:**

Ўзбекистон мустақилликка эришиш билан миллий мактаблар, миллий ғуур, миллий тарбия ҳақидаги дилимиздаги гаплар дадил юзага чиқа бошлади. Мустақил давлатнинг миллий мактаби, ўз миллий тарбия бериш усуслари бўлиши лозим. Қадимдан Туронда миллий тарбия бериш усуслари, йўл-йўриқлари, амалий ахлоқи бўлган.

Бизнингча миллий мактабларимизда ўқувчиларга миллий тарбия беришимиз учун: Биринчидан, миллий мактаб дастури бўлиши керак. Иккинчидан, барча фан дарслклари ўқувчиларимизнинг миллий хусусиятларини, мустақиллик мезонини ҳисобга олган ҳолда қайта янгиланиши зарур. Учинчидан, ўқитиш тузуми янгиланиши керак. Тўртинчидан, аралаш яъни рус ва ўзбек синфлари бир мактабда ўқимаслиги лозим. Бешинчидан, барча миллий мактабларда Куръони Карим ва Ҳадиси шариф биринчи синфдан бошлаб ўқитилиши шарт. Олтинчидан, Уйғониши даври мутафаккирлари ижоди бўйича тузилган «Одабнома» дарси биринчи синфдан бошлаб ўқитилиши керак. Шундагина шарқона одоб-ахлоққа риоя қиласиган, озгина уялиш, тортиниш, ҳаёни биладиган, тушунадиган болаларни тарбиялашимиз мумкин. Болаларга ёшлигиданоқ гуноҳ ва совобнинг фарқига боришни ўргатишнимиз керак.

Шундагина мустақил Ўзбекистоннинг мустақил фикрли, дунёқарашли миллий тарбияли, миллий ғуурлар инсонлари тарбияланади. Миллий мактабларсиз, миллий тарбиясиз, амалий ахлоқсиз Ўзбекистон келажагини қуриб бўлмайди.

Ахлоқ-ахлоқ негизи. Инсонга ахлоқлиликни ҳосил қилишда адабиёт фанининг роли, аҳамияти бекиёсdir. «Яхши ва ёмон хулқининг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келди. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади», -дейди Абу Али ибн Сино. Бу одатлар, инсонларнинг яхши-ёмон хулқ-авторлари адабиётда ҳам акс эттирилади. Адабиёт фани инсон ахлоқини ўстиришда, дунёқарашини шакиллантиришда, миллий қадриятларни тиклашда асосий воситалардан биридир. Адабиёт фанини ўқитиш орқали болаларда мустақил фикирлаш, қобилиятини, онглийликни ўстириш мумкин. Адабиёт фани болалардаги шеър ёзиш, расм чизиш, эртак, ашула айтиш ва бошқа шу каби турли қобилятларини номоён қилишларида, юзага чиқаришда туртки вазифасини бажаради.

Адабиёт- «адаб-и-ёд» яъни одобни ёдан билиш демакдир. Адабиёт фанининг қатор вазифалари бор. Шулардан бири инсонларни ахлоқли қилиб тарбиялаш бўлса, иккинчиси болаларга эстетик тарбия беришdir.

Адабиёт, юкорида айтганимиздек, инсонпарварликни, ватанпарварликни, ростгўйликни, олийжанобликни, камтарлик, халқсеварлик каби нормаларини ҳам ёшлар тафакурида ҳосил қиласи. «Ахлоқ-бу аввало инсоф ваadolat туйғуси, имон, ҳалоллик дегани» (И.А.Каримов). Адабиёт инсонда инсофни, имонни ҳосил қиласи. Чунки бадиий образларни инсонга таъсир катта бўлади.

Болаларга она юрга садоқатини, Ватандан ғуурланиш ҳисларини бадиий асарлар орқали сингдириш керак. Инсон ўз-ўзидан билимдон, ақилли одобли бўлиб қолмайди. Болага аввало таъсир қила оладиган ахлоқий тарбия бериш керак. Болага образлар, қизиқарли воқеа-ходисалар орқали ахлоқий тушунчалар берилса, унинг қилиши осон бўлади. Бадиий

асарлардаги барча образлар ҳам болалар қалбини жунбушга келтиради. Болалар аввало бадий образлардаги хислатларни, фазилатларни ўзларида тез акс эттиришга ҳаракат қиласылар. Иккинчидан, бадий адабиёт болаларда ўз-ўзини бошқариши, ҳарактерини шакиллантириши ҳам ўргатади. Бадий асарларда турли ҳаракатларнинг тасвирланиши болани ҳаёт синовларига бардошли, қийинчиликларга саботли қилиб тарбиялаш ҳарактерини мустаҳкамлаш, дунёқарашини кенг бўлишига ёрдам беради. Учинчидан, болалар бадий адабиёт орқали инсонларга баҳо беришни ҳам биладилар.

Ахлоқ ҳар бир инсон учун ҳаводек зарур хислат ва қадриятдир. Ахлоқ инсонда инсонийликни кўрсатиб берувчи ўзига хос хусусиятдир жамиятнинг барча хусусиятлари ҳам кишилар ахлоқида кўринади. Шу жиҳатдан олганда, ахлоқ инсон хусусиятларини кўрсатиб берувчи ойнадир ва инсон камолотида асосий тарбия воситасидир.

#### **Назорат саволлар:**

1. Ахлоқий тарбия нима?
2. Тарбиянинг миллийлиги нима?
3. Ахлоқ ахлоқ негизи деган жумлани шархланг?
4. Тарбия воситаларини сананг?
5. Ахлоқий тарбияни воситаси бўлмиш бадий адабиёт ҳақида гапринг?

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: 1999. 8-30 бб.
2. Хасанбоев Ж., Туроббова М., Хасанбоева О. Маънавий ахлоқий тарбия асослари. Т.: 2000. 112 б.
3. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Т.: 1997. 136 б.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 148-150 бб.

## **ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:**

### **1. Адабиётлар:**

1. Каримов И. Истиқлол ва ахлоқ. Т.: 1994.
2. Каримов И. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: 1999. 32 б.
3. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 256 б.
4. Гусейнов А., Апресян Р. Этика. М. 1999.
5. Қори Низомуддин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. Т.: 1994. 16 б.
6. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т.: 1994. 136 б.
7. Шермуҳаммедов Я., Турмуҳаммедов Я. Ҳулқ ва муомила маданияти. Т.: 1974.
8. Сафо Очил. Мустақиллик ахлоқи ва тарбия асослари. Т.: 1995. 208 б.
9. Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанбоева О. Маънавий ахлоқий тарбия асослари. Т.: 2000. 112 б.
10. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Т.: 1997. 136 б.

### **Қўшимча:**

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасdir. Т.: 1995.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: 1999. 32 б.
3. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999. 30 б.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997.
5. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1991.
6. Темур тузуклари. Т.: 1991. 112 б.
7. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. Т.: 1996.
8. Зиёмуҳаммедов Ё ва б. Ахлоқшунослик. Т.: 2000.
9. М. Исоқов. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китobi. Т.: 2001.  
Авесто. Т.: 2001.
10. Йўлдошева М. Муваффақият калити. Этикет. Т.: 2004. 64 б.
11. Аликулов А. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. Т.: 1995. 48 б.
12. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбияини амалга ошириш йўллари. Т.: 1996. 28 б.
13. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий тараққиёти тарихидан. Т.: 1997.
14. Маҳмудов Р. Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқшунос олим. Гулистон.: 1990. 36 б.
15. Усмонов Р. Саодатнома. Танланган асарлар. Т.: 1997. 368 б.
16. А. Авлоний. Туркий гулистон ёҳут ахлоқ. Т.: 1994.
17. Жўшон. Муршиди Комил ҳикматлари. Т.: 2004.
18. Амир Темур ўгитлари. Т.: 1992. 64 б.
19. Маҳмудов К. Турмуш зийнати. Т.: 1991.
20. Олимат ул-Банот. Оила сабоқлари. Т.: 1991.

### **Интернетдан маълумот олиш мумкин бўлган сайtlар:**

- www. istedod.uz  
www. akademik. ru  
www. islom.uz  
www. ziyo. net  
www. pedagog.uz  
www. kutubxona.uz

## СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ

Хурматли талаба, Сиз ушбу фан юзасидан 4 та мавзуда 4 та семинар машғулотига тайёргарлик кўришингиз лозим. Ҳар бир мавзуда 4 тадан саволлар қўйилган. Сиз семинар машғулотига тайёрланаётганингизда юқоридаги жадвалдаги семинар машғулотлар учун берилган адабиётлардан фойдаланасиз. Адабиётлар: (А) асосий ва (Б) қўшимча адабиётларга ажратилган. Жадвалнинг 1-устунида мавзунинг номи, 2-устунида кўриладиган масалалар, 3-устунда асосий адабиёт тартиби ва унинг саҳифаси берилган.

<b>№</b>	<b>Мавзулар номи</b>	<b>Мавзулар мазмуни</b>	<b>Адабиётлар:</b>	
1	<b>Ахлоқшуносл икнинг баҳс мавзуси</b>	1. Ахлоқ одоб, одат, ҳулқ тушунчалари. 2. Ахлоқнинг таърифи ва талқини. 3. Ахлоқнинг ҳаётдаги ўрни. 4. Ахлоқнинг бошқа фанлар билан алоқаси.	1.- 3-160 2.-3-32 3.-5-21 4.-7-40 5.-3-7	6.-19-24 7.-5-20 8.-147-194 9.-5-49 10.-3-18
2	<b>Ўйғониш даври Марказий осиё мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари</b>	I. Марказий Осиё мутафаккирлари: 1. Фаробийнинг фозил инсон ҳақидаги таълимоти. 2. Беруний ва Ибн Синонинг асосий ахлоқий фазилатлар ҳақида. 3. Навоийнинг Комил инсон гояси. 4. Кошифийнинг мукаммал инсон ҳақидаги таълимоти.	1.- 3-160 2.-3-32 3.-44-72 4.- 5.-3-16	6.-3-136 7.-114-141 8.-3-208 9.-3-112 10.-20-32
3	<b>Никоҳ ва оиласининг ахлоқий асослари</b>	1. Оила тушунчасиниг таъриф ва талқинии. 2. Мустақиллик ва оила муаммолари. 3. Оиласада бола тарбияси. 4. Оила кодекси.	1.- 3-160 2.- 3-32 3.- 235-242 4.- 5.- 3-16	6.-3-136 7.-102-114 8.-147-202 9.-3-17 10.-37-131
4	<b>Ахлоқий тарбия ва унга қўйиладиган талаблар</b>	1. Ахлоқий тарбия тушунчаси. 2. Ахлоқий тарбия тарбия тизимидағи ўрни. 3. Ахлоқий тарбия ва тарбиячи. 4. Шахсни комил инсон қилиб тарбиялашдаги воситалар.	1.- 3-160 2.-3-32 3.-44-72 4.- 5.-3-16	6.-3-136 7.-114-141 8.-3-208 9.-3-112 10.-20-32

### **A) Асосий адабиётлар:**

- Каримов И. Истиқлол ва ахлоқ. Т.: 1994.
- Каримов И. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т.: 1999. 3-32 66.
- Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 256 б.
- Гусейнов А., Апресян Р. Этика. М. 1999. 300 б.
- Қори Низомуддин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. Т.: 1994. 16 б.
- Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т.: 1994. 136 б.
- Шермуҳаммедов Я., Турмуҳаммедов Я. Ҳулқ ва муомила маданияти. Т.: 1974. 144 б.
- Сафо Очил. Мустақиллик ахлоқи ва тарбия асослари. Т.: 1995. 308 б.
- Ҳасанбоев Ж., Туропова М., Ҳасанобоева О. Маънавий ахлоқий тарбия асослари. Т.: 2000. 112 б.
- Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Т.: 1997. 136 б.

**Б) Қўшимча адабиётлар:**

1. Каримов И. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. Т.: 1995.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: 1999.
3. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: 1999.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: 1997.
5. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1991.
6. Темур тузуклари. Т.: 1991.
7. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. Т.: 1996.
8. Зиёмуҳаммедов Ё ва б. Ахлоқшунослик. Т.: 2000.
9. М. Исоқов. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал китоби. Т.: 2001.
- Авесто. Т.: 2001.
10. Йўлдошева М. Муваффакият калити. Этиket. Т.: 2004. 64 б.
11. Аликулов А. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. Т.: 1995. 48 б.
12. Юсупов Э. Ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбияини амалга ошириш йўллари. Т.: 1996. 28 б.
13. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий тараққиёти тарихидан. Т.: 1997.
14. Маҳмудов Р. Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқшунос олим. Гулистон.: 1990. 36 б.
15. Усмонов Р. Саодатнома. Т.: 1997.
16. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёҳут ахлоқ. Т.: 1994.
17. Жўшон. Муршиди Комил ҳикматлари. Т.: 2004.
18. Амир Темур ўгитлари. Т.: 1992.
19. Маҳмудов К. Турмуш зийнати. Т.: 1991.
20. Олимат ул-Банот. Оила сабоқлари. Т.: 1991.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ**

Мустақил иш топшириқлари Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 34-сонли (21.02.05) буйруғига ва ГулДУ да ишлаб чиқилган махсус Низомга асосан ишлаб чиқилган. У 4 соатга мұлжалланған. Мустақил ишнинг мақсади талабаларда муайян ўкув ишларини мустақил равишида бажариш учун зарур бўлган билим ва қўниқмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил ўзлаштириш;
- керакли маълумотларни излаб топиш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- ўкув ва илмий адабиётлар билан ишлаш;
- электрон ўкув адабиётлари билан ишлаш;
- ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ғоя ва таклифларни ҳимоя қилишдан иборат.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, «Ахлоқшунослик» фанидан 5 банддан иборат 2 та мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари тузилди ва талабалар эътиборига тавсия этилмоқда.

Топшириқлар: маъруза матнини ўзлаштириш, мустақил уй вазифаси, конспект қиладиган адабиётлар рўйхати, тестларни еча билиш, тезислар тайёрлаш, мавзу бўйича адабиётлар ва манбалардан иборат.

### **1–ТМИ. Мавзу: Ислом ахлоқи**

#### **1.1. Мавзу матнини ўзлаштириш**

- Ислом ва ахлоқнинг уйғунлигини аниқлаш.
- Ҳозирги шаоритда ислом ахлоқини аҳамиятини кўрсатиш.
- Исломда комил инсон ахлоқий фазилатларини талқин этиш.

#### **1.2. Мустақил уй вазифаси**

-Кори Низомуддин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. Т.: 1994. китобини 3-16 бетларини ўқиб келиш.

- Имонли киши ахлоқий фазилатларини аниқлаб келиш. Қуръони Карим (2:177) Т.: 1992.

#### **1.3. Конспект учун адабиётлар**

- Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. Т.: 1992, 12-168 бб.
- Мухаммад пайғамбар киссаси. Т.: 1991, 92 б.

#### **2.4. Тестларни еча билиш.**

1. Қуръонни "очувчи", "қалби" номини олган сураларини берилган.

А) Фалак, Тавба.                    Б) Бақара, Мулк.

В) Фотиҳа, Ёсин.                    Г) Юнус, Кавсар.

2. Таквodor инсон фазилатлари қайси сурада айтилган.

А) Нос сурасида.                    Б) Юсуф сурасида.

В) Бақара сурасида.                    Г) Фалак сурасида.

#### **1.5. Тезислар тайёрлаш.**

1-        2-        3-

Адабиётлар ва манбалар.

- Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 44-58 бб.

- Кори Низомуддин Мулла Ҳасан. Илми ахлоқ. Т.: 1994. 3-16 бб.

### **2-ТМИ. Мавзу: Ахлоқнинг асосий категориялари.**

#### **2.1. Мавзу матнини ўзлаштириш**

- Ахлоқ категориялар тизимини ўрганиш.

- Ахлоқнинг асосий категорияларини ўрганиш.
  - Ахлоқ категорияларининг бошқа фан категориялари билан таққослаш.
- 2.2. Мустақил уй вазифаси
- Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т.: 1994. китобидан ахлоқ категорияларига оид (13-15, 119-29, 100-103, 126-128 бет) бандларни конспект қилиш.
  - Йўлдошева М. Муваффақият қалити. Этиket. Т.: 2004. китобининг 9-20 бетларини конспект қилиш.

2.3. Конспект учун адабиётлар

- Авлоний А. Туркий гулистон ёҳут ахлоқ. Т.: 1994.
- Жўшон. Муршиди комил ҳикматлари. Т.: 2004.

2.4. Тестларни еча билиш.

Ахлоқ категориялари нечта ?

- A) 6 та
- B) 7 та
- C) 10 та
- D) 12 та

Ахлоқ категорияларига маҳсус бағишлиланган асарни ким ёзган?

- A) Шермуҳаммедов С.
- B) Абдулла Шер
- C) Жумабоев Й.
- D) Шайхова X

2.5. Тезислар тайёрлаш.

1-      2-      3-

Адабиётлар ва манбалар.

Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Т.: 2003. 196-214 бб.

Гусейнов А., Апресян Р. Этика. М. 1999.

## ГЛОССАРИЙ

**Яхшилик ва ёмонлик-** ахлоқий онгнинг бирмунча умумий ва марказий тушунчаси бўлиб, ахлоқлилик билан ахлоқсизликнинг фарқи ва карама-қаршилигини яхлит бир шакилда ифода этади. Кишилар бу категориялар ёрдамида теварак атрофда содир бўлаётган ҳамма ходисаларни баҳолайди.

**Адолат** – тенгликнинг хаққоний ва тақдирлашнинг зарурый ўлчовидир. Адолат-шахс ва ижтимоий бирликнинг реал иқтисодий, хуқуқий, сиёсий холатини қайд қиласди. Адолат бошқа категорияларидан фарқли суратда кишининг жамиятдаги ахлоқий ўзаро муносабатларининг бошқарувчиси сифатидаги ўзига хос хусусияти куйидагиларда кўринади: у тақдирилаш ва талаб қилишнинг миқдорий ўлчовидир.

**Бурч-шахснинг жамиятга ёки кишиларга нисбатан бўлган ахлоқий мажбуриятларини ифодалайди.** Бурч-мавжуд жамият талабларини бажаришнинг икки маънавий зарурияти, ижтимоий баҳт-саодат эҳтиёжлари тақазо қиласидаги муайян хулқ-одоб заруритидир.

**Ор-номус-** категорияси инсоннинг жамиятдаги ўз қимматини англашни ҳамда бу қимматнинг жамият томонидан тан олинишини ифодалайди. Ор-номус ахлоқий тушунча сифатида инсонда шахснинг ижтимоий ахамияти ва ахлоқий қиммати хосил бўладиган фазилатларнинг мавжудлигини кўрсатади.

**Виждон-** одамнинг ўз хатти-ҳаракатига баҳо беришдир ёки бошқача кишилар олдидағи маънавий жавобгарлигидир. Виждон-инсоннинг ўз хулқини муайян ахлоқ нормалари нуқтаи-назаридан туриб ахлоқий баҳолаши ва назорат қилиши, ўз хатти-ҳаракатларини ва бу хатти-ҳаракатларга боғлиқ бўлган ҳис туйғуларини, кечинмаларини ўзи таҳлил қилишдир. Виждон категорияси баҳо, бўйруқ, матив ва эмоцион характерга эга

**Баҳт-** бу инсоннинг ўз ижодий кучларнинг тўлиб-тошиб ётганлигидан уларнинг ижтимоий ва шахсий мақсадда қўлланишидан юксак даражада маънавий қониқиши ва бу туйғунинг англаб олинишидир. Баҳт хар-хил бўлади. Баҳтни хар ким хар хил тушунади. Баҳтга эришиш йўли билим ва меҳнатдир. Инсон доимо ўз ҳаётида баҳтли бўлишга интилиб яшайди.

**Ҳаётнинг маъноси** -инсоннинг мақсадли, маъноли мантиқли яшаш тарзи тушунилади. Хар бир инсон ҳаётида ўз ўрнига эга бўлишига харакат қиласди. Инсон ҳаётида доимо яхши яшашни ният, яхши мақсад учун яшайди. Ҳаётнинг маъноси категориясининг моҳияти инсонларни ўз ўрнини ҳаётдан толишига ёрдам берувчи категорияидир.

**Ватанпарварлик-** ватанга муҳаббат, унга содиқлик, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриш демакдир.

**Ватан** – арабча она-юрт, ўлка декмақдир. Ватан бу одам туғилган, тарбияланган, меҳнат қувончини тотган, одам мануб бўлган, халқ тарихи билан боғланган ҳамда тарихан шакилланган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий мухитдир. Ватан кўп қиррали тушунчадир.

**Инсонпарварлик** (Гуманизм). Гуманизм -лотинча инсонга хос, инсоний деган манони англатади. Гуманизм инсонпарварлик дегани. Инсонпарварлик инсонга бўлган меҳрибонлик чуқур инсонийлик, ғаҳўрлик инсон озодлигини ва хар томонлама ривожланишини акс эттирувчи олижаноб туйғу. Ахлоқ нормаси хулқни белгилаб беради.

**Байналмилаллик**-турли халқлар вакилларини, халқларни дўст, инок, ҳамжиҳат ҳаёт кечиришлари тушунилади. Турли халқлар муносабатини тартибга солиб турувчи тамойил байналмилалликдир. Бизнинг юртимизда, 130 га яқин миллат ва элат вакиллари дўстона яшамоқдалар. Чунки Президентимизнинг одилона миллий сиёсати ҳамма миллат вакилларига бирдек муносабатда бўлганлиги учун тинчлик ҳукм сурмоқда.

**Жамоавийлик** – бу кишиларнинг бирлашиш хисси, ижтимоий муносабатлар ривожланиши давомида тарихан шакилланувчи ижтимоий ҳаётнинг асоси, биргалик сифатидир.

**Ахлоқ қоидалари** - инсоннинг хулқ, феъл-атворини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Ахлоқ қоидалари инсонга жамият томонидан қўйилади. Ахлоқ қоидалар ижтимоий мазмунга кўра умуминсоний характерга эга бўлади

**Меҳнатга онгли муносабат**-меҳнат инсоннинг моддий ва маънавий бойликлар яратишга, умуминсоний таққиётини таъминлашга қаратилган фаолиятидир. Меҳнат жараёнида ижтимоий хамкорлик вужудга келади, бирдамлик ва интизом ҳақидаги, мухаббат ва нафрат тўғрисидаги, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар шакилланади.

**Дин**-(арабча-ишонч, ишонмоқ)-олий мавжудотга нисбатан муносабат, тасаввур, урфодат ва маросимлар мажмуи.

**Комил инсон**-(арабча-етук одам)-миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири. Шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни баҳтли, саодатли қилиш ғояси.

**Маданият**-(арабча “шаҳарга оид”)-кишиларни табиат ва борлиқни ўзлаштириш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари мажмуи.

**Мафкур**-(арабча-фикрлаш, фикрламоқ)-жамиятнинг, давлатнинг, ижтимоий гуруҳнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фикрлар, ғоялар ва қарашлар мажмуи.

**Маънавият**-(арабча-маънолар мажмуи)-кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

**Маърифат**-(арабча-бilmоқ)-кишиларни онгини, билимини оширишга қаратилган фаолият.

**Мустақиллик**-(арабча-тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик)-эркин ва озод равища бошқаларнинг раҳбарлигисиз иш юрита билиш. Давлат мустақиллиги эса-муайян давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий эркинлигидир.

**Шарқ Ренессанси** – VII-XII ва XIV-XV асрларда араб Шарқида ва Марказий Осиёда маънавий ва маданий қадриятларнинг тикланиши, фалсафа ва фан, адабиёт ва санъатнинг жадал ривожланиши даври.

**Қадриятлар**-борлиқ, жамият, нарса-ҳодисалар, модий ва маънавий бойликларни аҳамиятини кўрсатиши учун қўлланиладиган тушунча.

## **ИЛОВАЛАР**

### **ТЕСТЛАР**

**1. Ахлоқ арабча қайси сўзнинг кўпликдаги маъносини англатади?**

- А) одоб
- Б) хулқ
- В) этика
- Д) амал

**2. Ахлоқ дастлаб қайси мамлакатларда пайдо бўлган.**

- А) Эрон, Туркия.
- Б) Урарту, Кушон.
- В) Хиндистон, Хитой.
- Д) Юнонистон, Рим

**3. Ахлоқнинг асосий функциясини тўғри кўрсатинг.**

- А) баҳолаш.
- Б) акс эттириш.
- В) бошқариш.
- Д) тўғри жавоб йўқ.

**4. Ахлоқшунослик атамасини илмий муомалага ким киритган?**

- А) Сократ
- Б) Парменид
- В) Аристотель
- Д) Платон

**5. Қадимги юонлар ахлоқни нима деб атаганлар?**

- А) этика
- Б) эстетика
- В) философия
- Д) педагогика

**6. Ахлоқни қайси категорияси «мажбурият»ни билдиради?**

- А) баҳт
- Б) бурч
- В) адолат
- Д) виждон

**7. Ахлоқий категориялар нечта?**

- А) 5 та
- Б) 6 та
- В) 7 та
- Д) 8 та

**8. Ватан тушунчаси бизга қайси тилдан кириб келган?**

- А) рус
- Б) араб
- В) форс
- Д) француз

**9. «Ватан - саждагоҳимдир»-деб ким айтган эди?**

- А) Ф.Ғулом.
- Б) У.Носир.
- В) Чўлпон
- Д) А.Қодирий

**10. Қуйидаги ким кўпроқ инсонпарварлик оташин куйчиси ҳисобланади?**

- А) Улугбек
- Б) Навоий
- В) Бобур
- Д) Машраб

**11. Ахлоқий қоидаларидан «Сабр» Қуръони Каримда неча бор тилга олинган?**

- А) 30
- Б) 40
- В) 50
- Д) 60

**12. «Ахлоқий Муҳсини» асарининг муаллифи ким?**

- А) А.Авлоний
- Б) А.Навоий
- В) А.Жомий
- Д) В.Кошифий

**13. Фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирга яшашга аҳд қилиши нима?**

- А) севги
- Б) мұхабbat
- В) никоҳ
- Д) жамоа

**14. Оила кодекси қачон қабул қилинган?**

- А) 1994 йил
- Б) 1996 йил
- В) 1998 йил
- Д) 2000 йил

**15. Ўзбекистонда никоҳ ёши эркак ва аёллар учун қанча?**

- А) 18-18
- Б) 17-17
- В) 17-18
- Д) 19-18

**16. Ахлоқий тарбия қандай жараён?**

- А) мактаб жараёни.
- Б) олий даргоҳлар жараёни.
- В) узлуксиз жараён.
- Д) оиласвий жараён

**17. Қуйидагилардан ким «Қосуснома» асарини муаллифи.**

- А) Фаробий
- Б) Кайковус
- В) Навоий

Д) Бобур

**18. Ахлоқнинг «Эгизаки», «одобни ёдлатадиган илм қайси?**

- А) санъат
- Б) адабиёт
- В) одобнома
- Д) дин

**19. «Шайх ур-раис» номи билан машхур аллома ким?**

- А) Навоий
- Б) Бобур
- В) Ибн Сино
- Д) Умар Ҳайём

**20. Алишер Навоийнинг асосий ахлоқий асарини кўрсатинг.**

- А) Хамса
- Б) Мубаййин
- В) Муҳокатул луғатайн
- Д) Маҳбуб ул-қулуб

**21. Нотўғри жавобни аниқланг.**

- А) Қобуснома-Кайковус
- Б) Баҳт саодатга эришув ҳақида рисола - Фаробий
- В) Бўстон- Кошифий
- Д) Гулистон-Саъдий

**22. 20-аср бошларида машхур бўлган, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг муаллифи?**

- А) Ниёзий
- Б) Авлоний
- В) Чўлпон
- Д) Фитрат

**23. «Нажот йўли» ва «Оила ёки оила бошқариш тартиби» номли ахлоқшуносликка доир асарлар муаллифи ким?**

- А) Ниёзий
- Б) Авлоний
- В) Чўлпон
- Д) Фитрат

**24. Ахлоқнинг асосий тушунчаси нима?**

- А) бурч
- Б) яхшилик ва ёмонлик
- В) виждан
- Д) ор-номус

**25. Ўзи бирор қадриятни белгиламайдиган, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайдиган, уларни баҳолаш мАқомига эга бўлган ахлоқий мезоний тушунчани аниқланг.**

- А) Адолат
- Б) Бурч
- В) Муҳаббат
- Д) Ор-номус

## **РЕФЕРАТ МАЗУЛАРИ**

1. И. Каримов асарларида ахлоқий масалаларнинг қўйилиши.
2. И. Каримов асарларида ватанпарварлик туйғусининг ёритилиши.
3. Форобийнинг ахлоқий қарапшлари.
4. Берунийнинг ахлоқий қарапшлари.
5. Ибн Синонинг ахлоқий қарапшлари.
6. Навоийнинг ахлоқий қарапшлари.
7. Кошифийнинг ахлоқий қарапшлари.
8. Авлонийнинг ахлоқий қарапшлари.
9. Амир Темур тузукларида ахлоқий фазилатлар ҳақида.
10. Қуръон ва ахлоқ.
11. Ҳадисларда ахлоқ масаласи.
12. Ислом ахлоқи ва униг ўзига ҳослиги.
13. Тасаввуф ахлоқи.
14. Фақир инсон фазилатлари.
15. Муқаммал инсон фазилатлари.
16. Футувват ахлоқи.
17. Комил инсон ахлоқи.
18. Баркамол инсон фазилатлари.
19. Имонли киши фазилатлари.
20. Адабиёт ва ахлоқ.
21. Ёшлар ахлоқидаги асосий қусурлар.
22. Яхшилик ва ёмонлик.
23. Адолат.
24. Виждан.
25. Бурч.
26. Бахт.
27. Ор-номус
28. Севги ва муҳаббат.
29. Педагог ахлоқнинг ўзига ҳослиги.
30. Тадбиркор ахлоқи.

# ЭСТЕТИКА

Гулистан: 2018

# ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

## 1-Мавзу: Эстетиканинг баҳс мавзуси.

### Асосий саволлар:

1. Эстетика фанининг предмети, тадқиқот доираси ва мақсади.
2. Эстетиканинг фалсафий фан сифатидаги моҳияти.
3. Эстетиканинг бошқа фанлар билан ўзаро муносабати.
4. Эстетиканинг амалий аҳамияти ва вазифалари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** эстетика, нафосат, эстетик дид, гўзаллик, санъат, гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, эстетик тарбия.

**1-савол баёни.** Эстетика фани қадимги фанлардан бири бўлиб, унинг тарихи икки минг йилдан ортиқ. Бироқ у ўзининг ҳозирги номини XVIII асрда олган. Унгача бу фаннинг асосий муаммоси бўлмиш гўзаллик ва санъат ҳақидаги мулоҳазалар. Турли санъат турларига бағишланган рисолаларда, фалсафа ҳамда илоҳиётга оид асарларда ўз аксини топган эди. «Эстетика» атамасини 1750 йилда немис файласуфи Александр Баумгартен (1714-1762) илмий муомалага киритган. У бошқа бир немис файласуфи Лейбниц (1646-1716) таълимотидан келиб чиқкан ҳолда ўз foясини исботлаган эди. У инсон маънавий оламини уч соҳага: ақл—идрок, ихтиёр-ирода, ҳис-туйғуга бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида фалсафий жиҳатдан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди.

Баумгартенгача ақлни ўрганадиган мантиқ, ихтиёрни ўрганувчи ахлоқшунослик фани кўпдан бери бор эди. Бироқ ҳиссиётни ўрганадиган фан ўз мақомига эга эмасди. Александр Баумгартеннинг бу борадаги хизмати шундаки, у «ҳис қилиш», «сезиш», «ҳис этиладиган» каби маъноларни англатувчи юононча *aisthetikos* – сўзидан «эстетика» иборасини олиб, ана шу бўшлиқни тўлдирди.

Баумгартен эстетикани ҳиссий идрок этиш назарияси сифатида олиб қаради. Лекин Баумгартендан сўнг кўп ўтмай, у «санъат фалсафаси» сифатида талқин этила бошланди. Эстетика фанининг энг буюк назариётчиларидан бири Гегель эса ўз маърузаларининг кириш қисмида шундай деб ёзади: «Эстетика» деган ном муваффақиятсиз чиққани ва юзаки экани сабабли бошқа атама қўллашга уринишлар бўлган. Сўзнинг ўз-ўзича бизни қизиқтирмаслигини назарда тутиб, биз «Эстетика» номини сақлаб қолишга тайёрмиз, бунинг устига, у одатий нутққа сингиб кетган. Шунга қарамай, бизнинг фанимиз мазмунига жавоб берадиган ибора, бу – «санъат фалсафаси» ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, «Бадий ижод фалсафаси».

Гегелнинг «Эстетика» атамасидан кўнгли тўлмаслигига муайян сабаблар бор. Булардан бири юқорида унинг ўзи айтиб ўтган фикрлари бўлса, иккинчиси мазкур сўзнинг барча ҳис-туйғуларга тааллуқлилиги. Бунинг устига аллақачон фанимизнинг тадқиқот доираси санъат ҳудудидан чиқиб, инсон ҳаётининг деярли барча соҳаларига ёйилиб кетган.

Эстетика тарихида биринчи ибора – «санъат фалсафаси» тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Лекин юқорида айтиб ўтганимиздек, санъат эстетиканинг ягона тадқиқот обьекти эмас. Ҳозирги пайтда техника эстетикаси ва унинг амалиётдаги соҳалари: дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиат эстетикаси борасидаги муаммолар билан ҳам шуғулланади. Шу боис унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ходисаларнинг гўзал бўлиши, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди: биз такиб юрган соат, биз кийган кийим, биз ҳайдаётган машина, биз яшаётган уй, биз ёзаётган қалам, биз дам оладиган боғларнинг ҳаммасидан нафис бир рух уфуриб туриши лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсақ, «гўзаллик фалсафаси» деган ибора эстетикага кўпроқ мос келади. Чунки, эстетика фани фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки

инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганади. Шунингдек, гўзаллиқдан ташқари улуғворлик, фожеавийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, ҳаёлийлик, уйғунлик, нозиклик сингари кўпдан-кўп тушунчалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ҳам эстетика фанининг зиммасига тушади. Лекин, бу ўринда, шуни унутмаслик керакки, мазкур тушунчаларнинг ҳар бири бир томондан, гўзалликка унсур сифатида иштирок этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзи гўзалликка нисбатан унсур вазифасини ўтайди. Ана шу хусусиятларнинг воқеликда намоён бўлишини биз эстетика, деб атаймиз. Иккинчи томондан, эстетика санъат учун умумий қонун-қоидаларни ишлаб чиқади ва татбиқ этади. Учинчи томондан эса, эстетика санъат асарларини идрок этаётган киши руҳидаги ўзгаришларни тадқиқ қиласди.

Шундай қилиб, эстетика санъатни тўла қамраб олади ва унинг ич-ичига кириб боради: бадиий асарнинг яратилиши арафасидаги шарт-шароитлардан тортиб, то у бунёдга келиб, эгаси-идрок этувчига етиб боргунча бўлган ва ундан кейинги жараёнларни тадқиқ этади, ҳамда улардан назарий хulosалар чиқаради.

### **Назорат саволлари:**

- 1.1. «Эстетика» тушунчаси нимани англатади?
- 1.2. Гўзаллик фалсафаси деганда нимани тушунасиз?

**2-саволнинг баёни:** Эстетика-фалсафий фанлар таркибиға кирувчи маҳсус соҳа. Фалсафани эса маълумки, фанлар подшоси деб аташади. Дарҳақиқат, у фанлар подшоси сифатида барча табиий ва ижтимоий илмлар эришган ютуқларни ўз қамровига олиб, улардаги умумийлик хulosаларини чиқаради, шулар асосида инсонларни ҳақиқат томон етаклайди. Шу боис тафаккурни фалсафанинг тадқиқот обьекти, деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади.

Эстетика-фалсафий фан сифатида, барча санъатшунослик фанлари эришган ютуқларидан умумий хulosалар чиқариб, шу хulosалар асосида инсонни гўзаллик орқали ҳақиқатга етиштиришга хизмат қиласди. Бундан ташқари, эстетика ишлаб чиқсан қонун-қоидалар барча санъатшунослик фанлари учун умумийлик хусусиятига эга. Масалан, услуб, ритм, композиция ва х.к. орасидаги қонуниятлар барча санъат турларига тааллуқли. Ҳеч бир алоҳида санъат тури ҳақидаги фан бундай имтиёзга эга эмас. Масалан, адабиётшунослик ишлаб чиқсан қофия назариясини мусиқа ёки меъморчилик санъатига татбиқ этиб бўлмайди.

Эстетиканинг фалсафий моҳиятини яна унинг санъат асарига ёндашувидан кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир санъатшунослик илми ўз тадқиқот обьектига З томонлама: назарий, тарихий ва танқидий жиҳатдан ёндашади. Масалан, адабиётшунослик, мусиқа, тасвирий санъатда .

Эстетикада эса тадқиқот обьектига ёндашув уч эмас, балки биргина назарий жиҳатдан амалга оширилади: тарих ҳам танқид ҳам назарияга бўйсундирилади. Тўғри, эстетика тарихи деган ибора ва шу номдаги курслар ўқитилади. Лекин бу бора ҳам шартли тарзда қўлланилади. Ваҳоланки, у фанинг тарихи эмас, балки тарихан даврларга бўлинган эстетика назарияларининг таҳлилидир.

Маълумки, санъат асарининг мавжуд бўлиши учун 2 та шарт унсур албатта зарур. Улар қўйидаги тадрижий занжирни ташкил этади: ижодкор-бадиий асарни идрок этувчи восита. Юқоридаги мисол нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак: ёзувчи-роман-китобхон-танқидчи. Адабиётшунослик буларнинг ҳар бирини одатда алоҳида-алоҳида ўрганади. Эстетика фани ҳаммасини бир йўла, муайян тизим сифатида тадқиқ этади ва бу тадқиқот умумлаштирувчилик, назарийлийлик хусусиятига эга бўлади.

### **Назорат саволлари:**

- 2.1. Нима учун эстетикани санъат фалсафаси, деб аташади?
- 2.2. Нима учун эстетиканинг тадқиқот обьекти биргина назарий жиҳатга бўйсундирилади?

**З-савол баёни:** Эстетика қадимдан кўпгина фанлар билан мустаҳкам алоқада ривожланиб келган. Шулардан бири бўлиб келган фалсафа ҳакида, улар орасида боғлиқлик тўғрисида юкорида айтиб ўтдик.

Эстетика учун яна бир алоқадор фан бу ахлоқшунослиkdir. Бу иккала фан шу қадар бир-бирига яқинки, ҳаттоқи баъзи даврларда улар етарли даражада ўзаро чегараланмаган. Чунки, инсоннинг хаёти ва нияти кўпинча ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни муайян ижодий фаолият ўзида бирваракай ҳам эзгулик, ҳам эстетик хусусиятларини мужассам қилиши мумкин. Шу сабабли «Авесто», «Библия» ва «Қуръон» манбаларда, Сукрот, Афлотун, Форобий сингари файласуфлар таълимотларида ахлоқийликни ички гўзаллик, эстетикани ташқи гўзаллик тарзида талқин этилган.

Бундан ташқари кўриб ўтганимиздек, санъат эстетиканинг тадқиқот обьектларидан ҳисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари кўтарилади ва ижодкор энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар орқали инъикос эттиради. Бу инъикос бевосита ижобий қаҳрамонлар қиёфасида амалга ошса-да, бевосита салбий воқеа-ҳодисаларга муаллиф нуқтаи назари орқали рўй бериши мумкин. Яъни, баъзи бир бадиий асарда ижобий қаҳрамонлар, умуман, бўлмайди, лекин ундаги воқеа-ҳодисаларга ижодкор ўзи эришган ахлоқий юксакликдан туриб баҳо беради. Шу боис ахлоқсизликни тарғиб этувчи бадиий асарнинг бўлиши мумкин эмас.

Демак, эстетика ўрганаётган ҳар бир бадиий асар маълум маънода ахлоқшунослик нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилинади. Бироқ, бундай яқинлик юкорида айтганимиздек, асло айнанликни англатмайди. Бу иккала фаннинг тадқиқот обьектлари орасидаги фарқни биринчи бўлиб Арасту назарий жиҳатдан исботлаб берган эди: у эзгулик фақат ҳаракатда, гўзаллик эса ҳаракатсиз ҳам намоён бўлади, деган фикрни билдирган. Дарҳақиқат, ахлоқийлик фақат инсоннинг хатти-ҳаракати, қилмиши орқали юзага келади: одам токи ҳаракатсиз экан, биз унинг на яхшилигини, на ёмонлигини биламиз: муайян хатти-ҳаракат содир қилингандан кейингина биз уни ё эзгулик, ё ёвузлик, ё яхши ё ёмон сифатида баҳолаймиз. Гўзаллик эса ўзини ҳаракатсиз ҳам намоён этаверади. Олайлик, Кўкалдош мадрасаси, Регистон ансамбли. Улар ҳеч қачон ҳаракат қилмайди. Лекин гўзаллик сифатида мавжуд. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ахлоқ учун умумийлик, эстетика учун муайянлик шарт ҳисобланади.

Эстетика руҳшунослик (психология) билан ҳам мустаҳкам алоқада. Маълумки, инсоннинг руҳий ҳаётини ўрганар экан, руҳшунослик ҳиссиётлар масаласига катта ўрин беради. Гўзалликни санъат асарини яратиш ва идрок этиш ҳам маълум маънода ҳиссиётлар билан боғлиқ. Масалан, оддий ҳарсангтош кишида фавқулодда кучли форигланиш туйғусини, ҳиссий таасурот уйғотмайди. Лекин тошга ҳайкалтарош қўл урганидан сўнг ундаги ҳаёт нафаси инсоний ҳиссиётлар фавқулоддаги табиатга эга бўлади.

Эстетика ҳайкалтарошдан ҳайкалга, ҳайкалдан томошабинга ўша ҳиссиётларнинг қайси даражада ўтган-ўтмаганлигини ўрганади ва шу асосда асарни баҳолайди.

Эстетиканинг социология билан алоқадорлиги ҳам муҳим. Маълумки, ҳар бир санъат асари алоҳида инсон шахсига эътибор қилган ҳолда жамиятни ижтимоий муносабатлар тизими сифатида бадиий тадқиқ қиласи. Ҳатто инсон ва жамият акс этмаган манзара жанридаги асарда ҳам ижтимоийлик табиат аъзоси - муаллиф қарашларини бевосита инъикоси услубида ўзини кўрсатади.

Эстетиканинг диншунослик билан алоқаси алоҳида дикқатга сазовор. Чунки дин ва санъат доимо бир-бирини тўлдириб келади ва кўп ҳолларда бири бошқаси учун яшаш шарти бўлиб майдонга чиқади. Бунинг устига ҳар бир диннинг «ўз тасарруфидаги» санъат турлари бор. Буддизм учун ҳайкалтарошлик, насронийлик учун тасвирий санъат, ислом учун бадиий адабиёт, шунингдек, барча умумжаҳоний динлар ўз ибодатхоналарини тақозо этади. Ибодатхоналарнинг эса меъморчилик санъати билан боғлиқлиги ҳаммамизга маълум. Умуман олганда, динлар деярли барча санъат турлари билан алоқадорликда иш кўради.

Эстетиканинг педагогика билан алоқасини биз тарбия муаммоларининг ҳал қилишида кўрамиз. Чунки педагогика ҳам эстетик тарбия билан шуғулланади. Педагогика ёшлар бўйича олиб борилаётган эстетик тарбия муаммоларини ўрганади. Эстетика эса эстетик тарбияни умумий қонун-қоидаларини ишлаб чиқади, яъни инсон туғилганидан бошлаб то ўлгунгача босиб ўтадиган босқичлар учун умумий бўлган фалсафаси сифатида иш кўради.

Бундан ташқари эстетика, кибернетика, экология ва юқорида айтиб ўтганимиздек, барча санъатшунослик фанлари билан ҳам яқин алоқадорлигида иш олиб боради.

#### **Назорат саволлари:**

- 3.1. Эстетиканинг ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги ва ундан фарқи нималарда кўринади?
- 3.2. Эстетика яна бошқа қайси фанлар билан ўзаро алоқадор?

**4-саволнинг баёни:** Ҳар бир фаннинг инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос амалий аҳамияти бор. Эстетика ҳам бундан мустасно эмас. Фанимиз, аввало, кундалик ҳаётимизда эстетик тарбияни тўғри йўлга қўйиш борасида катта аҳамиятга эга. Эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чуқур хис этадиган уни асрайдиган эстетик дид эгалари бўлишлари лозим.

Эстетиканинг, айниқса, бадиий асар ижодкорлари учун амалий аҳамияти катта. Чунончи, бирор бир санъат турида ижод қилаётган санъаткор биринчи галда маълум маънода ўз соҳасининг билимдони бўлиши керак.

Умуман олганда, эстетика ҳамма учун ҳам зарур. Чунки инсон зоти барибир ҳаётда тез-тез санъат асарларини идрок этувчи сифатида майдонга чиқади.

Бугунги кунда эстетика фани олдида улкан вазифалар турибди. Зотан биз қураётган фуқаролик жамияти аъзоси ҳар жиҳатдан камол топган юксак эстетик дид эгаси бўлмоғи лозим. Қолаверса, ҳозирги машинасозликни, авиасозликни, умуман, саноатни замонавий дизайнсиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас. Бунда бевосита техника эстетикасининг аҳамияти катта. Булардан ташқари, айниқса, ёшларнинг эстетик тарбиясига алоҳида эътибор бериш-замоннинг долзарб талаби бўлиб бормоқда. Шу боис «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойилларидан бири: «таълимнинг ижтимоийлашуви-таълим олувчилардан эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилишни, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш» деб аниқ белгилаб қўйилганлиги бежиз эмас.

#### **Назорат саволлари:**

- Эстетиканинг амалий аҳамияти қай тарзда намоён бўлади?
- Эстетика фанининг вазифалари нималардан иборат?

#### **Адабиётлар.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: «Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» Тошкент. «Ўзбекистон» 1993 й.
2. Каримов И.А. «Донишманд ҳалқимнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» «Фидокор» газетаси. 2008 июнь.
3. Умаров Э. «Эстетика», Т.: «Ўзбекистон» 1995 й. 3-15бет.
4. Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Айходжаева Г. «Эстетика асослари» ўқув қўлланмана. Т.: «Ўзбеккомцентр», 2002. 3-11 бетлар.

## **2-Мавзу: Қадимги Шарқ ва антик давр эстетикаси.**

### **Асосий саволлар:**

1. Қадимги Шарқ эстетика илмининг бешиги сифатида (Шумер, Бобил, Миср).
2. «Авесто» да эстетика масалалари.
3. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда санъат ва эстетика илмининг тараққиёти.
4. Қадимги Юнон ва Рим эстетикаси.

### **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Гўзаллик, эзгулик, санъат, риторика, раса, мэй, ғоя, инъикос, поэтика, фожеа, комедия, эстетик масофа, фориғланиш, эврилиш, мифология.

**1-савол баёни:** Инсон табиатан бўш вақтга интилиб яшайди. Чунки, бўш вақт мобайнида инсон жисман ва руҳан дам олиш, кундалик меҳнат - қорин тўйдириш ташвишидан фориғ бўлади. Бўш вақт инсонда ўйин ҳисси уйғонишининг асосий омилидир. Санъат вужудга келишида ўйиннинг аҳамияти катта эканлиги ҳаммага маълум. Демак, эстетик онг ва эстетик фаолиятнинг тадрижий ривожида меҳнат билан бирга бўш вақт ҳам асосий омиллардан хисобланади. Давлат пайдо бўлиши билан ички осойишталикни меҳнат билан бирга бўш вақтга асосланган муайян тартибини жамиятда қонун даражасига кўтариш эса инсоннинг бадиий-эстетик ҳаётида янги давр бошланди. Ана шу давр ибтиносини Месопотамия-Иккидарё минтақасида, хусусан, Шумер давлатида кўришимиз мумкин.

Шумер инсоният тарихидаги ҳозиргача бизга маълум бўлган илк қудратли давлатлардан бири бўлган.

Шумерликлар биринчи бўлиб ёзувни кашф этдилар ва гил тахтачаларга қамиш қаламлар билан илк ривоят ва насиҳатларини ёзиб қолдирганлар.

Санъат намунасининг кўплиги жиҳатдан Шумерни орқада қолдирадиган Миср маданияти ҳам ёзма ёдгорликлар борасида Шумерга ён беради.

Қадимда Шумер тасвирий санъати асосан муҳрлар, идиш-товоқлардаги расм тасвиrlардан иборат. Булар орасидаги энг қадимиyиси ва бизга кўп микдорда етиб келгани муҳрлардир.

Шумер санъатида бадиий адабиёт энг катта ўрин эгаллаган. Шумер адабиёти намуналарининг кўп қисмини достонлар ташкил этади. Улар бадиий жиҳатдан пухта ишланган, оҳангда, шеърий усулларга бой. Уларда гўзаллик тушунчаси фойдалилик билан боғлиқ ҳолда тасаввур этилган: қадимда нимаики фойдали бўлса, ўша гўзалдир, деб тан олинган.

Шумерларда эстетикага бағишлиган рисолаларга ўхшаш маҳсус адабий шакли бўлган эмас. Бундай қарашларни бизгача тўлиқ ёки қисман етиб келган асотирларда учратиш мумкин. Шумерликларда эстетик тафаккурнинг келиб чиқиши асотирномага (мифология) бориб тақалади.

Шундай қилиб, Шумер санъати ва адабиёти инсоният тарихидаги дастлабки эстетик ғоялардан ва иборалардан бизни хабардор қиласи ҳамда уларнинг келиб чиқиш тарихи билан танишиш имконини беради.

Бобилда эпос ва достонларда ҳаёт ва ўлим муаммоси асосий муаммо сифатида кўтарилиган. Қадимги Бобил шоирлари ижодида инсоннинг бадиий яшашга интилиши юксак бадиий шаклларда ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, Шумер-Бобил санъати инсоният тарихида дастлабки эстетик ғоялар Шарқда пайдо бўлганидан гувоҳлик беради.

Умумжаҳон эстетикаси тараққиётiga қадимги Миср маданияти жуда катта ҳисса қўшган. Барча қадимги халқлар қатори мисрликлар ҳам гўзалликни ҳаётда, деб билганлар ва

уни фойдаланиш мезони билан ўлчаганлар. Чунончи, қүёш маъбуди Атонга (милодгача XV аср) бағишиланган алқовлардан бирида шундай дейилади:

Сенинг гўзалигинг ўзи ҳаётдир,  
Умр бағишилайди ҳар бир юракка.

Маълумки, тошқин Нил қадимги Миср фаровонлигининг асоси бўлган, фаровонлик эса, улар фикрича, гўзаликдир.

Қадимги Миср санъатининг жуда кўп турлари ана шу манфаатли гўзалик асосида вужудга келган. Меъморчилик юксак техник мукаммалликка эришган. Шундай қилиб, қадимги Мисрда вужудга келган эстетик ғоялар, ижодий тамойиллар, жанрлар кейинги даврлар эстетика илми ривожига ҳаракатлантирувчи маънавий куч сифатида таъсир кўрсатган.

### **Назорат саволлари:**

- 1.1. Қадимги Шумер ва Мисрда дастлабки эстетик ғоялар қандай келиб чиққан?
- 1.2. Шумер ва Бобилдаги дастлабки эстетик қарашлардаги умумийликнинг моҳияти нимада?

**2- савол баёни:** Шарқ халқлари тараққиёти қадимги Эрон ва Турон аҳолиси яратган маданият катта ўрин тутади. Хусусан, зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг тақдиди бунга мисол бўла олади.

«Авесто» готларини Зардушт бадиҳа йўли билан омма орасида қўшиқ қилиб айтган.

Бу туркум шеърлар-готларда ўша ҳаётий лавҳалар ўз аксини топган. «Гот» сўзи аслида «гоҳ» яъни «куй», «қўшиқ» деган маънони англатади. Бу сўз мумтоз мусиқа меросимизда «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ» каби атамалар таркибида сақланиб қолган.

Қадимги «Авесто»дан бизгача етиб келган қисмлар «Ясна», «Ведевдот», «Яшт», «Виспарат», деб аталади. Зардушт ижод қилган «гоҳ» лардан 17 таси «Ясна» китобига кирган.

Айнан ана шу «гот»лар орасида қадимги туронликлар ва эронликларда эстетик тасаввурнинг қандай шаклланганлигини кўриш мумкин.

Қадимги туронликлар ва эронликларда ҳам атроф-муҳитдаги гўзаликни англаш етиш бошқа қадимий маданий халқлардаги каби инсоннинг ўз-ўзини англаш жараённида рўй беради. Маълумки, қадимги Шарқда гўзалик ахлоқий юксаклик билан моҳиятан бир тушунча сифатида олиб қаралади. Бу жиҳатдан «Авесто» ҳам истисно эмас: ундаги «гўзал», «сулув», «чиройли», «нафис», «қойилмақом» сўзлари «яхши», «эзгу», «бегубор» сўзлари билан маънодош тарзда келади, «гўзал» дегани «яхши», «одамга фойдали» деган маънони англатади. Маълумки, кўпчилик қадимги халқларда эстетик ғояларнинг ибтидоси «гўзалик ва эзгулик» нинг, «гўзалик ва зарурийлик»нинг яхшилиги билан боғланади. «Гот»лардаги гўзалик ҳақидаги тасаввур илоҳий одилликка, мезонийликка, мутаносибликка, яъни уйғунлик тушунчасини илк ибтидоий кўринишларига бориб тақалади. Зардушт «гот»лардаги илоҳий Ахурамаздан шарафлайди ва бу шарафлаш «мезонсиз эмас, балки мезоний сўзлар» билан амалга ошувини алоҳида таъкидлайди.

«Авесто»даги «гот»ларда «гўзалик», «қўркамлик», «чиройлилик», «улуғ», «улуғвор», «викор» сингари сўзлар алоҳида тилга олинмасада, улар ҳақиқат, эзгулик, яхшилик шаклида ифодланади. Яштларда улар тўғридан-тўғри қўлланилган. Сув ва хосилдорлик маъбудаси Амударё тангриси Ардвисура-Анахита мадҳига бағишиланган «Ардвисура-Яшт»да шундай мисраларни учратиш мумкин:

Гўзалиги, улуғлиги ҳаққи-хурмати.  
Тингловчи дуо билан шарафлагумдир  
Арта қутлуғлаган Ардвисурани.

Худди ана шу «Яшт»даги Ардвисура-Анахита тасвирини гўзалик ва улуғворликнинг гўзал ва улуғвор тасвир сифатида бой, ранг-баранг эстетик инъикос тарзида идрок этиши табиийдир.

Бундай мисоллар «Авесто» яратилган Мовароуннахр минтақасидаги эстетик тасаввурлар, ғоялар ва санъат турлари қўшини минтақалар халқлари эстетик тараққиётига катта таъсир кўрсатилганлигини исботлайди.

### **Назорат саволлари:**

- 2.1. «Авесто»да илгари сурилган илк эстетик ғояларнинг моҳияти нимада?
- 2.2. «Авесто» да гўзалликнинг моҳияти нимада кўринади?

**3-савол баёни:** Қадимги Ҳиндистон фалсафий-эстетик, диний-ахлоқий тафаккурида упанишадларнинг аҳамияти бекиёс. «Упанишад» сўзи тўғридан-тўғри «давра», «давра олмоқ» (устоз атрофида) деган маънони англатади. Лекин унинг иккинчи ботиний маъноси—«сирли билим», «яширин билим»дир. Упанишадлар ведаларга бориб тақаладиган, уларни сирларини тушунирадиган диний-фалсафий табиатга эга таълимотдир. Уларда мелодгача бўлган VII-асрларда қадимги ҳиндларнинг эстетик тасаввур ва қарашлари шаклланган.

Упанишадлардаги эстетик тасаввурлар ҳам ахлоқий қарашлар билан мустаҳкам боғлиқ.

Қадимги ҳинд эстетикасида, хусусан, упанишадларда нур нафосати билан бирга сўзларда инъикос этган ранг нафосатига ҳам дуч келиш мумкин. Ранглар муқоясан-зидлаштириш усулида эстетик хусусият касб этади.

Браҳман сўзи кўп маънолиликдир. Браҳманни универсум, мавжудликнинг ягона ибтидоси, ўз-ўзига асосланган, оламдаги бор нарсага ва оламнинг ўзига таянч бўлувчи қандайдир улуғлик тарзида тушунирилади. Донишманд учун эса Браҳман «интилиш обьекти», яъни муайян маънода маънавий идеал, ҳар қандай гўзалликдан гўзалроқ гўзалликдир. Олий ва пок Браҳманга етишиш буюк қувонч, баҳт бағишлайди, у инсоннинг чараклаб турган ҳақиқатни кўра билиши. Браҳманни билиш-«инсондаги кўркни» бевосита мушоҳада этиш. Бу энг гўзал ва энг илоҳий мушоҳададир.

Шундай қилиб, упанишадларда ҳақиқат, ҳур эзгулик ва олий гўзаллик рамзи сифатида талқин этилади.

Нур рамзи, нур нафосати, умуман, ведалар ва упанишадлардаги эстетик ғоялар қадимги Ҳинд достонлари, «Маҳобҳорат» ва «Рамаяна» бадиияти ҳамда нафосатига сезиларли таъсир кўрсатди. Масалан, «Рамаяна»да ҳилол, ой, энг юксак гўзаллик тарзида тасвирланади: ой сўзсиз гўзал нур тўқиб, тунги заминнинг сирли чиройга буркайди.

Қадимги ҳинд эстетикаси тарихида «Натъяшастра» - «Театр санъатига» доир ўйтлар (I-II асрлар) рисоласи ҳам диккатга сазовор.

Саҳнада бадиий қиёфа яратиш вазифасидан келиб чиқиб, қадимги ҳиндларнинг театр ҳақидаги билими инсон руҳий ҳолатларини алоҳида таҳлил этувчи «бҳава» деб аталган тизимни яратди. Бундан ташқари «бҳава»ларни саккиз гурухга бўлувчи мураккаб таснифлаш тури ва бир неча шунга яқин иккинчи даражали ҳолатларни мужассам этган ана шундай ҳар бир гурух муайян эҳтирос тушунчаси тарзида олиб қаралган. Барча тушунчалар, яъни саккиз тушунча ягона «раса» (дид) деган ибора билан ифодаланган. Кейинчалик «раса» бадиий эҳтиросни англатадиган эстетика тушунчаси мақомини олди ва шу тарзда ҳинд санъатшунослигида кенг тарқалди. «Раса» тушунчаси мусиқа назариясида пардалар, товуш қаторлари босқичлари ва оҳанглар турларида, тасвирий санъат назариясида эса мой бўёқ ва ҳайкалтарошлиқ тасвирларида кўлланилиб келинмоқда.

Қадимги Хитой эстетикаси деганда биз одатда, миллоддан аввалги VII аср - миллоднинг V асргача бўлган даврни назарда тутамиз. Мана шу даврда Хитойда эстетик тафаккур мустақил фан мақомига эга бўлмасада, лекин асосий фалсафий-эстетик тушунчалар шаклланган эди. Бироқ дастлабки эстетик тасаввурлар, ғоялар бундан анча аввал «Шуцзин» («Тарихлар китоби» мил. авв. XII аср), «Шицзин» («Кўшиқлар китоби» - мил. авв. XI-VI), «Ицзи» («Ўзгаришлар китоби» мил. авв. VIII-VII асрлар) деб номланган ёдгорликлар учрайди.

Ана шу халқ қўшиқлари Хитой ёзма адабиётининг асоси бўлди, уч ярим минг йил аввал Хитой ёзуви иероглифлар яратилди. Шуни айтиш керакки, иероглиф ёзув ранг-баранг, базур

илғанадиган нозик ишораларни тасвирилашда, мавхум ва күпёкламали тушунчаларни турли маъно урғуларни ва қирраларни ифодалаш учун чексиз имкониятларга эга. Шу муносабат билан уларни бир неча иероглиф этимологиясини кўриб чиқайлик. Масалан, «МЭЙ» иеороглифи гўзал, бадиий, эстетик деган маъноларни англатади. У икки пиктограмадан расмлашган ёзувдан иборат: Ян (кўчкор, кўй) ва да (катта, улкан). Дастреб буларнинг қўшилуви «катта қўчкор» деган жўн тушунчани яъни, «тенги кам» гўшти лаззатли, жуни ноёб, гўзал ташки кўринишга эга бўлган ҳайвонларнинг файри одатий нусхасини англатган. Гўзаллик ҳақидаги тушунчаларнинг кейинчалик ривожланиб бориши билан «МЭЙ» иероглифи нисбатан мураккаб ва мавхумлик ифодаси бўлмиш гўзал эстетик деган маъноларда юзага келган.

Қадимги Хитой эстетикаси тарихида икки йўналиш алоҳида ажралиб турди: даосизм ва конфуцийчилик. Бу йўналишларнинг муҳим белгиси – фазо, (космос) ва табиатнинг азалий ва абадий гўзаллик, жамият, борлиқ гўзаллигига қанчалик ўхшаш, яқин эканлиги билан белгиланади. Конфуцийчилик хулқий гўзаллик муаммосини ўргага ташлайди: ахлоқий–эстетик идеал унинг энг муҳим белгиси саналади.

Даосизмнинг («дао»–йўл дегани) асосчиси Лао-цзи (мил. авв. VI-V асрлар) фикрига кўра «уйғунлик» (ХЭ), «Тинчлик», «Келишув», «Юмшоқлик», «Келиштириш» маъноларини англатади. «Меъёр» сўзини эса у етарилилк маъносида қўллади.

Гўзаллик ҳақида («Дао де цзи») китобида ҳам диққатга сазовор фикрлар баён этилган. «Бутун осмон остидагилар гўзалликни» гўзал эканлигини билиб олганларидан ўша пайт хунуклик ҳам пайдо бўлади. Қачонки ҳамма эзгулик эканлигини билиб олганида ўша пайт ёвузлик ҳам туғилади.

«Хуайнанъцзи» деб аталадиган қадимиий Хитой матни ҳам эстетик ғоялар тараққиётини кўрсатувчи асар сифатида муҳимдир.

Даосизм учун ибтидо нуқтаси олам (космос) бўлса, Конфуций (мил. авв. 551-479 йиллар) ва унинг издошлари эстетик муносабатларини ижтимоий-сиёсий қарашларидан келиб чиқиб шакллантирадилар. Конфуций «Жўмард ўғлон» тушунчасини (тасаввуфда «жавонмардлик»ка яқин Б.Ф.) келтиради. Жўмард ўғлон, энг аввало, ахлоқийлик ва фуқаролик бурчларини чин дилдан намунали бажарувчи жамиятнинг идеал аъзоси. Жўмард ўғлон тарбиясининг асосини Конфуций уч нарсада-«қўшиқ», «удум» ва «мусиқа»да кўради. Демак, донишманд нуқтаи назаридан тарбия эстетик асосда олиб борилиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қадимги Хитой эстетикаси ўрта асрларга келиб нафақат Хитойни юксак поғонага кўтарди, балки Япония, Вьетнам каби минтақаларда эстетика илмининг вужудга келишига ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

#### **Назорат саволлари:**

- 3.1. Қадимги Ҳиндистонда эстетик тафаккур қай тарзда ифода топган?
- 3.2. Қадимги Хитойда эстетика борасидаги дастлабки таълимотлар нималарга асосланган?

**4-савол баёни:** Қадимги Юнон мумтоз эстетикаси деганда биз, асосан уч буюк сиймони назарда тутамиз. Булар Суқрот, Афлотун ва Арасту.

Суқрот (миллоддан аввалги 469-399 йиллар) жаҳон фалсафасида биринчи бўлиб антропологик ёндашувга асос солган мутафаккир, унгача фалсафада фактат космологик ёндашув хукмрон эди. Суқрот файласуфларга таъриф берар экан: «Файласуф донишманд ҳамда жоҳил оралиғидаги мавқени эгаллайди», -дейди.

Суқрот ахлоқшунослик ва эстетиканинг, эзгулик ва гўзалликнинг узвий алоқасини таъкидлаб кўрсатади. Унинг идеали маъноли ва жисман гўзал инсон. Инсонни санъатнинг асосий обьекти сифатида олиб қарайди, санъатнинг эстетик ва ахлоқий мезонлари масаласини ўргага ташлайди ҳамда шулар орқали ижодий жараённи очиб беришга уринади.

Санъат, Суқротнинг фикрига кўра, таклид орқали хаётни инъикос эттиришdir. Лекин бундай тақлид асло нусха кўчириш эмас. Ҳайкалтарош Паррасий билан сухбатида мутафаккир санъаткор инсонни, табиатни, воқеиликни умумлаштириш орқали қайтадан жонлаштиради, дейди. Ҳайкал ҳам, яъни, тош ҳам, бошқа санъат турларидаги каби

«қалбнинг ҳолатини», инсоннинг руҳий-маънавий қиёфасини акс эттириши керак. Ахлоқий идеаларгина инъикос эттиришга лойик.

Қадимги Юнон эстетикасида Афлотуннинг (мил. авв. 427-347) қарашлари диққатга сазовордир. Унинг эстетика борасидаги фикрлари асосан «Ион», «Федр», «Базм», «Қонунлар», «Давлат» сингари асарларида ўз ифодасини топган.

У фалсафага таъриф бериб қуйидаги мисраларни ёзган:

- «Оламда билимдан кучли нарса йўқдир. Билим ҳар қандай хузур-холоватдан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам зўрроқдир».

- «Фалсафа билан машғул бўлинг. Шунингдек, ёшларда ҳам фалсафага рағбат уйғотинг».

- «Ҳақиқатни англашга интилувчилар чин файласуфлардир».

Афлотун Суқротдан фаркли ўлароқ, ғоялар муаммосини ўртага ташлайди. Унинг фикрича, асл борлиқ ана шу ғоялардан иборат. Умумий тушунчалар қанча бўлса, ғоялар ҳам шунча. Ғояларнинг ўрни нарсаларга нисбатан бирламчи: аввало ғоялар, ундан кейин нарсалар. Атроф-теваракдаги ҳис этилувчи нарсалар ҳиссиётдан юксак турувчи ғояларнинг инъикосидир. Афлотуннинг фикрига кўра, асл гўзаллик ҳис этилгувчи нарсалар дунёсида бўлмайди, у ғоялар оламига тааллуқли. «Давлат» асарида файласуф Суқрот ва Глаукон сұхбати асносида фор ҳақидаги машҳур афсонани келтирад экан, бизга кўриниб турган, биз яшаётган дунё бор-йўғи соялар ўйини, ҳақиқий дунёни кўриш учун эса инсон ожизлик қилишини айтади. Инсон фор деворига кишанбанд қилинган тутқунга ўхшайди, у фақат ҳақиқий борлиқнинг соясини кузата олади, ҳақиқий борлиқ эса ана шу соя ортида кўринмай қолаверади. Гўзаллик-ҳақиқий борлиққа тааллуқли. «Унга ҳиссиётлар ёрдамида етишиш мумкин: у-ўзгармас, замон ва макондан ташқарида». Бу ўринда Афлотуннинг ҳақиқий гўзаллик сифатида худони назарда тутаётганини илғаш қийин эмас.

Ана шу нұктаи назардан келиб чиқган ҳолда, Афлотун, санъаткорни ўзига хос нусха кўчирувчи сифатида талқин этади; у ҳис этиладиган нарсалар оламини акс эттиради, бу олам эса ўз навбатида, ғояларнинг нусхаларидир. Демак, унингча, санъат асари-нусхадан олинган нусха, тақлидга тақлид, соянинг сояси. Шу боис инъикоснинг инъикоси сифатида санъат, биринчидан, билиш қуроли бўла олмайди, аксинча, у алдамчи рўё, асл оламнинг моҳиятига етиб бориш йўлидаги тўсиқдир. Иккинчидан, у ахлоққа нисбатан бетараф турди, ҳатто ахлоқнинг бузилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Учинчидан, томошибинни маънавий юксакликка эмас, балки руҳий касалликка олиб келади. Чунки у ҳис этилгувчи нарсалар оламини турли воситалар орқали инъикос эттирад экан, кўп ҳолларда гўзалликка тааллуқли бўлмаган, хунуклик, шармандалик ва беҳаёликни тасвирлайди. Шу сабабли идеал давлатдан санъатнинг ўрин олиши шарт эмас. Лекин маъбудларга бағишлиланган алқовлар, мардлик, ватанпарварлик туйгуларини уйғотадиган кўшиклар бундан мустасно.

Афлотун санъатнинг асл манбаини билимда эмас, илҳомда, деб ҳисоблайди. Унингча, шоир «фақат илҳомланган ва жазавага тушган пайтида, эс-хуш йўқолганида ижод қиласи; тики эс-хуши жойида экан, у ижод ва каромат қобилиятидан маҳрум». Шоир ўзи англамаган ҳолда телбavor, савдойи бир ҳолатда иш кўради. Шу боис ҳақиқий ижодкор учун санъат қонун-қоидаларини билишнинг ўзигина етарли эмас: у санъаткор бўлиб туғилиши лозим.

Қадимги Юнон эстетикасининг юксак чўқиси Арасту ижодидир (мил. авв. 384-322). Унинг «Хитоб» («Риторика»), «Сиёсат», айниқса, «Шеърият санъати» («Поэтика») асарида эстетик муаммолар ўртага ташланган.

«Эзгулик қилишдан чўчийдиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам буза олмайдиган одамлар энг олижаноб инсонлардир».

Арасту ўз тадқиқотлари марказига гўзаллик масаласини кўяди. У гўзалликни тартиб, мутаносиблик ва аниқликда кўради. Гўзалликнинг нисбатан юксак ифодаси эса, тирик жонзорларда, айниқса, инсонда намоён бўлади. Гўзалликнинг яна бир белгиси, Арасту фикрига кўра, микдорнинг чекланганлиги. «Жонсиз нарсалар каби жонли мавжудотлар ҳам ҳажман осон илғаб олинадиган бўлишлари керак», дейди файласуф. Гўзалликнинг энг мухим

белгисини эса, Арасту узвий яхлитлик, деб атайди. Унинг талқинига кўра, яхлитлик ибтидо, марказ ва интиҳодан иборат бўлади. Арастугача гўзалик ва эзгулик айнанлаштирилар эди. Арасту эса биринчи бўлиб уларни фарқлайди: эзгулик фақат ҳаракат орқали, гўзалик ҳаракатсиз ҳам воқе бўлади, деган фикрни ўргата ташлайди.

Арастунинг санъат ҳақидаги қарашлари устози Афлотун қарашларидан жиддий фарқ қиласи. Унинг фикрига кўра, санъат асари, табиат асари сингари шакл ва материя бирлигидан иборат. Санъаткор онгидаги «Оламий ақл»да мавжуд бўлган нарсалардан бошқа бирор нарсанинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Зоро, табиат ва инсон фаолиятининг манбай «Оламий ақл» даги ғоялар йиғиндиндисидир. Улар ё «табиатдаги» жараён, ёки «санъат» орқали ўзлигини намоён қиласи. Санъат табиат ўз мақсадини амалга оширадиган шакллардан бири, холос. Лекин энг етук, мукаммал шакли, санъат табиат охирига етказади, бунда унга инсоний зеҳн кўмаклашади.

Қадимги дунё эстетикасида Рим мутафаккирларининг ўрни ҳам беқиёс. Улардан айримларини кўриб ўтамиш, Тит Лукреций Кар (мил. авв. 99-55 йиллар), Квинт Гораций (мил. авв. 65-8 йиллар) қарашлари диққатга сазовар. Тит Лукреций Кар ўзининг «Нарсаларнинг табиати» асарида санъатнинг келиб чиқишини табиатга тақлид, деб изоҳлайди. Яъни, санъат инсонларнинг идеал эҳтиёжларидан келиб чиқсан. Унинг фикрига кўра, санъат фақат лаззат, оромгина баҳш этиб қолмайди, балки, фойдалиниш хусусиятига ҳам эга: у натижаларнинг табиати ҳақида билим беради.

Гораций ўзининг эстетика борасида қарашларини «Пизонларга мактуб» ёки кейинчалик «Шеърият санъати» деб аталган асарида баён этади.

Гораций шоирдан, аввало, фалсафий билим эгаси бўлишини, иккинчидан, самимиятни талаб қиласи. Бундан ташқари, Гораций шеъриятнинг хил ва турларига таъриф беради, бунда у асосий диққатини фожеа (трагедия)га қаратган. Рангтасвир шеърият билан кўп жиҳатдан ўхшашлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ҳар қандай мутаносиблигни, уйғунликни бузилишини, соҳталикни қоралийди.

Умуман олганда, қадимги дунё эстетикаси, хусусан, унинг мумтоз даври эстетикаси қадимги Юнон тафаккурига тақлидан тараққий топди. Масалан, гўзалик муаммоси илк бора атрофлича фалсафий тадқиқ этилди, гўзаликнинг моҳияти ва унсурларига доир қимматли фикрлар билдирилди: фожеавийлик ва кулгулилик тушунчалари театр санъати билан боғлиқ тарзда ўрганилди; санъатнинг келиб чиқиши, моҳияти ва фориғлантирувчилик хусусияти ҳақидаги теран қарашлар биринчи марта ўргата ташланди; шеър санъати ва нотиқлик санъати масалаларининг мұхим томонлари очиб берилди. Шу нуқтаи назардан қадимги дунёning мумтоз эстетикаси кейинги даврлар эстетик тафаккур тараққиётiga катта таъсир кўрсатади ва бу таъсирни ҳозир ҳам ҳис қилиш мумкин.

#### **Назорат саволлари:**

- 4.1. Суқрот ва Арасту ғоялари қадимги дунё эстетикасида қандай ўрин тутади?
- 4.2. Нима учун Арасту ижоди қадимги дунё мумтоз эстетикасининг чўққиси ҳисобланади?
- 4.3. Қадимги Рим эстетикасини қайси мутафаккирлар ижодида кўриш мумкин?

#### **Адабиётлар.**

1. Аристотель. Поэтика. -Т., 1980.
2. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. Тошкент, «Шарқ», 2001 й.
3. История эстетической мысли в 3-х томах. -Т.1, Москва, «Искусство», 1985 г.
4. Культура Древнего Египта. -М., «Наука», 1976 г.

### **3-Мавзу: Уйғониш даври Шарқ мутафаккирларининг эстетикаси.**

#### **Асосий саволлар.**

1. Дунё динларининг вужудга келиши ва уларнинг санъат билан боғлиқлиги.
2. Ўрта асрлар Шарқ мутафаккирларининг эстетик қарашлари.
3. Темур ва темурийлар даври эстетикаси.

#### **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар.**

Дин, диний эътиқод, будда, християнлик, ислом, тасаввуф эстетикаси,

**1-савол баёни:** Дунё динларининг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши мухим рол ўйнайди. Инсониятнинг нисбатан афкор қисми бу даврда тавхидни англаб етди. Натижада жаҳоннинг жуда катта қисмида Осиё, Европа ҳамда Африкада уч дин ҳукмронлик мавқеини эгаллади. Арабистон, Эрон ва Турон минтақаларида ислом, ҳинди-хитой минтақасида буддавийлик, Европада Христианлик динлари дунё динлари сифатида майдонга чиқди.

Маълумки, ҳар бир диний эътиқод даъватсиз, тарғибот-ташвиқтсиз кенг омма орасига синга олмайди. Фақат муқаддас китоблар ва ибодатхоналар орқалигина қўзланган мақсадга эришиш қийин. Шу боис даъватнинг янада кенгроқ, бошқа маънавий ходисалар кўмагида олиб борилиши табиий зарурат сифатида юзага чиқди. Натижада асосий воситалардан бири сифатида дин санъатни танлади. Зеро, санъат барча ифода шакллари ичida универсаллиги билан ажralиб туради: у бир вақтнинг ўзида ранг-баранглик, мукаммаллик ва илоҳийлик хусусиятларига эга. Демак, дин ва санъат ҳамкорлигига туғилган ижод диний-бадиий асарга айланди.

Диний-бадиий асарда рамз алоҳида ўринга эга. Рамзнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз мазмунига эмас, бутунлай бошқа мазмунни англатадиган шакл, ўз моҳиятини эмас, бутунлай бошқа моҳиятни ифодалайдиган ҳодиса, бошқача айтганда, ботинни ифодаловчи зоҳирдир.

Барча диний-бадиий асарлар муайян қатъий қонунлар асосида яратилади. Қонунлар йиллар ёки асрлар мобайнида ишлаб чиқилган мустаҳкам, яъни қонунлаштирилган тизимга асосланади.

Диний-бадиий қонун меъморчиликда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, йирик масjid томининг ташқи ва ички кўринишига эътибор қилайлик: кираверишдаги пештоқда Куръондан оятлар, бир ёнда мезана минора, томда гумбаз, ҳовлида таҳорат учун ҳовуз, ичкарида фатволар ўқиладиган, ваъз айтиладиган минбар, қибла томонда меҳроб ва ҳ.к.

Маълумки, диний маросимларда фотиҳа ўқилганда, айниқса, ибодат пайтида инсон қалбида фориғланиш, покланиш рўй беради. Инсон кундалик ташвишлар, ғазаб, гина сингари майдаланишдан фориғ бўлади, уларнинг ўрнини илоҳий орзулар, эзгу амаллар қилиш фикри эгаллади. Диний-бадиий асарни эстетик идрок этиш жараёнида ҳам ҳудди шундай ҳолат рўй беради. Лекин бу фориғланиш диний-бадиий асарни таъсири ҳатто бир неча кунга чўзилиши мумкин. Диний фориғланишни қалбда тутиб туриш учун эса ибодат ҳар куни тақрорланади. Бунинг сабаби шундаки, ибодат фақат руҳий ҳолатнинг ўзи, санъат эса, яъни бадиий ёки диний-бадиий асар руҳий ҳолат билан моддийликнинг омухталигига руҳ ва вужуд баҳолигидир. Шу боис у инсонга яқинроқ, зеро, инсон ҳам руҳ ва вужуд бирлигидан ташкил топган.

Шундай қилиб, дунё динлари вужудга келгач, санъат билан ҳамкорлик қила бошлади, санъатдан восита сифатида фойдаланиш боробарида унинг равнақига ўзига хос ҳисса қўшдилар, эстетика тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатди.

#### **Назорат саволлари:**

- 1.1. Дунё динларининг санъат билан боғликлиги нимада?

## 1.2. Диний тарғиботда санъат иштирок этадими?

**2-савол баёни:** Уйғониш даври мутафаккирлари қадимги дунё мумтоз эстетикаси йўналишлари ва ғояларини давом эттирилар. Улар қадимги Юнон файласуфлари ва олимлари асарларини шарҳладилар, танқидий ўргандилар, таржима қилдилар. Арастуни эса «Биринчи муаллим», деб атадилар. Арасту талқинида худо олам ва барча оламий жараёнларнинг мақсади ҳисобланади, у олий тафаккур, тафаккур ҳақидаги тафаккурдир. Айнан мана шунинг учун ҳам Арасту Шарқда «Биринчи муаллим» номини олди, унинг издошлари ўзларини устозларига тақлидан машҳоийнлик (перепатетчилар) деб атадилар.

Шарқда Арастудан сўнг энг улуғ устоз сифатида Абу Наср Форобий (873-950) машҳур бўлди. У Арастудан кейинги «Иккинчи муаллим» деган номни олди.

Форобийнинг қарашларида эзгулик ва гўзаллик маълум маънода айнанлаштирилади, бири иккинчисида яшовчи ҳодисалар сифатида талқин этилади. Шунинг учун унинг асарларида «гўзал хатти-ҳаракатлар», «гўзал қилмишлар» деган ибораларни кўп учратиш мумкин. Гўзалликка етишишни у фалсафа туфайли рўй беради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, ҳар бир нарса-ҳодиса гўзалликка унинг ўз борлигини тўла намоён этиши ва мукаммалликка эришуви билан боғлайди. Форобий инсонда 2 хил гўзалликни фарқлади: ички ва ташқи. У ички гўзалликни юқори қўяди ва бу «бойнинг бойлигини безаб, камбағалнинг қамбағаллигини яширадиган» гўзалликни «одоб» деб атайди. Бундай гўзаллик юксак ахлоқий хатти-ҳаракатлар ва инсоний комилликда ўзини намоён этади. Ташқи гўзалликка келганда, файласуф табиий гўзалликни ҳар қандай безаниш, ясанишлардан юқори қўяди.

Форобий санъатнинг тақлидийлик хусусиятга эгалигини таъкидлайди. Ана шу тақлидийлик идрок этувчида ҳиссиёт ва тасаввур уйғотади. Санъаткор ўз хаёлот кучи, ижодий құдрати билан умумий ғояларни якка қиёфаларда инъикос эттиради. У нутқни турларини мантиқий нұқтаи назардан тадқиқ этар экан, шеърий нутқни-мутлоқ ёлғон, диалектик нутқни рост дейди. Шеърий нутқнинг мутлоқ ёлғон, деб аталиши кишига дастлаб эриш туюлади. Лекин аслида Форобий ҳақ. Масалан, Ойбекнинг мана бу икки сатрини олиб кўрайлик:

Бир ўлқаки, тупроғида олтин гуллайди,  
Бир ўлқаки, қишиларида шивирлар баҳор..

Оддий мантиқ нұқтаи назардан қарасак, Ойбекнинг бу сатрлари ёлғон: олтин – рангли метал, у ҳеч қачон ўсимликка ўхшаб гулламайди, баҳор эса одам эмас, у –фасл, ҳеч қачон шивирлаб гапирмайди. Форобий бу ўринда санъат асари оддий мантиқ илми қонун қоидаларига бўйсунмайдиган ўзига хос мантиққа, бадиий мантиққа эга бўлишини таъкидламоқда. Бошқа бир ўринда, «Шеър санъати» рисоласида у юқоридаги фикрларини давом эттириб, шундай деб ёзади: «..исботда илм, тортишувда иккиланиш, хитобада ишонтириш қанча аҳамиятли бўлса, шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади».

Форобий кўп жилдлик «Мусиқа ҳақидаги катта китоб» асарида мусиқий билимнинг ижро санъати билан боғлиқ бўлган мусиқий амалиётга ва мусиқанинг «соғ ўзини», ижрочиликка боғламаган ҳолда ўрганадиган назарияга ажратади.

Шарқнинг қомусий олими Абу Райҳон Беруний (973-1048) меросида ҳам эстетик муаммолар атрофлича таҳлил қилинади. Беруний ўз даврининг қомусий олими бўлиб, у жуда кўп тилларни билган. Беруний ҳар қандай ҳаёт қийинчиликларига қарамай, инсоннинг буюклигига, унинг ақлига ва улуғворлигига ишонади. У табиий фанлар билан бир қаторда фалсафа, адабиёт, ахлоқ маммолари билан ҳам махсус шуғулланган, турли халқларнинг урф-одатларини чукур ўрганган. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Хиндистон», «Минералогия» каби асарлари комил инсон ақл-заковати, маърифатининг кўзгусидир.

Абу Райҳон Беруний нафосат ҳақидаги қарашларида воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлик манбай ҳамоҳанглик ва уйғунликдир, деб кўрсатади. Беруний,

ҳар қандай ҳаракат ва ундан ҳосил бўладиган натижалар моддага таллуқлидир, унинг ўзи нарсалар воқеа-ҳодисаларни бир-бирига боғлайди ва улар шаклларини ўзгартириб туради. Демак бирламчи модданинг ўзи эса яратувчига муҳтождир, деган фикрни илгари суради. Унинг, эстетик қарашларида нафосатнинг табиий асоси сифатида амал қиладиган ҳамоҳанглик айрим ҳодисаларга ҳам татбиқ этилган бўлиб, гўзаллик табиат ва инсонга хос бўлган камолот, етуклик сифати даражасида баҳоланган.

Яна бир буюк қомусий олим, Ибн Сино (980-1037) Форобий қарашларини давом эттириб, мусиқадан олинадиган лаззат мусиқий уйғунликнинг маконда ёйилишидан, пардаларнинг навбатма-навбат келишидан, деб билади.

Ибн Сино гўзаллик борасида ҳам Форобий изидан боради. Унинг фикрига кўра, жисмоний гўзаллик бевосита қалб гўзаллиги билан белгиланади. Мусиқада гап товушнинг ўзида эмаслигини, балки уни қандай чиқариш муҳим эканини айтади, яъни бизда ёқимли ёки ёқимсиз сезгини товушнинг ўзи эмас, балки уни пайдо қилиш усули уйғотади. Мусиқанинг келиб чиқишини инсон нутқининг бойлиги билан боғлайди: хушомад қилаётганда овоз пасаяди, мағрур сўзлаётганда қатъий жаранглайди ва х.к. Мусиқа инсон кайфиятига тақлиддир, дейди Ибн Сино. Шунингдек, аллома гўзаллик борасида ҳам Форобий изидан боради. Унинг фикрига кўра жисмоний гўзаллик бевосита қалб гўзаллиги билан белгиланади. «Ишқ рисоласи» асарида муҳаббатнинг аслида гўзалликка етишиш «аслида муҳаббат гўзалликни маъқуллашдир», деган фикр билан ифодалайди.

Ўрта асрлар эстетикасида Ибн Синонинг «Шеър санъати» асари ўзига хос ўрин эгаллайди. Унда қомусий аллома Арасту «Поэтика»сини шарҳлар экан, ўзига хос янгиликлар киритади ва шеърнинг кейинчалик машхур бўлиб кетган мана бу қоидасини келтиради: шеър деб образли сўзлардан иборат бўлган ритмли, бир-бирига мувофиқ иборалардан таркиб топган ҳамда ҳижолар бир-бирига teng, вазнлари қайтариладиган, охири товушлари бир-бирига тақлидий фикр натижаси ўлароқ уч хил йўл билан юзага келади. Биринчиси лаҳн-уйғунлик, ундан кейин калом-сўз келади (бунда, албатта, образли сўз назарда тутилади). Учинчиси-вазн. Мана шу уч йўлнинг бир-бирига мос келиши натижасида шеър пайдо бўлади.

Машшоийунлик эстетикасини яна бир намоёндаси шоир ва файласуф Умар Хайёмдир (1048-1123). Машшоийун-мутафаккирлар ичида у алоҳида ажралиб туради. Хайём Форобий, Беруний ва Ибн Сино изидан бориб, фалсафа, мантик, астрономия ва бошқа фан соҳаларига доир йирик асарлар яратди. Унинг эстетик қарашлари кўпроқ рубоийлари ва «Наврўзнома» асаридан жой олган. Хайём қарашлари бир томондан тоносух ул-арвоҳ (руҳларнинг кўчуб ўтиши) йўналиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан чань буддавийлик эстетикасига яқин.

Ана шу жиҳатлардан келиб чиқсан ҳолда Хайём гўзалликка реал, ҳаётий-инсоний ёндашувни маъқул кўради. Гўзаллик бу, аввало, табиатда, гулларда, лолаларда, баҳорда. Лекин ўткинчи. Шу гўзалликдан лаззатланиш учун жуда қиска вақт берилган: гўзаллик умри билан инсон умри шу жиҳатдан ўхшаш. Буни Хайём бир рубоийсида шундай ифодалайди:

Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,  
Гул юзидан булбул бўлмиш тарабнок,  
Гул тагида ўтири, чунки жуда тез  
Гул ерга тўкилур, биз бўлurmиз хок.

Хайём табиат гўзалигини идрок этиш учун албатта, муайян имкон ва шарт-шароит зарурлигини: фақат улар мавжуд бўлгандагина инсон ўзи учун шу заминда ҳам жаннатий гўзаллик лаззатни туюши мумкинлигини таъкидлайди:

Кўнглим очилмайди баҳор палласи,  
Бўлмаса май маъшуқ, машшоқ ялласи.  
Боф ичра май, машшоқ, маъшуқанг бўлса,

Жаннат ҳам кавсар ҳам шудир хулласи.

Хайём «Наврўзнома» рисоласида барча гўзалликларни инсон билан бевосита ёки билвосита боғлиқ ҳолда олиб қарайди. Жумладан, нарсалар гўзаллиги ҳам инсон билан боғлиқ. Масалан, олтин нима учун гўзал? У қимматбаҳо рангли металлиги учун эмас, балки инсонга безак бўлгани, инсон ташки аъзоларини гўзаллаштиришга хизмат қилгани сабабли гўзалдир. У хулқий гўзаллик ҳақида фикр юритар экан, ташки ва ички гўзаллик уйғунлиги масаласига алоҳида урғу беради, барча машҳоиййун файласуфлар каби гўзаллик билан эзгуликнинг яхлит намоён бўлиши тўғрисида гўзалликни гўзал юз билан боғлаб талқин этади.

Уйғониш даври тасаввуф фалсафаси асосчиси файласуф-илоҳиётчи Имом Фаззолийдир(1058-1111). Унинг «Ихё улум ад дин» («Дин ҳақидаги илмларни тирилтириш») асарида эстетикага кенг ўрин берилган.

Фаззолий эстетика борасидаги қарашларида ўсимлик, ҳайвон ҳамда инсоннинг ташки муҳитга муносабатига, улардаги нафис дид, эстетика ҳиссининг бор йўқлиги муаммоларига, шахснинг гўзалликка муносабати, унинг комил инсонга айланиши, нисбий ва мутлоқ гўзаллик, ибодат билан санъатнинг фарқи сингари масалаларга тўхталиб ўтади.

«Ихё улум ад дин» асарида муаллиф гўзаллик тушунчасига алоҳида тўхталади, манфаатсиз гўзаллик, олтинчи сезги воситасида ҳис этиладиган гўзаллик ҳақида ўзига хос назарияларни ўртага ташлайди. Буларнинг ҳаммаси муҳаббат тушунчasi билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилади. Фаззолий муҳаббатни беш турга бўлади. Унинг дастлабки уч тури асосан ахлоқшуносликка, сўнги икки тури эстетикага тааллуқлидир.

Фаззолий зоҳирий ва ботиний гўзаллик хусусида фикр юритар экан, туғма эстетик туйғунинг мавжудлиги ҳақидагиояни ҳайвонларнинг ҳам эстетик туйғуга эгалиги билан исботлашга интилади. Гўзалликни идрок этиш туйғусининг туғмалиги, табийлиги ва уни англаб этиш орқали ҳис қилиш борасида ҳозир ҳам баҳсли қарашларнинг мавжудлиги Фаззолий ўртага ташлаган эстетика муаммолари ҳануз долзарб эканини тасдиқлайди.

### **Назорат саволлари:**

- 2.1. Шарқ мутафаккирлардан қайси бири гўзалликни асосини табиатда деб билади?
- 2.2. Шарқ файласуфлари эстетик қарашларининг ўзига хос жиҳатларини айтинг?

**З-савол баёни:** XIII асрга келиб, Шарқ минтақаси ҳамма соҳада юксакликка эришган эди. Афсуски, мўғул босқини Туркистон, Рум, Хурсон сингари гуллаб-яшнаб турган ўлкаларни вайрон қилди. Илм-фан, маданият таназзулга юз бурди, шаҳарлар ер юзидан изсиз йўқолди. Фақат тарих сахнасига Амир Темур чиққанидан кейингина уйғониш бошланди. Темур юритган оқилона сиёsat бутун минтақада маънавий юксалишга олиб келди. Шу боис Темур ва темурийлар даври илм-фан ва санъатнинг олтин даври ҳисобланади. Бу давр эстетикасида буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўрни ўзига хос.

Навоий гўзаллик масаласига тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашади - олий гўзалликни Оллоҳда кўради, шу боис гўзалликни у ҳақиқат билан айнанлаштиради: Оллоҳ - ҳақиқат қуёши, шунинг учун у гўзалдир. Ҳар бир инсон учун Оллоҳни таниш-машриқдан чиққан қуёш гўзаллигини англаш деган гап: унинг нуридан ҳақ йўли жилваланади. Ана шу жилвагарлик инсоннинг умр йўлини гўзаллаштиради, ҳақиқат ёғдусига кўмади:

Токи ул майдин кўнгил жомида бўлғач жилвагар

Чехраи мақсуди мавҳ ўлғай ҳам ул дам маодо.

Демак, чехра, гўзаллик кўнгил қадаҳида жилваланганида бошқа барча нарсалар кўнгилдан чекинади. Илоҳий гўзаллик лаззати биринчи ўринга чиқади. Лекин Навоийда илоҳий гўзаллик инсоний гўзалликни инкор этмайди, аксинча улар орасида уйғунлик вужудга келади: инсоний гўзаллик илоҳий гўзаллик билан бойийди. Илоҳий-мутлоқ гўзаллик табиатда инъикос этади. Табиатдаги ранглар-мутлоқ гўзалликнинг тажаллиси-жилваланиши. Шу боис ёр гўзаллиги Навоий шеърларида табиат ранглари билан муқояса қилинади.

Алишер Навоий ғазалларида ранг эстетикаси катта ўрин эгаллаганлигини улардаги гул образида ҳам кўриш мумкин. Унинг асарларида гул табиат гўзаллиги, замин гўзаллиги, инсон тақлид қилиши лозим бўлган гўзаллик сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, Навоий асарларида гўзаллик бир томондан ҳақиқат, иккинчи томондан эзгулик билан айнанлаштирилади, гоҳида эса улар билан ёнма-ён келади: уларда гўзаллик, ҳақиқат ва эзгулик муқаддас учлик тарзида намоён бўлади: илоҳийлик инсонийлик билан омухталашиб кетади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Илоҳий гўзаллик деганда нимани тунасиз?
2. Темурийлар даврида ижод қилган файласуфларнинг диққат марказида асосан қайси мавзу турган?

#### **Адабиётлар:**

1. История эстетической мысли в 3-х томах. Т.1, Москва, «Искусство», 1985 г.
4. Умаров Э. «Эстетика», - Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
5. Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Айходжаева Г. «Эстетика асослари» ўқув қўлланма. -Т.: «Ўзбеккомцентр», 2002.

## **4-мавзу: Ўрта асрлар ва янги замон эстетикаси.**

### **Асосий саволлар.**

1. Янги замон немис мумтоз эстетикаси.
2. Европада норационал ва диний идеалистик эстетика.
3. Туркистон маърифатчи жадидлари эстетикаси.

### **Мавзуга оида таянч тушунча ва иборалар:**

Гўзаллик, улуғворлик, фожеавийлик, кулгилилик, мусиқа, бадиий адабиёт, театр, меъморчилик, ҳайкалторошлиқ, ғоя, ихтиёр.

**1-савол баёни:** Инсоният тафаккур тарихида немис мумтоз фалсафаси ниҳоятда юксак даражага эга эканлиги билан ажралиб туради. Лекин бу даражага етгунча Европа фалсафа ва эстетика илми узоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Ўрта асрларда черков ҳукмронлиги тафаккур эркинлигини бўғиб ташлади, натижада Европа зулмат уйкусида қолди. Ниҳоят, ислом таъсири орқали XI-XIII асрларда мусулмон олами эришган маънавий юксаклик, араб ва сурёний тилларига таржима қилинган қадимги Юнон мутафаккирларининг асарлари Европага кириб келди.

Шундай қилиб, мусулмон олами илмий тафаккури таъсирида Европа уйғониш даври бошланди. Италиялик ва Испаниялик инсонпарварлар зимдан черков билан олишдилар ва инсонни илоҳий мавжудот сифатида юксакка кўтардилар. Ундан кейинги мумтозчилик (классицизим) ва маърифатпарварлик даврларида Европа ўз «устози» Шарқни анча ортда қолдириб кетди.

Немис мумтоз эстетикаси ибтидосида буюк файласуф И.Кант (1724-1804) туради. У «Гўзаллик ва улуғворлик туйғулари устидан кузатишлар», «Соф ақлнинг танқиди», «Муҳокама қобилиятининг танқиди», асарларида эстетика муаммоларига махсус тўхталади.

Кантнинг фикрига кўра эстетик ҳиссиёт манфаатсиз, бегараз, нарса-ходисага бевосита маҳкумликка бориб тақалади. Мафтунликнинг, муҳаббатнинг обьекти эса шаклдан бошқа нарса эмас. Хуллас, гўзаллик манфаатсиз мафтунликнинг, муҳаббатнинг обьекти. Гўзаллик билан бир қаторда Кант улуғворликни ҳам диққат билан тадқиқ этади. Унинг фикрига кўра гўзалликдан олинадиган лаззат - сифат, улуғворликдан олинадиган лаззат - миқдорнинг намоён бўлиши билан боғлиқ. Улуғворликни мутафаккир иккига ажратади: математик ва динамик улуғворлик. Математик улуғворлик экстенсив миқдорни - макон ва замондаги кўламли миқдорни, иккинчиси куч ва қудрат миқдорини ўз ичига олади. Биринчи хил улуғворликка юлдузли осмонни, океани, иккинчисига-ёнғин, сув тошқини, зил-зила, момокалдирокни ўз ичига олади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам улуғворлик бизнинг ҳиссий тасаввуримиздан устун келади.

Кант санъатни хунардан ажратиб қарайди: биринчisi эркин, кейингиси пул топишга қаратилган ёлланма санъат. Нимаики тушунчага асосланган бўлса, уни ўрганиш мумкин, лекин илҳомни ўқиб, ўрганиб бўлмайди, дейди файласуф. У дид муҳокамасининг умумийлиги ва зарурлигини такидлайди; буни у барча учун умумий бўлган ҳиссиётларнинг мавжудлиги билан асослайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Кант дидни эстетик ғоя тушунчаси билан боғлади. Эстетик ғояни эса тасаввурнинг тушунтириб бўлмайдиган намоён бўлишидир деб таърифлайди.

Бу даврнинг забардаст ўзига хос нафосатшуносларидан бири буюк немис файласуфи Фридрих Шиллердир (1759-1805).

Шиллер жамиятни ўзгартиришни истайди, лекин у инқилобий ўзгаришларга қарши чиқади. Шиллернинг наздида инқилоб, аввало, ахлоқсизлик, у асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий тамойилларни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди; қолаверса, у нафосатга қарши - инсон табиати уйғунлигини бузади, нарса мавжудлиги табиий тартибининг муқаддаслигини ва гўзалигини парчалаб юборади. Шу боис жамиятни қайта қуришдан аввал инсонни қайта

қурмоқ лозим. Буни эса шахснинг уйғун ривожланиши, гўзаллик воситасидаги тарбия орқали амалга ошириш мумкин. Юқорида айтганимиздек, Шиллер инқилобий йўлни қатъий инкор этган ҳолда «эстетика тарбияси» тушунчасини киритади; **эркинликка йўл фақат гўзаллик орқали ўтади**, деган фикрни илгари суради.

Шиллер шакл ва мазмун масаласини ўзига хос талқин этади. Ҳиссий гўзаллик маънавийликка, маънавийлик эса-моддийликка олиб боради. Гўзаллик зўриққан инсонда уйғунликни тиклайди, бўшашган одамда эса фаоллик уйғотади. Гўзаллик инсоннинг оқиллашуви йўлидаги зарурий шартдир. Фаолиятнинг барча бошқа турлари инсоннинг алоҳида-алоҳида кучларини ривожлантиради, фақатгина гўзаллик уни бир бутун яхлитлик сифатида шакллантиради.

Умуман олганда, Шиллернинг кўпгина ғоялари кейинчалик Европа эстетикасида дастуриламал қилиб олинди, янги-янги кашфиётларнинг ибтидосига айланди.

Немис мумтоз эстетикасида энг эътиборли ўринни Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) эгаллади. Эстетика борасида унинг «Эстетика», деб номланган кўп жилдлик маърузалари машхур. Гегель ўз фалсафий тизимини мутлоқ ғоя асосида қуради; унинг учун барча мавжудликнинг асосида қандайдир қиёфасиз, носубъектив руҳий ибтидо ётади - ана ўша мутлоқ ғоя. Мутлоқ ғоя табиат, ижтимоий ҳаёт ва унинг барча кўринишлари моҳиятини ташкил этади. Эстетика ҳам муайян тараққиёт босқичидаги ғоянинг ўзи. Мутлоқ ғоя то табиатга кириб боргунга қадар соф мантикий шаклда ривожланади. Сўнг у ўзининг табиат сари бегоналаштиради, кейин яна ўзига, руҳий оламига қайтади. Бироқ бу бу қайтиш шу лаҳзагача бўлган барча тараққиёт ҳодисалари билан бойиш воситасида рўй беради.

Гегельнинг фикрига кўра санъатнинг ибтидоси-меъморчилик; у рамзий шакл сирасига киради, зеро унда ҳис этилувчи материал ғоядан устун туради, шакл ва мазмун мувофиқлиги йўқ. Бунда меъмор фойдаланадиган ноорганик материал маънавий мазмун учун бир шиор холос. Ҳайкалтарошлиқда, нисбатан санъатнинг юксак тури сифатида, инсон вужудидаги эркин маънавийлик ўз аксини топади. Бунда ғоя руҳга муносаб ифода билан сингишиб кетади, ҳис этилувчи қиёфа ва ғоянинг тўлиқ уйғунлиги кузатилади. Ҳайкалтарошлиқ санъатнинг мумтоз шакли бўлиб, унга нисбатан яқин санъат шакли рангтасвирдир. Ундаги восита моддий субстрат эмас, балки рангин юза, жилонинг жонли товланиши. Рангтасвир моддий жисмнинг ҳис этиладиган макондаги тўлалигидан қутилади, зеро у биргина яссилик билан ўлчанади. Макондан тўлиқ қутилиш мусиқада рўй беради. Унинг материали товуш, товушли жисмнинг тебраниши. Материал бу ерда маконий эмас, замоний идеалистик тарзida намоён бўлади. Мусиқа ҳиссий мушоҳада чегарасидан чиқиб, фақатгина ички кечинмалар доирасини қамраб олади.

Умуман, немис мумтоз эстетикаси инсоният тафаккуридаги муҳим тараққиёт босқичи сифатида катта аҳамитга эга.

#### **Назорат саволлари:**

1. Кант эстетикасининг асосий тамоиллари нималарда кўринади?
2. Шиллер эстетикаси ҳақида нималар биласиз?
3. Гегель гўзаллик масаласини моҳиятини қандай ёритади?

**2-савол баёни:** Немис мумтоз эстетикасида рационаллик ўзининг юксак чўққисига кўтарилиган бўлса, у билан ёнма-ён ва кейинроқ вужудга келган баъзи фалсафий таълимотлар норационаллик йўналишининг дастлабки йирик намояндаларидан бири буюк немис файласуфи Артур Шопенгауэрдир (1788-1860).

Шопенгауэрнинг эстетик қарашлари, асосан, «Оlam ихтиёр ва тасаввур сифатида» деб номланган йирик асарида баён этилган. Файласуф санъат билан фанни бир-бирига солишиштирас экан, санъатни нарсаларни асосланиш қонунидан мустақил тарзда «мушоҳада қилиш тури» деб атайди. Эстетик мушоҳада обьекти алоҳида нарса эмас, балки асосланиш қонуни ҳаракати остидан олинган ғоя. Уни ақл билан эмас, интуиция ёрдамида пайқаш мумкин. Санъатнинг фандан устунлиги ҳам ана шунда.

Шопенгауэр фалсафани фандан ажратади ва санъатга яқинлаштиради. Фан тушунчалар билан иш кўради, фалсафа эса, санъат каби ғоялар доирасига кириб боради. Фалсафа кўзга кўриниб турган ҳиссий образлардан юксакка кўтарилиган ҳолда ғояни уларда гавдалантирмасдан, аксинча, улар моҳиятини суғуриб олиш билан санъатга нисбатан устунликка эга. «Фалсафанинг, -дейди Шопенгауэр, -санъатга муносабати винонинг узумга бўлган муносабатидек гап».

Шопенгауэрнинг шогирди Фридрих Нитцшенинг (1844-1900) қарашлари ҳам ниҳоятда ўзига хос. У эстетикага доир асарларида, жумладан, «Фожеанинг уруғланиши» рисоласида Сукротдан то Шопеэнгауэргача бўлган эстетикани қайта баҳолаб чиқади; тарихда ҳақиқат ва гўзаллик ўзаро ҳамкорликда иш кўрган. Нитцше романтиклар ўртага ташлаган «гўзаллик худонинг ҳақиқати» деган фикрни рад этиб, гўзалликни Худо-санъаткор томонидан яратилган иллюзия- гул хаёл деб атади. Ҳақиқат билан гўзаллик, унинг наздида, тенглаштирилиб ва сиқишириб бўлмайдиган бир-бирига зид тушунчалар.

Санъат, Нитцшенинг фикрига кўра, инсон учун икки хил маънода овутиш манбай бўлиб хизмат қиласди. Биринчидан, унда барча мавжудотларнинг метафизик бирлиги, коинот асосининг мангу бирлиги акс этади; иккинчидан, ўз изтиробларида дикқатини тортиб, ҳаётни севишга ундейдиган гўзал қиёфалар дунёсини яратади. Санъат асаридаги алоҳида индивиднинг изтиробу қувончларида, фикрий ва ҳиссий ҳаракатларида типик ҳолатни, мазкур индивид ва унга қавмдош бўлган барча индивидлар учун умумий бўлган ҳаётнинг мангу ифодасини кўриш мумкин. Қайсиdir бир фожеа қаҳрамонининг, масалан, Гамлетнинг изтиробу, қувончлари, Гамлетдан кейин ҳам яшаб қолади, чунки уларда оламий ҳаёт барча одамларда, бир-бирини алмаштираётган авлодларда яшаётган нимадир мавжуд. Биз эстетик мушоҳада пайтида бегона ҳаяжонни, бегона изтироб ва қувончни худди ўзимизнидек қабул қиласиз; биз қайсиdir бир роман ёки фожеа қаҳрамонига ҳамдардлик ҳиссини туямиз, чунки бизда ҳам, унда ҳам, ҳар бир индивида рўй берадиган изтироб ва қувончни, ўша-ўша бир хил моҳиятни, оламий ҳаётнинг ягона манбанин кўрамиз. Фожеа бизга берадиган лаззатнинг сири ана шунда. Фожеа қаҳрамонининг ўлими билан тугайди: лекин, шунга қарамай, биз ундан кўниши ва юпанчнинг қувончли ҳиссини туямиз.

Умуман олганда, Нитцше гўзалликни тушунтириш учун санъатдан кенг фойдаланади.

Бу даврга келиб, Россияда ҳам фалсафий тафаккур юксак даражага кўтарилиди, рус санъати ҳам мислсиз тараққиётга етишиди. Шу боис XIX аср охири ва XX аср бошларида рус тафаккурини том маънода мумтоз, деб аташ мумкин. Ана шу мумтоз тафаккурнинг етакчи вакилларидан бири Нитцшенинг замондоши шоир, илоҳиётчи, файласуф Владимир Сергеевич Соловьевдир (1853-1900).

Соловьев гўзалликни ўзининг зиддидан, яъни хунуклиқдан (гўзал инсоний вужуд хунук эмбриондан вужудга келганидек), бир-бирига қарама-қарши икки ибтидо - модда ва нурнинг ўзаро бириктирувидан туғилади, деб ҳисоблайди. Қаердаги модда нурафшон бўлса, ўша ерда гўзаллик ҳодисасини учратиш мумкин. Модда ва нурнинг узвий омухталиги ҳаёт, дейди Соловьев. Шу боис қаерда ҳаётнинг ички тўлақонлигига эришилса, унинг ҳодисалари «жонли кучлар таассуротини» қолдирса, табиат ўша ерда ўзининг бор гўзаллигига эришади. Нур ва ҳаёт табиатдаги эстетик мазмунни баҳолашнинг икки асосий мезони.

Рус мутафаккири табиий гўзалликни унинг ноорганик дунёдан органик дунёга, ундан инсонга қараб тараққий этиб боришида кўради. Ноорганик дунёда гўзаллик икки турда мавжуд бўлади; зиёй гўзаллик (юлдузли осмон, камалак, олмос) ва ҳаётни олдиндан англатувчи ҳодисалар аураси-уфуриши (шилдираган ирмок, шаршара) сифатидаги гўзаллик. Набодот дунёсидаги эстетик маконда ҳайратда қолдирадиган безакдорликка гўзаллик етакчилик қиласди. Бундай гўзалликнинг олий ифодаси гуллардир. Ҳайвонот дунёсида гўзаллик нақш ва мусиқий шаклларда намоён бўлади. Табиий гўзаллик ўзининг олий ифодасини инсонда топади; у табиат дунёсидаги эстетика идеалининг энг мужкаммал кўриниши; онг ато этган инсон табиат воқелигини ижодий ўзлаштиришга қодир. Бироқ Соловёвнинг фикрича, сўнги пайтларда табиат ва инсон орасида қарама-қаршилик чуқурлашиб бормоқда; инсон табиатга, қандайдир қиёфасиз бир нарсага қарагандай

муносабатда бўлмоқда. Шу боис файласуф экологик муаммони ахлоқий жиҳатдан ҳал этишнинг ягона усулини гўзалликда кўради. Бу ўринда санъат асосий тарбиячи ролини ўтайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Нитцше эстетикасининг ўзига хослиги нимада?
2. В.Соловьев эстетикасини қандай тушунасиз?

**3-савол баёни:** XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда ўйғониш рўй берди. Нисбатан қисқа вақтни ўз ичига олган бўлса-да, бу уйғониш ҳаётнинг барча соҳаларида акс этди. Унинг ибтидосида маърифатчилар турар эди. Бу маърифатчиларнинг бир қисми кейинчалик жадидлар, деб атала бошлади. Уларнинг асосий мақсади Туркистоннинг миллый озодлигига эришиши эди. Эришишнинг йўлини эса улар халқни маърифатли, ўз инсонийлик ҳуқуқини талаб ва ҳимоя қила оладиган даражада кўтаришда, деб билдилар. Бунинг учун эса, улар наздида уч йўналиш мухим эди: маориф, санъат ва матбуот. Шу нуқтаи назардан маърифатчи жадидларнинг санъатга, айниқса, унинг ўша даврда энг қамровли бўлган турлари адабиёт ва театрга алоҳида эътибор берганлари табиийдир. Зеро, маърифатчи-жадид мутафаккирлар эстетик тарбия орқали миллат озодликка эришади, деб ҳисоблар эдилар. Шу боис жадидчиликни маълум маънода ижтимоий-эстетик ҳаракат, деб ҳам айтиш мумкин.

Бу ҳаракат ибтидосида турганлардан бири ўзбек шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркатдир (1958-1909). Агар шоирнинг ғазаллари, мухаммаслари лирик табиатга эга бўлиб, улarda ёр гўзаллиги мадҳ этилса, маснавийларида ижтимоий муаммолар ўртага ташланади. Маснавийларнинг бир қисми («Илм хосияти», «Виставка хусусида», «Гимназия») маърифатни тарғиб қилишга бағишлиланган. «Тошкент шаҳрида бўлғон базм хусусида», «Суворов ҳакида», деб аталган маснавийлар эса маълум маънода эстетикага тааллуқли.

Фурқат «Тошкент шаҳрида бўлғон базм хусусида» маснавийсидаги «тақризчилик» доирасидан чиқиб кетади, хонандалар, созандалар, концерт зали, унга кириш қоидаларини тасвирлашдан воз кечади, асосий эътиборни мусиқадан ва ундан олинадиган эстетик лаззат ҳакида фикр юритади. Шоир миллый мусиқа асбобларимизнинг бальзиларини санаб ўтиб, агар расмона мусиқа таълими йўлга қўйилса, улар Европа мусиқа асбобларидан қолишмайдиган уйғунлик билан жаранглашларини таъкидлайди.

Фурқат мусиқа санъатининг таъсирини сўз билан ифодалашга ҳаракат қиласи, мусиқий оҳанг ўзида мужассам этган мазмунни тавирлашга уринади; мусиқани оҳанг воситасида табиат гўзаллигини тасвирлагувчи санъат тури сифатида талқин этади. Мусиқани идрок этиш Фурқат наздида кўнгил холини, қалбнинг энг тубида ётган яширин ҳисларни англаш билан баробар, зеро мусиқа – сўз орқали ифодалаб бўлмайдиган, қошида сўз ожизлик қиласидиган тўйғуларни инсондан инсонга етказиш санъатидир.

Фурқат ижодида бадиий ижод ва эстетик идрок этиш, эстетик онгни юксалтириш, умуман, бадиият муаммолари ўртага ташланган бўлса, Анбар отин (1870-1915) ижодида санъатнинг ижтимоийлик моҳияти биринчи ўринга чиқади. Яъни, Фурқатдаги ибтидо Анбар отинда марказга, марказий масалага айланади. Анбар отин бадиий ижодга мумтозчилик эмас, жадидчилик нуқтаи назаридан ёндошади: бадиий асар халқка уни миллый озодликка олиб чиқишига хизмат қилиши керак.

Анбар отин «Қаролар фалсафаси» рисоласида шоирлик истеъодидига, шоирлар тоифаларига алоҳида тўхталади. Шоира устоз шоирларни юзаки талқин этишга, уларга ижодини ёр куйидаги оҳ-воҳлардан иборат, деб қарашга кескин қарши чиқади.

Анбар отин бадиий ижод аҳлида алоҳида, ўзига хос нигоҳ борлигини, улар бошқалар кўрмаган нарсаларни кўра билишларини таъкидлайди. Ана шу нигоҳ, истеъодни шоира «кўз» деб атайди.

«Махфий эмаски, -деб ёзади Анбар Отин- ҳар шоирда ўткир ботиндаги, яъни ҳаёт ичидаги сирларни кўрадиган кўз бўлур. Ўшал ўткир кўз билан бошқалар кўрмаган сирларни мушоҳада қилиб, одоб ҳариррида буркаб, арзи маънисини нафис иборалар билан тараннум

этар. Шундоқ шоирни шоир деса модомики, шоир шундоқ фалсафий мушоҳада эгаси экан, анинг барча фикри тақрорий йўл билан таълим олишга сазовордир».

Кўриниб турибдики, Анбар отин шоирона нигоҳ билан илғаб олинган воқеликни «адаб ҳаририға бурқаб», «нафис иборалар билан», яъни юксак бадиият, образли оғода ва равон тил-гўзal шакл воситасида ўқувчига етказишни талаб этмоқда. Айни пайтда рисола муаллифи тушкунлик руҳидаги шеърларни ва таркидунёчиликни тарғиб этувчи асарларни ҳамда уларнинг ижодкорларини қаттиқ танқид остига олади. У бундай асарлар жамият учун зарарли деб ҳисоблади.

Агар биз Фурқат ва Анбар Отин ижодини, маърифатчи-жадидчилар эстетикасининг дастлабки босқичи десак, унинг юксак поғонасини Беҳбудий, Фитрат, Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари улкан ижодкорлар қарашларида кўришимиз мумкин. Улар орасида, айниқса, Фитрат (1886-1938) билан Чўлпоннинг (1898-1938) эстетик қарашлари алоҳида диққатга сазовор. Зеро, бу қарашлар маълум маънода санъат фалсафаси сифатида муайян назарий асосларга қурилган.

Чўлпоннинг гўзаллик ҳақидаги тушунчаси ўзига хос, асосан, у шоир шеърларида «гўзал» сўзи орқали акс этади. Ўз фикрини шўролар цезурасидан яшириб ифодалаш мақсадида шоир «гўзал» сўзига турли хил маънолар юклайди: у, бир томондан, қўл етмас гўзал ёр, иккинчи томондан сурурӣ (романтик) гўзаллик. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам тагмаъно тутқунликка маҳкум гўзалликни, гўзал Туркистонни ўзида мажассам этади. Чўлпоннинг машҳур «Гўзал» шеърида Ватан гўзаллиги билан унга ошиқ фарзанднинг ички гўзаллиги омухталалиб кетади:

Шеърда Чўлпон яратган шаклий гўзаллик мазмунидаги мунгли гўзаллик билан уйғуналашиб кетган.

Чўлпон Фитратга ўхшаб, эстетикага ёҳуд муайян санъат турлари назариясига доир маҳсус рисолалар ёзган эмас. Лекин унинг бир қатор мақолалари борки, уларда бадиий адабиёт, театр санъати, актёр маҳорати муаммолари кўтарилган.

Шу жиҳатдан Абдурауф Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» рисоласи эътиборга молик.

Авволо шуни айтиш керакки, «Адабиёт қоидалари»да муаллиф адабиёт назарийтчиси сифатида бадиий адабиётни алоҳида, муҳтор, «кагта санъат» сифатида олиб қарамайди. Фитрат наздида у ҳам санъат тури, бошқа санъат турлари билан узвий алоқадорликда иш кўради. Шу боис жуда кўп ўринларда «Адабиёт қоидалари»-мисоллари бадиий адабиётдан келтирилган эстетика назариясига айланиб кетади.

Фитрат бадиий адабиёт нима эканини англатиш, назарий, амалий таърифлаш учун, энг аввало, «санъат» ва «гўзал санъатлар» ибораларини тушуниб олиш лозимлигини айтади. У санъатнинг икки хил-манфаатли ва манфаатсиз, яъни хунар санъат ҳамда соф санъат бўлишини бўлишини танбурсоз уста билан «Ироқ» куйини чалган танбурчи мисолида жонли тушунтириб беради; танбурнинг яхшилиги - ишга яраганлиги, фойда келтиргани. «Ироқ куйининг яхшилиги эса кишига маънавий таъсир этмак. Шунинг учун бунинг яхшилигига, яхшилиғ эмас гўзаллик дейдилар. Бундай санъатларга «гўзал санъатлар» дейиладир».

Фитрат бу билан бевосита бўлмасада, билвосита гўзалликнинг манфаатсизлик хусусиятини ҳам таъкидлаётгани кўриниб турибди. Айни пайтда у гўзаллик яратишга қаратилган санъатларнинг муайян маданий даражага кўтарилган халқларда мавжуд бўлишини ва унинг асосий вазифасини идрок этувчини бир томондан, овунтириш, иккинчи томондан, тарбиялаш эканини айтиб ўтади: «Миёси юксалмаган болалар, санъатдан хабарсиз кишилар шодлиқли, қайғули туйғуларини сакраб, ўйнаб, кулиб, ийғлаб, талпиниб жонлантирадилар, очиққа чиқариб бошқаларга онглатадиларда, шу йўл билан овунтирилган бўладилар, санъат эгалари эса турли товар (материал) лар ёрдами билан ўзларининг туйғуларини жонлантириб майдонга чиқадилар. Шу йўлда бошқаларни ўз туйғулари билан туйғулантиришга тиришадилар».

Фитратнинг «Адабиёт қаидалари» дан ташқари мусиқамиз тарихи ва аруз назариясига бағишенгандан алоҳида-алоҳида рисолалари ҳам борки, улар ҳам эстетика нуқтаи назаридан қимматлидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Туркистон жадид-маърифатчилари қисқа вақт ичida нафис санъат тарғиботини йўлга қўйдилар.

**Назорат саволлари:**

1. Маърифатчи-жадидлар ҳалқни маърифатга етиштиришда энг асосий восита сифатида нимадан фойдаланганлар?
2. Фитрат, Анбар отин ва Чўлпон ижодининг эстетик қарашлари асосан қайси асарларида кенг ёритилган?

**Адабиётлар:**

1. Умаров Э. «Эстетика», -Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
2. Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Айходжаева Г. «Эстетика асослари» ўқув қўлланма. -Т.: «Ўзбеккомцентр», 2002.

## **5-мавзу: Эстетика фанининг асосий категориялари.**

### **Асосий саволлар:**

1. Гўзаллик.
2. Улуғворлик.
1. Фожеавийлик.
2. Кулгулилик.

### **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Гўзаллик, хунуклик, табиат гўзаллиги, инсон гўзаллиги, санъат гўзаллиги, улуғворлик ва тубанлик, табиат улуғворлиги, фожеавийлик, фожеавий тўқнашув, форигланиш, кулгули ҳолат, ҳазил, мутойиба, киноя, изтеҳзо.

**1-савол баёни:** Гўзаллик - эстетиканинг асосий тушунчаси, зеро гўзаллик эстетика оламининг мағзи, бош хоссаси, моҳияти, асосини ташкил қиласи. Шунинг учун бўлса керак, эстетика гўзаллик фалсафаси тарзида ҳам талқин этиб келинади.

Гўзаллик муаммосига мурожаат этган барча мутафаккирлар гўзаллик ҳақида фикр юритиш ва уни тадқиқ қилиш ниҳоят даражада машақкатли масала эканлигини доимо таъкидлайдилар. Мазкур қийинчилик, биринчи навбатда гўзаллик тушунчасининг ҳеч бир умумийлиги бўлмаган турли-туман ҳодисаларнинг кенг доирасига тааллуклилиги билан боғлиқдир.

Гўзал бўлган, яъни бизда ижобий туйғу қўзгатган нарсани кўрсатиб бериш нисбатан анча осон. Лекин нима учун мазкур нарса гўзал эканлигини тушунтириб бериш анча мушкул. Худди шу тарзда гўзаллик муаммосига фалсафий ёндашиш тарихан шаклланган.

Гўзаллик бу воқелик ҳодисаси бўлиб, аниқ ҳиссий таъсир ўтказиш орқали инсонга жисмоний ва маънавий қучлар оқимининг қўпайишига, шодлик, завқланиш, тўла маънавий қоникиш ҳолати вужудга келишига имкон яратади. Гўзаллик доимо фойдалидир. Ва ниҳоят, гўзаллик, Шиллернинг ўринли ибораси билан айтганда, инсон озодлигининг рамзи сифатида ифода топади.

Инсон ҳамма ерда ва ҳар қандай даражада мавжуд табиий ҳамоҳанглик билан тўқнашар экан, у албатта табиатнинг гўзаллигидан завқ-шавқ олади, онгли ёки англамаган ҳолда севинади, маънавий бойлик орттиради.

Санъатдаги гўзаллик ҳаётдаги гўзаллик инъикоси бўлиб, унинг битмас-туганмас манбаи воқеликдир. Гўзаллик яратувчи ижодкорлардан бири айтганидек, ижодкорларнинг бошқа одамлардан фарқи шундаки, у бошқа билиш қобилиятига эгадир.

Санъат ҳаётнинг бекиёс бойлиги ва хилма-хиллиги гўзаллик ва хунукликни, юксаклик ва пасткашлини акс эттириши ҳамда бу вазифани эстетик орзу мавзуида турган ҳолда амалга ошириши лозимдир.

Санъатдаги гўзаллик қўп қиррали, қўп ўлчовли томонларга эга бўлиб, улар орасида эстетик орзу белгиловчи аҳамият касб этади. Санъат гўзал ва хунук ҳодисаларни акс эттириши мумкин. Лекин ўзи ҳамма вақт ҳам гўзалдир, чунки у ўз таркибига ажralиб қисм сифатида эстетик орзу, яъни гўзалликнинг зарурий хоссаларини сингдирган тасаввурни англатади.

Санъат ўзининг барча тараққиёт босқичларида эстетик орзу ўзгарувчанлигини, унинг ижтимоий ва миллий жиҳатлардан боғлиқлигини нозик ва сезгир ифодалаб берган. Санъатда қарор топган эстетик орзунинг асосий мазмунини инсон гўзаллиги ҳақида турли давр одамлари, миллатлар, ижтимоий гурухлар тушунчалари бўйича уни қандай қиёфада кўриш истаклари мавжудлиги тўғрисидаги тасаввурлар ташкил этади.

Кўп асрлар давомида санъат эстетик орзуни рўёбга чиқаришнинг икки асосий йўналишини ишлаб чиқкан. Унинг биринчиси – эстетик орзуни ижобий қаҳрамон тимсолини яратиш орқали рўёбга чиқариш йўли ташкил этади. Ижобий қаҳрамон – ижодкорнинг эстетик орзусининг, у орқали жамиятнинг намоёндасидир.

Илғор орзу–идеалларини уларга қарама-қарши ҳаёт ҳодисаларини тасвирилаш орқали қарор топдиришнинг иккинчи йўли ҳам биринчисидан самарали ва эстетик аҳамиятлидир. Буюк сўз усталаридан бири санъат орзу сидаги одамларни эмас, балки ижодкорларнинг ўзида орзу бўлишини тақозо этади, деб ҳақ гапни айтган эди. Шундай орзу бўлган тақдирда энг мудҳиш, хунук, тубан ҳаёт ҳодисаларини тасвирилаш ҳам санъат асарларининг ижобий эстетик қийматини ташкил этади.

Санъат гўзаллиги унинг ҳаққонийлигидан ажралмаган ҳолда қарор топади. Бадиий ҳақиқатсиз санъатда гўзаллик бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқат ва гўзаллик бирлиги санъат тараққиётининг қонуниятларидан биридир. Мазкур қоидани нозик фаҳмлаб, ифода қилар экан, Шекспир ўзининг сонетларидан бирида «гўзаллик қимматли ҳақиқат билан якунланиб, юз чандон гўзаллик кашф этади», деб ёзган эди. Гўзалликни ҳаёт ҳақиқатидан ажратиб ташлашга ҳар қандай уриниш санъатга ҳалокатли таъсири қилиб, унинг аҳамиятини пасайтиради.

Санъатдаги гўзалликни шакл ва мазмун бирлиги билан боғлаб мушоҳада этиш, камолотга, гўзалликка интилиш кўп жиҳатлардан энг мувофиқ шаклни излаб топиш билан боғлиқ бўлиб, бу шакл яратилиши нарсанинг мазмунига мос келишини тақозо этади. Гўзаллик қонунлари бўйича яратиш мутаносиб шакл излаб топишни ўз ичига олади.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан хулоса ясад щуни айтиш мумкинки, санъатдаги гўзаллик, унинг камолот даражаси кўп томонли мураккаб тизим бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида тасвир объектигининг гўзаллиги, эстетик орзунинг ҳаққонийлиги ва илғорлиги, воқеликни билишнинг ҳақиқий ва чуқур мазмундор эканлиги, бадиий маҳоратнинг юксаклигига намоён бўлади. Мазкур омиллар орасида эстетик орзу ўзининг ҳаққонийлиги, демократиклиги, инсонийлиги билан белгиловчи, системани ташкил этувчи аҳамиятга моликдир.

### **Назорат саволлари:**

- 1.1. Нима учун гўзаллик нафосатнинг асосий мезоний тушунчаси дейилади?
- 1.2. Тасаввуф фалсафасида гўзаллик масаласи қандай ёритилади?

**2-савол баёни:** Улуғворлик – эстетик ва ахлоқий мезонлар билан боғланиб, ниҳоят даражада яққол ва бевосита амал қиласидаги эстетик тушунчани ташкил этади.

Улуғворлик кўлами гўзаллик кўламидаги чексиз ва бениҳоя улуғворлик табиатда, жамиятда, инсон ишларида, унинг фаолият маҳсулотларида жамлангандир.

Улуғворлик категорияси одамлар учун алоҳида аҳамиятли ҳодисалар сирасига киради. Бундай ҳодисалар моҳиятдан шу қадар кенг кўламлики, уларнинг маълум босқичида тўла ўзгартирилиши мумкин бўлмайди, шунинг учун одамларни фаол ҳаракатига ўзларидағи ижодий имкониятларни ишга солишга доимо рағбатлантиради.

Табиатда улуғворлик баланд тоғлар, қудратли шаршаралар, чексиз океанлар, мовий мавж ураётган денгизлар, тубсиз осмон ва ҳакозо тимсолида намоён бўлади. Бу ердаги умумийлик улардаги-кенг кўлам улканлик, буюклиқ, туганмасликдир. Табиатдаги улуғворлик инсонга заифлик эмас, балки табиат билан уйғунликка интилиш хиссини уйғотади.

Улуғворлик ҳисси ўз-ўзидан эстетик мазмунга эга бўлмаган қувонч, ҳайратланиш, эҳтиром, тан бериш туйғуларини ўз ичига қамраб олади. Буларга баъзида қўрқув ҳам киради, лекин у инсонни камситмайди, балки тўсиқларни енгиб ўтишга туртки беради.

Улуғворлик ҳисси умуминсоний, умумий белгилари билан бирга ижтимоий шартлашган, аниқ-тарихий табиатга ҳам мойил бўлади. Улуғворликка, ижтимоий ҳаётга, тарихий тараққиётга алоҳида таъсири ўтказувчи жараёнлар ҳам киритилиши мумкин. Ижтимоий ҳаётда улуғворлик билан қаҳрамонлик, мардлик шу қадар қоришиб кетадики, уларни алоҳида-алоҳида мушоҳада этиш улуғворликнинг асосий мазмунидан маҳрум қилиб қўйиш билан баробар бўлар эди. Қаҳрамонлиқда улуғворликка хос эстетик ва ахлоқий бирлик, айниқса, тўла ва бевосита намоён бўлади.

Бундан 30-40 йил олдин улкан завод, фабрикалар, корхоналарнинг кўкка бўй чўзган трубалари тутунлари ҳаётдаги улуғворлик тарзида инъикос этиларди. Инсонга бўйсундирилган табиат қиёфаси ижтимоий организмга сингдирилар эди. Инсон табиат устидан, шахс-тўда устидан мусобақада илғор учувчи, кончи, сут соғувчи, олим, ишчи-ҳалқ устидан мана шуларнинг ҳамма-ҳаммаси яқин кунлардаги бизнинг улуғворлик орзуимизни ташкил қиласди. Табиат устидан хукмронлик ўрнига у билан ҳамоҳанг бўлиш, оммавий қарор, ялпи розилик ўрнига ижтимоий фаол, ташаббускор, ижодкор шахсни шакллантириш бугунги кундаги улуғворлик орзусининг асосий мазмунини ташкил этади. Улуғворлик ўзининг ҳар томонлама ижодий ифодасини санъатда топади. Унинг барча тур, хил ва кўринишлар учун улуғворлик мавзуи асосий тасвир объектларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Қаҳрамонлик достонлари, лирик достонлар, қаҳрамонлик фожиаси, меъморчилик ва ёдгорлик санъати кўринишлари улуғворликни кашф этиш жараённида вужудга келгандир.

Улуғворлик меъморчилиқда алоҳида аҳамият касб этади. Миср эҳромлари, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидағи меъморчилик обидалари, ўрта аср готик черковлари, рус черков меъморчилигининг энг яхши намуналари мустақил Ўзбекистондаги тарихий обидалар ўзларининг салобати, улуғворлиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

### **Назорат саволлари:**

- 2.1. Улуғворлик нималарда намоён бўлади?
- 2.2. Қайси бадиий асарларда улуғворлик намуналарини кузатгансиз?

**3-савол баёни:** Санъатда улуғворлик, фожеавийлик кўпинча ёнма-ён турари ва намоён бўлади, сирасини айтганда, бу икки эстетик назария ўзига хос диалектик алоқадорлик мавжуд бўлиб, унда умумийлик ва фарқли тамонлари ҳам бордир. Навоий ва Шекспир асарлари бир вақтнинг ўзида ҳам улуғворлик ҳам фожеавийлик руҳи билан суғорилгандир. Самарқанднинг «Регистон» майдонидаги мадрасалар, шубҳасиз, улуғвор бўлишлари билан бирга ҳеч қандай фежеали ҳис қўзғатмайдилар.

Фожеавийлик муаммоси ҳар доим фалсафий ва эстетик тафаккур эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Фожеавийлик табиати тўғрисида барча мутафаккирлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Фожеавийликда воқелик ҳаётнинг энг муҳим, чуқур зиддиятлари ва тўқнашувлари ҳаёт ва ўлим, озодлик ва тафаккурнинг ғалабасидир, гарчанд у қаҳрамонлиги ўлим эвазига эришилган бўлса ҳам буюк сабоқ ва келажак авлодларга васият сифатида идрок қилинади.

Шекспир яратган бадиий қиёфалар фақат кенг кўламли ва аниқ-бутунгина бўлмай, ҳаракатчан ва таъсирчан ҳамдир. Гамлет ҳам шундай, бу ерда чунки зўр бериб абадий саволларга жавоб излаётган тафаккур бевосита амал килаётган хулқ-атвордан кам ҳаракатчан ва кам таъсирчан бўлиши мумкин эмасдир.

Ч.Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романини ҳам фожеа асари дейишимиз мумкин, чунки унинг асосий бадиий оҳанги, ундаги эҳтиросли тўқнашувлар руҳи, улкан ҳиссий таъсир кучи, қаҳрамонларнинг тақдирни жиҳатларидан ўта фожеали руҳдадир. Бу роман фожеада кенг томир ёйган ижтимоий, ахлоқий, экологик муаммолар чуқур қўйган бўлиб, шу туфайли бу асар кутилаётган фожеадан огоҳлантирувчи қудратли бонг овозидай жаранглайди.

Фожеанинг санъати инсониятнинг доимий ҳамрохи, ўлим йўлдоши бўлиши мумкин, деган илмий таҳминлар анчагина, чунки у ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун интилиши, кураши доимо объектив тарихий зарурият билан тўқнашади, инсоният тараққиётининг у ёки бу босқичида унинг муқаррар тарзда имкониятлари тарихий чекланганлиги санъатда фожеали оҳанглар туғилишини битмас-туганмас замин вазифасини ўтайди.

**4-савол баёни:** Инсоннинг дунё-воқеа-ходисалариiga ўзига хос муносабатларидан бири - дунёга кулгули нигоҳ билан қарашдир. Бундай қараш мавжуд воқелик ва унинг беўхшов томонларини тўлдиради.

Барча тадқиқотчилар бир овоздан кулгилилик категориясининг мураккаблиги ва унинг тушунчалар системасини янгилаб, инъикос этиш жуда қийинлигини таъкидлайдилар. Масала шундаки, кулги қўзғайдиган ҳодисаларнинг бениҳоят кўплиги, энг муҳим, кулгилилик кўлами ҳамда чегарасининг ўта ҳаракатчан, кўримсиз, ўзгарувчан бўлиши натижасида нима, қачон, қаерда, қандай шароитда кулги қўзғайди-ю, нима, қачон, қаерда, қандай шароитда кулгини тўхтатади ёки умуман, кулгига олиб келмайди, деган саволга бир мазмунда жавоб топиб бўлмайди. Кулгулиликка нисбатан мавжуд бўлган қарашларнинг хилма-хиллиги табиийки, нафақат нарса ва ҳодиса билан боғланибгина қолмай, балки унинг ижтимоий алоқадорлиги гўзаллик ва кулгулилик тушунчаларининг у ёки бу томон билан боғланганлигидир.

Кулгулилик тушунчаси ҳаётда ўзининг аниқ мағзига эга бўлади, ҳақиқатда ҳам хос бўлган баъзи томонларини очиб беради.

Кулгулилик бошқа эстетик ҳодисалар сингари фақат объектив томонга эга бўлмай, субъектив томонларни ўзида бирлаштиради. Кулгулиникнинг субъектив томони-кенг маънодаги ҳазил (юмор) туйғусидир. Кулгулиникнинг субъектив томони бўлган ҳазил туйғуси шахснинг табиий ва эркин, бевосита идрок этиш натижасида хилма-хил беўхшовликларни кўриб, англаб уларга кулги билан жавоб бериш қобилияти ифодасидир. Ҳазил туйғуси жуда мураккаб эстетик туйғу бўлиб, унда шахс ўзининг бутун борлиғи билан намоён бўлади, унинг ҳис-туйғу ва ақл маданияти, орзу-умидлари ва табиати намойиш этилади.

Кулги ўз табиати жиҳатидан демократик мазмунга эга бўлиб, барча одамларни бирбирига қовуштириб, бараварлаштиради, чунки кулаётган одамлар ўзаро тенглашадилар. Кулги курашнинг омилкор воситасигина бўлиб қолмай, балки инсоннинг куч-қудрати ва озодлиги тимсоли ҳамдир. Кулги бекиёс ранго-ранглик, хилма-хил қирраларга эга бўлиб, майин рағбатлантирувчи, хушфеъл ҳазил туйғусидан тортиб, то аёвсиз аччиқ изтеҳзогача бўлган кенг доирада амал қиласди.

Кулгулилик ўзининг барча хилма-хил кўринишларига бойлиги билан санъатнинг мъеморчиликтан бошқа деярли ҳамма турларида намоён бўлади, лекин ўзининг энг тўла бўлган эстетик ифодасини комедияда топади.

Комедия инкор қилиш, танқид этиш орқали ззгулик, яхшиликни қарор топтиришда хизмат қиласди.

### **Назорат саволлари:**

- 4.1. Ҳазил, масхара ҳамда комедия тушунчаларини қандай тушунасиз?
- 4.2. Қайси санъат турида кулги, умуман, иштирок этмайди?

### **Адабиётлар.**

1. Каримов И.А.-Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, Ўзбекистон –1997 й.
2. Имомов Б. –Трагедия ва характер. Тошкент-1997 й.
3. Умаров Э. –Эстетика. Тошкент, Ўзбекистон-1995 й.
4. Эстетика. Словарь. Москва-1989 й.

## **6-Мавзу: Санъат ва унинг турлари.**

### **Асосий саволлар:**

1. Санъатнинг келиб чиқиши ва унинг эстетик моҳияти.
2. Санъат турлари.
3. Бадиий ижод жараёни.

### **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Тасвирий санъат, театр, телевидение, кино, адабиёт, мазмун ва шакл, бадиий идрок, эстетик идрок, эстетик билиш, бадиий ҳақиқат, бадиий қиёфа, бадиий ижод, бадиий образ, бадиий талқин, қобилият, талант, истеъдод, қоришма (синтез), техника эстетикаси (дизайн), ҳайкалтарошлиқ, фожеа, комедия, драма, роман, қисса, рубоий, ғазал, жанр.

**1-савол баёни:** Санъат кенг маъноли тушунчадир. Зеро, санъат инсон меҳнати, ақл-идроқи, шуури билан яратилган, вужудга келган нарсалардир. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлигининг турини англатади, ҳар бир санъат осарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади.

Санъат, кенг маънода, бадиий қадриятлар, уларни яратиш (бадиий ижод қилиш) ва истеъмол (бадиий идрок этиш) жараёнларини ҳам қамраб олади.

Санъат тарихий тараққиёт жараёнида ҳамиша ижтимоий эҳтиёжларини қондириб келган. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, ранго-ранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маҳсус соҳаси, ҳам ижтимоий онгнинг бир шакли, ҳам ўзига хос билим соҳаси, ҳам ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қиласи. Санъат жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказади, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади, ҳаётнинг турли жабҳаларида одамлар фаолият олиб боришларини рағбатлантиради.

Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп восита, ҳалқалар мавжуд. Ҳар қандай бадиий ходиса - муайян асар, услубий йўналиш бўлсин, улар вужудга келиши ва ривожланишида диний ва ахлоқий муаммоларнинг таъсир кучи сезилиб туради.

Санъат ўз мавзуси доирасида бўлса ҳам фан сингари бекиёс билиш - англаш имкониятларига эга. Лекин санъатнинг бадиий билиш, англаш жарёни ўзига хос хусусиятлар доирасида содир бўлади. Санъат воқеликни бадиий воситалар орқали янада тўлақонли, жозибали англашга ёрдам беради.

Ижтимоий онгнинг ҳар бир муайян шакли воқеликнинг бир томонини акс эттиради. Санъат ижтимоий онг шакли сифатида воқеликни бадиий билиш-англаш жараёнида унинг воқеликни бадиий тасвирли шаклда англаш манбаларидан бири бўлиб, инсон майдонга чиқади.

Инсонни инъикос этиш, билиш-англаш масалалари билан фанни жуда кўп соҳалари шуғулланади, лекин инсон муаммосига санъат ва фан соҳалари турлича ёндошадилар.

Шундай қилиб, санъат нафақат инсоннинг ўзидан, балки унинг идрок этиши мумкин бўлган барча нарсаларни, воқеа-ходисаларни акс эттириб, ҳиссий туйғуни келтириб чиқаради.

### **Назорат саволлари:**

- 1.1. Санъатнинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти нимада?
- 1.2. Санъатни ҳаётни инъикос эттириш ва баҳолаш хусусияти қандай намоён бўлади?

**2-савол баёни:** Бадиий маданият мураккаб тизимдан иборат бўлиб, унда санъат турлари муҳим ўрин тутади. Санъатнинг айrim турларга бўлинib кетганлиги узок давом этган тарихий тараққиёт ҳосиласи бўлиб, қадимда бадиий фаолият соҳалари қарор топди.

Санъат турлари санъатга хос бўлган умумий белгиларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири: адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъатнинг ва шу сингари муҳим кўринишида намоён бўлади. Санъат турларида хусусийнинг умумийга нисбатини кўрамиз.

Санъат турлари бир-бирининг ўрнини босолмайди: уларнинг ҳар бири мустақил, ўзига нодир ва бетакор бўлиб, воқеликнинг бир томонини бевосита акс эттиради.

Санъатнинг ҳозир фазоли, вақтли, фазоли-вақтли кўринишиларга бўлиб ўрганиш таомилга кирган. Фазоли кўринишига тасвирий санъат, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм (графика), амалий санъат ва меъморчилик; вақтли кўринишига бадиий адабиёт ва мусиқа; фазоли-вақтли кўринишига эса театр, кино, телевидение киради.

Ходисаларнинг аниқ туйғули қиёфасини акс эттириш ёки акс эттираслигига қараб тасвири ва тасвирсиз кўринишиларга ҳам эгадир. Тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлиқда ҳаёт манзаралари воқеликнинг ҳис-туйғули қиёфасини яратиш орқали намоён бўлса, адабиёт ва мусиқада ҳаёт манзаралари фикрлар ва туйғулар оқимини умумлаштириш асосида акс эттирилади. Масалан, адабиёт ва моддий жисм (нарса)нинг ҳис-туйғули қиёфаси имконини ҳосил қилмайди, балки, воқелик кечинмалар, ҳис-туйғулар орқали акс эттириб, юксак тасвир даражасига эришади. Адабиёт ва мусиқа, «тили»га бошқа санъат турлари қиёфаларини «кўчириб» ифодалаш мумкин.

Тасвирий санъат тизимига мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм (графика) мансуб бўлиб, уларнинг вужудга келиши инсоният тарихининг энг қадимги давларига бориб тақалади. Ибтидоий давр мусаввирлари ўзларининг манфаат ва эҳтиёжларига мос бўлган тимсоллар яратганлар. Қояларда тасвирланган жониворлар воқелик ҳодисалари, ҳаёт манзарлари ўрнини босарди.

Тасвирий санъат ўзининг эстетик хислатларига ва эстетик мақомига эга бўлиб боргани сари унинг айрим турлари ва жанрлари ажralиб чиқа бошлади. Унинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм каби турлари ва жанрлари секин-аста мустақил тасвир кўламига ва тасвирий ифодавий воситаларига эга бўла бошлади. Тасвирий санъатнинг мусаввирлик, ҳайкалтарошлиқ, чизиқли расм турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, бу боғлиқлик баъзан ошкора, очиқ тарзда амал қиласди.

Тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бири ҳайкалтарошлиқдир. У жонли мавжудотлар, воқеа-ҳодисаларни ҳажмли шаклларда акс эттиради.

Мармартош, ҳарсанг тош, ёғоч, металл ва бошқалар ҳайкалтарошлиқдаги моддий ашёлар бўлиб хизмат қиласди. Қадимги ҳайкалтарошлиқ асарлари нарсалар ранги билан мос бўёқларда бўяларди. Кейинчалик ҳайкалтарошлиқ мустақил санъат тури сифатида рангдан халос бўлди.

Санъат турлари орасида меъморчилик алоҳида ўрин эгаллайди. Меъморчилик инсон яшаш мухитини уюштиришда, унинг ҳаёт фаолиятида улкан ахамият касб этади.

Унда санъат ва бошқа фаолият соҳалари ўртасида чекланганлик йўқ. У икки томонлама бўлиб, ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятга тааллуқлидир.

Меъморчиликнинг бадиий томони амалий томонига бўйсундирилган бўлади. Меъморчилик асарлари воқеликка бевосита таъсир этмайди, балки инсон кечинмаларини акс эттиради.

Мусиқа санъатнинг нафис маънавий турларидан биридир. Мусиқа ҳам воқеа-ҳодисаларни ифодали акс эттиради. Мусиқа кўриш орқали эмас, балки эшитиш воситасида идрок қилинади.

Мусиқа эстетик оламнинг инсонпарвар орзу-умидларини тўғридан-тўғри ва бевосита акс эттиради. У инсондаги энг яхши хислат ва фазилатларни намойиш этишга қодирдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, санъат турлари кенг ва кўп тармоқли бўлиб, инсон ҳаётининг барча жабҳаларини акс эттиради.

### **Назорат саволлари:**

- 2.1. Қандай санъат турлари бор?
- 2.2. Сиз қайси санъат турларини ёқтирасиз ва нима учун?

**3-савол баёни:** Бадий қиёфанинг асосий тавсифи уни ҳаракатга келтирадиган санъаткор ғоя-режасини туғилиши, унинг асар тизимидағи ўрин олиш ва ниҳоят томошабин, ўқувчи, эшитувчи, тингловчи идроки билан боғлиқ жараёнлар тавсифи билан тўлдириши лозим. Мазкур босқичларни ҳар бири муайян вақтда амалга ошади. Бу босқичлар орасида санъаткор ғоя режаси ва унинг сифати кўп жиҳатдан асарнинг истиқбол тақдирини белгилаб беради.

Бадий режа ўзида воқеликнинг ички ва ташқи, якка ва умумий томонларини сингдирган бўлади. Бадий режа-гоя санъаткор миясида аввал бошданоқ мавҳум тушунча тарзида эмас, балки жонли таассуротлар воқеа-ходисалар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. Фикр-муддаони амалга ошириш ғоя-режани ўзиданоқ бошланади.

Бадий ғоя-режа санъаткорни ижодга чорлайдиган ички изчил туртқидир. У ўзининг хомаки чизикларда ва ибораларда вужудга келаётганлигига қарамай, санъаткор ижоди давомида йўналтириб туради. Санъаткорнинг воқелик тўғрисидаги билимлари, тасаввури таъсири остида бадий режа мазмуни ҳам ўзгариб боради. Санъаткорлар ижодий асар хомаки ёзмалари, хомаки расмлар, бастакор мусиқа асарларининг хомаки, қисмлари шундан далолат беради.

Санъаткор ҳис туйғулари ўзи яратаетган қаҳрамонлари қиёфасига кириб, улар ҳаёти билан яшайди, ўзи йиглаб уларни йиглатади, ўзи кулиб уларни кулдиради. Уларни эзгулик ва мардликка ундан, ўзи уларга интилади.

Австриялик таҳлилчи-файласуф Зигмунд Фрейд (Freud, 1956-1939) рухшунослиқда янги бир давр очди ва шу асосда бадий ижоднинг ўзига хос назариясини яратди. Фрейд инсон руҳий ҳаётида уч босқични ажратиб кўрсатади; онг, онг олди ва онг туби ёки онгланмаган, яъни онгга айланмаган ҳолат.

### 3. Фрейд.

- I. Руҳий кучли.
- II. Руҳий кучсиз
- III. Руҳий кучсиз ижодкорга  
хос хусусият.

Бадий тасаввурда режаланган қиёфалар доимо санъаткор эстетик орзусига, унинг гўзаллик ва мукаммаллик ҳақидаги ўй-фикрларига мутаносиб бўлади.

Бадий асарнинг вужудга келиши билан бадий ижод жараёни тугалланади ва бадий қиёфа ҳаётнинг янги босқичи-бадий идрок жараёни бошланади.

Шундан эътиборан бадий қиёфага «жон» киради ва у ҳаракатга келади. Агар у идрок этилмаса, у моддий нарса ҳолатида қолиб кетаверади.

### Назорат саволлари:

- 3.1. Бадий ижод жараёнининг мухим хусусиятлари нимада ифодаланилади?
- 3.2. Бадий қиёфа ва тасаввурни қандай тушуниш мумкин?

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. «Истиқлол ва маънавият». -Т., «Ўзбекистон» 1994 й.
2. Кожинов. В «Санъат турлари». -Т., 1962.
3. Умаров Э. «Эстетика». -Т., «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Эстетика. Словарь. М., Политиздат, 1981.
5. Қўшjonов И. Адабиёт ва эстетика. -Т., 1981

## **ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ:**

### **Асосий адабиётлар**

Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1994. 160-б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 363-б.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 682-б

4. Умаров Э. Эстетика.-Т.:Ўзбекистон, 1995. 245-б.

5. Гулўга А. Принципў эстетики.-М.:потиздат, 1987. 283 с.

6. Эстетика.Словарь.-М.:Политиздат, 1989. 442 с.

7. Мартўков В.Ф. Философия красатў. Минск. 1999. 335 с.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Анбар Отин. Қаролар фалсафаси// Анбар Отин. Шеърлар, рисола. -Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 152-б.

2. Аристотель. Поэтика.- Т.:F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1980. 342-б.

3. Форобий. Фозил шаҳар одамлари.-Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти,1990. 322-б.

4. Хайём. Наврўзнома.-Т.: Мехнат,1990. 280-б.

5. Шер А. Ибрат кўзи. FF Соғлом авлод учун,1996,7-8,9,10-сонлар.

6. Шер А. Тасаввуф, Фаззолий ва гўзаллик фалсафаси. FF Соғлом авлод учун, 2002, 2-сон.

7. Безмоздин Л. В мире дизайна.-Т.: 1990. 455-б.

8. Гегель. Эстетика. В 4-томах.-М.: Искусство,1967-1973.

### **Интернетдан маълумот олиш мумкин бўлган сайtlар:**

[www.istedod.uz](http://www.istedod.uz)

[www.akademik.ru](http://www.akademik.ru)

[www.islom.uz](http://www.islom.uz)

[www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

[www.kutubxonा.uz](http://www.kutubxonा.uz)

<http://www.guldu.uz/> - Guliston Davlat Universiteti sayti

<http://www.gduportal.uz/> - Guliston Davlat Universiteti ichki axborot ta’lim portali

[http://www.edu.uz/-](http://www.edu.uz/) Oliy va o’rta maxsus ta’lim vazirligi portali

<http://www.istedod.uz/> - O’zbekiston Respublikasi Prezidentining Iste’dod jamg’armasi

<http://www.ziyonet.uz/> - O’zbekiston axborot ta’lim tarmog’i

<http://www.uz/> - Milliy qidiruv tizimi

<http://www.uforum.uz/> - O’zbekiston forumchilari sayti

[http://guldu.zn.uz/-](http://guldu.zn.uz/) Guliston Davlat Universiteti ziyonetdagi blogi

<http://www.ref.uz/> - Feferatlar kollektiyasi

<http://www.dissertant.uz/> - Yosh olimlar portali

<http://www.goldenpages.uz/> - O’zbekistonning oltin sahifalari

<http://www.e-darslar.net/> – Elektron onlayn darslar manzili

<http://www.vlibrary.freenet.uz/> — Elektron darsliklar kutubxonasi

<http://www.multimedia.uz/> – Multimediya umumta’lim dasturlarini rivojlantirish markazi

<http://www.talim.uz/> – Masofaviy o’qitish ta’lim markazi

<http://www.ilm.uz/> – Masofaviy ta’lim va test o’tkazish tizimi

<http://www.DTM.uz/> – Test markazi sayti

<http://www.allbest.ru/> – Elektron kutubxonalar bibliotekasi

<http://www.edu.ru/> – Rossiya federasiyasi ta’lim portali

## СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ

### НАФОСАТ

Хурматли талаба, Сиз ушбу фан юзасидан 4 та мавзуда семинар машғулотига тайёргарлик кўришингиз лозим. Ҳар бир мавзуда 4 тадан саволлар қўйилган. Сиз семинар машғулотига тайёрланаётганингизда қўйидаги жадвалдаги семинар машғулотлар учун берилган адабиётлардан фойдаланасиз. Адабиётлар: (А) асосий ва (Б) қўшимча адабиётларга ажратилган. Жадвалнинг 1-устунида мавзунинг номи, 2-устунида кўриладиган масалалар, 3-устунда асосий адабиёт тартиби ва унинг саҳифаси берилмоқда. Шу билан бирга семинар юзасидан берилаётган методик тавсияларга эътибор қаратасиз

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>Кўриладиган масалалар</b>	<b>Адабиёт-лар</b>
<b>1</b>	<b>Қадимги Шарқ ва антик давр нафосати</b>	1. Қадимги Шарқ нафосат илмининг бешиги сифатида (Шумер, Бобил, Миср). 2. «Авесто» нинг эстетик жиҳатлари. 3. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда санъат ва нафосат илмининг тараққиёти. 4. Қадимги Юнон ва Рим нафосати.	1-3-364 2-16-32 3-7-11 4-15-31 5-15-26
<b>2</b>	<b>Ўйғониш даври Марказий Осиё мутафаккирларининг эстетик қарашлари</b>	1. Форобий эстетикаси. 2. Беруний ва Ибн Синонинг эстетик қарашлари. 3. Навоий эстетикаси. 4. Беҳзод эстетикаси.	1-3-364 2-33-75 3-12-30 4-36-53 5-27-34
<b>3</b>	<b>Ўрта асрлар ва янги замон Европа нафосати</b>	1. Ўрта асрлар нафосати. 2. Европада классик нафосатнинг вужудга келиши. 3. Маърифатпарварлар нафосати. 4. Туркистон жадидлари нафосати.	1-3-364 2-33-75 3-31-41 4-31-35 5-35-44
<b>4</b>	<b>Нафосат фанининг асосий категориялари</b>	1. Нафосат категориялар тизими. 2. Гўзаллик ва хунуклик. 3. Улуғворлик ва пасткашлик. 4. Фожеавийлик ва кулгуилик.	1-3-364 2-76-82 3-41-63 4-101-129 5-44-50
<b>ЖАМИ:</b>			<b>8</b>

Хурматли талаба, Сиз ушбу фан юзасидан 12 та мавзуда семинар машғулотлариға тайёргарлик кўришингиз лозим. Ҳар бир мавзуда 4 тадан саволлар қўйилган. Сиз семинар машғулотига тайёрланаётганингизда юқоридаги жадвалдаги семинар машғулотлар учун берилган адабиётлардан фойдаланасиз. Адабиётлар: (А) асосий ва (Б) қўшимча адабиётларга ажратилган. Жадвалнинг 1-устунида мавзунинг номи, 2-устунида кўриладиган масалалар, 3-устунда асосий адабиёт тартиб рақами ва унинг саҳифаси берилган.

#### **Нафосат**

##### **А) Асосий адабиётлар:**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996. 364 б.
2. Умаров Э. Эстетика. Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Айходжаева Г. Эстетика асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбеккомцентр, 2002.
- 4 Abdulla Sher, Bahodir Husanov. Estetika. Uslubiy qo'llanma. Т.: 2012. 192 b.

5. Бокиев Ф. Эстетика. ЎУМ. Гулистан. 2006. 64 бб.

**Б) Қўшимча адабиётлар:**

1. Анбар Отин. Қаролар фалсафаси //Анбар Отин. Шеълар, рисола.-Т.: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. 152 б.
2. Аристотель. Поэтика.- Т.: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 342 б.
3. Форобий. Фозил одамлар шаҳари. -Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1990. 322 б.
4. Хайём. Наврӯзнома. -Т.: Мехнат, 1990. 280 б.
5. Шер А. Ибрат кўзи. // Соғлом авлод учун. 1996. №7-8,9,10-сонлар.
6. Шер А. Тасаввуф, Ғаззолий ва гўзаллик фалсафаси. // Соғлом авлод учун. 2002. № 2-сон.
7. Эстетик тарбия асослари. Н. Кушаев таҳрири остида. Т.: 1988.
8. Гегель. Нафосат. В 4-томах. -М.: Искусство, 1967-1973.
9. Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Т.: 2002. 172 б.
10. Гулига А. Принципи эстетики. — М.: Политиздат, 1987. 283 с.

**Семинар машғулотларини баҳолаш мезони:**

Ҳар бир семинар машғулотига максимал 2 балл ажратилган. Ҳар бир мавзу тўла ёритиб берилган, тегишли адабиётлар ва ахборот ресурсларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган семинарнинг ҳажми ва сифати ҳисобга олинниб, қўшимча саволларга жавоб берган ҳолда 2 балл билан баҳоланади. Агар семинар тўла ёзилган, аммо айрим жузъий камчиликларга йўл қўйилган, қўшимча саволларга қисман жавоб берилса, 1-1,5 балл билан, мавзу тўлиқ ёритилмаган, саволлар ўз ечимини топмаган, қўшимча саволларга жавоб берилмаса 0,1-0,5 балл билан баҳоланади.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШГУЛОТЛАРИ**

Мустақил иш топшириқлари Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг 34-сонли (21.02.05) буйруғига ва ГулДУ да ишлаб чиқилган махсус Низомга асосан ишлаб чиқилган. У 20 соатга мүлжалланган. Мустақил ишнинг мақсади талабаларда муайян ўкув ишларини мустақил равишида бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил ўзлаштириш;
- керакли маълумотларни излаб топиш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- ўкув ва илмий адабиётлар билан ишлаш;
- электрон ўкув адабиётлари билан ишлаш;
- ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ғоя ва таклифларни ҳимоя қилишдан иборат.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, «Фалсафа (Эстетика)» фанидан 5 банддан иборат 2та мавзу бўйича мустақил иш топшириқлари тузилди ва талабалар эътиборига тавсия этилмоқда.

Топшириқлар: маъруза матнини ўзлаштириш, мустақил уй вазифаси, конспект қиласидан адабиётлар рўйхати, тестларни еча билиш, тезислар тайёрлаш, мавзу бўйича адабиётлар ва манбалардан иборат.

### **Талаба мустақил ишига рейтинг бали бериш тартиби**

Рейтинг баллари ҳар бир мавзу мустақил топшириқлари учун 0-4 балгача бериш белгиланган. Талабанинг мустақил иш топшириқларини бажариш фаолияти 4 баллик тизим асосида баҳоланади. Талаба 4 та мустақил ишдан 12 балл тўплайди.

Талаба мустақил иш топшириш вақтини ўқитувчи дарс жараёнида белгилайди.

	<b>Мавзу номи</b>	<b>Бериладиган балл</b>	<b>Сана</b>
	<b>Ўйғониш даври Шарқ мутафаккирларининг эстетик қарашлари</b>	0-4	
	<b>Санъат ва унинг турлари</b>	0-4	
	Жами:	8	

### **1-топшириқ: Ўйғониш даври Шарқ мутафаккирларининг эстетик қарашлари.**

#### **1.1. Мавзу матнини ўзлаштириш**

- Марказий Осиё Ўйғониш даври.
- Ўрта асрлар мусулмон Шарқи нафосат фалафаси.
- Ўйғониш даври нафосатининг хусусиятлари

#### **1.2. Мустақил уй вазифаси**

- Ўрта асрлар Шарқ нафосатида машшоиййунлик ва табииййунлик йўналишларининг қарор топишини аниқлаш.
- Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайёмнинг гўзалликка оид фикрларидан намуналар келтириш.

#### **1.3. Конспект учун адабиётлар**

- Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Т.: 2002. 211-366 бб.
- Ҳайруллаев М. Ўрта Осиёда илк Ўйғониш даври маданияти. Т.: Фан, 1994. 3-78 бб.

#### **1.4. Тестларни еча билиш.**

**1. Ўрта асрлар мусулмон Шарқидаги нотиқлик санъатининг буюк намояндаси ким?**

1. Ҳусайн Байқаро. 2. Фариддин Аттор. 3. Бобур. 4. Ҳусайн Воиз Кошифий.

**2. Темурийлар даврида санъатнинг қайси турлари юксак тараққий қилган?**

1. театр, меъморчилик. 2. хатотлик, рассомлик. 3. мусика, қўшиқчилик. 4. бадиий адабиёт, меъморчилик.

#### **Адабиётлар ва манбалар.**

Умаров Э. Нафосат. Т.: 1995. 3-11 бб.

Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Айхаджаева Г. Нафосат асослари. Т.: 2002. 31-41 бб.

#### **2-топшириқ: Санъат ва унинг турлари.**

##### **2.1. Мавзу матнини ўзлаштириш**

- Санъатнинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти.
- Санъатнинг образлилик қонуни.
- Санъат турлари.

##### **2.2. Мустақил уй вазифаси**

- Дастребки пайдо бўлган санъат турларини аниқланг.
- Санъат турларини рўйхатини тузинг.

##### **2.3. Конспект учун адабиётлар**

- Жўраева С. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Т.: 2002.
- Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоги. Т.: 2007.

##### **2.4. Тестларни еча билиши.**

###### **1. Санъат турини аниқланг?**

1. дехқончилик. 2. меъморчилик. 3. муаллимлик. 4. заргарлик.

###### **2. Эстетик фаолият турини аниқланг?**

1. дизайн. 2. меҳнат. 3. тарбия. 4. тарғибот.

#### **Адабиётлар ва манбалар.**

Умаров Э. Нафосат. Т.: 1995. 134-147 бб.

Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Айхаджаева Г. Нафосат асослари. Т.: 2002. 7-11 бб.

## ГЛОССАРИЙ

**Ахборот жамияти** - жамият тараққиёти негизи сифатида асосан ахборотдан фойдаланишга асосланган келажак жамияти.

**Билим** - инсон онгига акс этган объектив борлик.

**Билиш-билим** олиш ва унинг ривожланиши, муттасил чуқурлашуви жараёни.

**Ватан**-(арабча-она юрт)-инсон яшаб турган, униб-ўсан жой, худуд, ижтимоий мухит, мамлакат.

**Ватанпарварлик-кишининг** ўзи туғилиб ўсан, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган меҳр-муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фапзилатлари.

**Давлат рамзлари**-давлат мустақиллигининг шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир. Бу муайян давлатнинг байроғи, герби, миллий валютаси ва мадхиясидир.

**Дин**-(арабча-ишонч, ишонмоқ)-олий мавжудотга нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи.

**Глобал муаммолар** –муайян мамлакатлар ва миңтақаларгагина эмас, бутун дунёга ҳам даҳлдор бўлган даврнинг умуминсоний муаммолари мажмуи.

**Зардустийлик** – Марказий Осиёдаги қадимги диний-фалсафий таълимот. Унда икки асос: ёвўзлик ва эзгуликнинг кураши ҳақида сўз юритилади. Асосчиси – Зардуст.

**Инсонпарварлик**-(арапча “инсон”, форс-тожикча “парвар”, ўзбекча “лик”-кишига ғамхўрлик қилиш)-одам қадри, эрки учун курашиш, инсонийликнинг барча тамойиллари юзага чиқишига шарт-шароит яратиши.

**Истиқбол**-(арабча кўзтарилиш, қаддини ростлаш, ўсиш)-ҳар бир инсон, жамоа, давлат, миллатнинг ривожланиши учун зарур эркинлик шароити.

**Комил инсон**-(арабча-етук одам)-миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири. Шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни баҳтли, саодатли қилиш ғояси.

**Маданият**-(арабча “шаҳарга оид”)-кишиларни табиат ва борлиқни ўзлаштириш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликлари мажмуи.

**Мафкур**-(арабча-фикрлаш, фикрламоқ)-жамиятнинг, давлатнинг, ижтимоий гуруҳнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фикрлар, ғоялар ва қарашлар мажмуи.

**Маънавият**-(арабча-маънолар мажмуи)-кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

**Маънавий ва моддий хаёт уйғунлиги қонуни**. Бу қонун биз яшаётган хаётни ягона ва яхлит бир воқейлик сифатида тушуниш имконини беради.

**Маънавиянинг инсон ва жамият билан узвий алоқадорлиги қонуни**. Ушбу қонун муайян миллат, жамият ёки давлатнинг ҳар бир тараққиёт босқичида шу даврга мос келадиган маънавий тартиб ва тамойиллар тизимиға эга бўлишининг зарурият эканлигини ифодалайди.

**Маънавий хаётнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги қонуни**. Бу қонун ривожланиш жараёнидаги янгиланишнинг узлуксизлиги ва давомийлиги билан боғлиқ тамойилларни ифодалайди.

**Маърифат**-(арабча-бilmox)-кишиларни онгини, билимини оширишга қаратилган фаолият.

**Махалла**-(арабча-жой, ўрин, макон)-мамлакатимиздаги аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма.

**Миллий маънавият**-муайян миллатни тарихан шаклланган ахлоқий, диний, илмий, бадиий, фалсафий, мафкуравий қарашлари.

**Миллий салоҳият**-миллатнинг мавжуд иқтисодий, илмий, маданий, маънавий ва бошқа имкониятлари.

**Миллий қадриятлар**-миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга жиҳатлар, хусусиятлар, моддий ва маънавитй бойликлар.

**Миллий ғуурур**-мамлакатнинг ўз-ўзини англаши натижасида юзага келган руҳий кўтаринкилик, фахрланиш түйғуси.

**Монийлик**- III асрда Эронда вужудга келган уруш ва қон тўқмаслик, мол-дунё йифмаслик гоясини қўтариб чиқсан диний таълимот.

**Метод** - қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган амалий ёки назарий фаолият усули.

**Мустақиллик**-(арабча-тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик)-эркин ва озод равишда бошқаларнинг раҳбарлигисиз иш юрита билиш. Давлат мустақиллиги эса-муайян давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий эркинлигидир.

**Техника** - инсон томонидан яратиладиган, унинг яшаси ва ишлаши учун зарур бўлган предметлар системаси.

**Фан** - билиш фаолиятининг янги, объектив, системали тарзда уюшган билимлар ишлаб чиқишига йўналтирилган алоҳида тури.

**Фан-техника тараққиёти** — фан ва техниканинг бирлашиши билан тавсифланадиган ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан ривожланиши.

**Фикрлаш** - билишнинг олий шакли, борлиқнинг тушунчалар, мулоҳазалар ва мушоҳадалардаги мантиқий инъикоси.

**Шарқ Ренессанси** – VII-XII ва XIV-XV асрларда араб Шарқида ва Марказий Осиёда маънавий ва маданий қадриятларнинг тикланиши, фалсафа ва фан, адабиёт ва санъатнинг жадал ривожланиши даври.

**Қадр** – ўзликни англаб етиш, ўзини баҳолай билишdir.

**Эстетика**- «хис қилиш», «сезиш», «хис этиладиган» каби маъноларни англатувчи юончада aisthetikos – сўзидан «эстетика» ибораси фанга кирилилган.

## **ИЛОВАЛАР**

### **ТЕСТЛАР**

**1. Гўзалликнинг негизда қандай ҳис туйғулар ётади?**

- А) муҳаббат ва садоқат ҳисси. В) муҳаббат ва мулоқатга интилиш ҳисси.  
С) муҳаббат ва ота-онага хурмат ҳисси. Д) меҳнатга муҳаббат ва эзгулик интилиш ҳисси.

**2. Эстетик тарбиянинг асосий воситаси?**

- А) меҳр ва муҳаббат. В) санъат. С) гўзаллик. Д) эзгулик.

**3. Қамрови ва таъсир доирасининг кенгликлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб турувчи санъат тури?**

- А) театр. В) кино. С) меъморчилик. Д) бадиий адабиёт.

**4. «Гўзаллик дунёни қутқаради» деган фикр кимга тегишили?**

- А) А. Қодирийга. В) А. Чеховга. С) А. Чўлпонга. Д) Ф. Достоевскийга.

**5. Эстетик онгнинг «санглаш» усули.**

- А) эстетик ҳиссиёт. В) эстетик баҳо. С) эстетик меҳнат. Д) эстетик муносабат.

**6. Кулгиликнинг санъатини намоён бўлиш шакллари.**

- А) ҳажв, мутойиба. В) марсия, мадхия. С) ҳажв, тимсол. Д) марсия, мутойиба.

**7. «Мусиқа ҳақида катта китоб» асари муаллифи ким?**

- А) Жомий. В) Ибн Сино. С) Форобий. Д) Фаззолий.

**8. Ўрта асрлар мусулмон шарқидаги нотиқлик санъатининг буюқ намоёндаси ким?**

- А) Ҳусайнин Байқаро. В) Бобур. С) Воиз Кошифий. Д) Жомий.

**9. Тасвирий санъатининг «тили» нима?**

- А) ҳажв. В) миқёс. С) ранг. Д) мўйқалам.

**10. Рақс санъатининг «тили» нима?**

- А) Ҳаракат. В) Оҳанг. С) Ансанблъ. Д) Мақом.

**11. «Дид ҳақида баҳслашмайдилар» деган фикр кимга тегишили?**

- А) Гегель. В) Кант. С) Фейрбах. Д) Юм.

**12. Гўзалликнинг асосий хусусияти нимада?**

- А) Манфаатсизликда. В) Муқаммалликда. С) Мутаносиблика. Д) Барчаси тўғри.

**13. «Қаролар фалсафаси» асари қайси адаб қаламига мансуб?**

- А) Анбар Отин. В) Фурқат. С) Муқимий. Д) Увайсий.

**14. «Поэтика» асарининг муаллифи...**

- А) Суқрот. В) Тит Лукреций Кар. С) Афлотун. Д) Арасту.

**15. Жадидлар санъатининг қайси турига кўпроқ эътиборни қаратган?**

- А) адабиёт ва театрга. В) театр ва кинога. С) адабиёт ва мусиқага. Д) мусиқа ва театрга.

**16. Нафосатнингамалий аҳамияти нимадан иборат?**

- А) кундалик ҳаётимизда эстетик тарбияни йўлга қўйишидан иборат.
- Б) санъат асарларини тўғри идрок қилишидан иборат.
- С) гўзалликка бефарқ бўлмаслиқдан иборат.
- Д) шахс ҳиссий оламини бойитишидан иборат.

**17. «Авесто»да гўзаллик тимсоли сифатида эътироф этилган маъбуда?**

- А) Ардвисура Анахита.
- В) Агни Даҳҳана.
- С) Аҳура Мазда.
- Д) Аҳриман.

**18. Қадимги ҳинд эстетик тафаккури қайси манбаларда кўпроқ акс эттирилган?**

- А) Маҳабҳоратда.
- В) Рамаянада.
- С) Панчатантрада.
- Д) Ригведада.

**19. Динларнинг санъат билан "ҳамкорлик" жиҳати нималарда ўз аксини топади?**

- А) диний-бадиий, рамз, қонун ва идеалда.
- В) муқаддас китобларда.
- С) этиқодда.
- Д) шариат қонун-кридаларида.

**20. Амир Темур ва темурийлар даврида эстетик тафаккур тараққиётининг муҳим сабаби нима билан белгиланади.**

- А) илм-фан ва санъатга оқилона муносабатда бўлиш.
- В) марказлашган давлат тузиш ғояси ишлаб чиқилиши билан.
- С) шариат қонунларини мустаҳкамлашга интилиш билан.
- Д) шаҳарсозликни ривожпантириш билан.

**21. «Эркинликка йўл фақат гўзаллик орқали ўтади» деган фикр қайси файласуфга тегишили?**

- А) Гегель.
- В) Шиллер.
- С) Фихте.
- Д) Шеллинг.

**22. Жадид нафосатининг шаклланишида муҳим ўрин тутган уч восита қўйдагилардан қайсиilar?**

- А) мусиқа, театр, адабиёт.
- В) адабиёт, санъат, тетр.
- С) маориф, санъат, матбуот.
- Д) матбуот, мусиқа, адабиёт.

**23. «Шайх ур-раис» номи билан машҳур аллома ким?**

- А) Навоий.
- Б) Бобур.
- В) Ибн Сино.
- Д) Умар Ҳайём.

**24. Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимиизда ва юрагимиизда» асари қачон ёзилган?**

- А) 1995 й.
- Б) 1996 й.
- В) 1997 й.
- Д) 1999 й.

**25. Аёл киши «Кулоғи билан севади», эр-чи?**

- А) «Ақпи».
- Б) «Оғзи».
- В) «Ошқозони».
- Д) «Танаси».

## **РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ**

1. Нафосат тушунчаси.
2. Нафосатнинг вазифалари.
3. Нафосат ва бошқа фанлар.
4. Нафосатнинг ҳаётдаги ўрни.
5. Эстетик қадриятлар.
6. Эстетик фаолият.
7. Эстетик онг.
8. Эстетик дид.
9. Эстетик баҳо.
10. Эстетик тарбия.
11. Эстетик муносабат.
12. Эстетик онг шакллари.
13. Эстетик ҳис.
14. Эстетик идеал тушунчаси.
15. Қадимги Шарқ нафосати.
16. Қадимги Юнон ва Рим нафосати.
17. «Авесто»да нафосат.
18. Қадимги Хитой эстетик тафаккури.
19. Қадимги Ҳиндистон эстетик ғоялари.
20. Марказий Осиё мутафаккирларининг эстетик қарашлари.
21. Ислом нафосати.
22. Немис мумтоз нафосати.
23. Янги замон нафосати.
24. Эстетик категориялар тушунчаси.
25. Гўзаллик категорияси.
26. Улуғворлик категорияси.
27. Кулгулилик категорияси.
28. Санъат тушунчаси.
29. Бадиий образ тушунчаси.
30. Эстетик тарбия.

# МАНТИК

Гулистан-2018

## **1-Мавзу: Мантиқ фанининг предмети ва вазифалари.**

### **Асосий саволлар.**

1. Мантиқ фанининг предмети ва вазифалари.
2. Билиш ва унинг асосий босқичлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Мантиқ, хиссий билиш, ақлий билиш, тафаккур, тафаккур шакллари, тафаккур қонунлари, тўғри тафаккур, чин фикр, формал мантиқ, диалектик мантиқ, математик мантиқ ва бошқалар.

### **1-асосий саволнинг баёни:**

Мантиқ арабча сўз бўлиб, маъноси бўйича «Логика» сўзига мос келади. «Логика» атамаси эса, грекча «логос» сўзидан келиб чиқиб «фикр», «сўз», «Таълимот» каби маъноларга эга. Унинг кўп маънолиги турли хил нарсаларни ифодалашда ўз аксини топади. Хусусан мантиқ сўзи, биринчидан объектив олам қонуниятларини (масалан: «объектив мантиқ» «нарсалар мантиги») иккинчидан, тафаккурнинг мавжуд бўлиш шакллари ва тараққиётини, шу жумладан, фикр ўртасидаги алоқадорликни характерлайдиган қонун-қоидалар йиғиндисини (масалан: «субъектив мантиқ») учинчидан, тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фанни ифода этишда ишлатилади.

Мантиқ илмининг ўрганиш обьекти тафаккур хисобланиб (арабча сўздан олинган бўлиб, фикрлашнинг «ақлий билиш» сўзларининг синоними сифатида ишлатилади). Тафаккур кўп қиррали жараён бўлиб уни турли хил томонидан, хусусан мазмуни ва шакли (структураси) бўйича тайёр ҳолда ёки келиб чиқиши ва тараққиётida олиб ўрганиш мумкин. Буларнинг барчаси мантиқ илмининг вазифасини ташкил этади, унинг турлича методларидан фойдаланишига, ҳар хил йўналишларга ажралишига сабаб бўлади.

Кенг маънода мантиқни тафаккур шакллари ва тафаккур қонунларини ўрганувчи фан, деб атап мумкин. Ҳозирги вақтда мантиқнинг, формал мантиқ, диалектик мантиқ, математик мантиқ каби йўналишларини фарқ қилиш мумкин.

Формал мантиқ тафаккурнинг структурасини фикрнинг конкрет мазмуни ва тараққиётидан четлашган ҳолда нисбатан мустақил равишда олиб ўрганади. Унинг диққат марказида муҳокамани тўғри куриш билан боғлиқ қоидалар ва мантиқий амаллар ётади.

Формал мантиқга тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фалсафий фан деб таъриф бериш мумкин.

Диалектик мантиқ формал мантиқдан фарқли ўлароқ, тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигига, ҳамда тараққиётida олиб ўрганади.

Математик мантиқ эса тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этади. У ҳозирги замон математикасининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, тафаккурни мантиқий хисоблаш деб аталадиган юқори даражада абстрактлашган ва формаллашган системада таҳлил қиласи.

Биз ўрганадиган фан формал мантиқ бўлиб (формал мантиқ баъзан умумий мантиқ деб ҳам юритилади. Классик мантиқлар унинг тараққиётининг асосий йўналишлари хисобланади. Символик мантиқ деган ибора ҳам мавжуд бўлиб, у формал мантиқнинг ҳозирги босқичини ифода этиш учун ишлатилади). У ҳозирги пайтда ўзининг маҳсус формаллашган тилига, тўғри Мухокама юритиш учун зарур бўлган самарали мантиқий методларини ва усусларига концептуал воситаларига эга. Тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар хусусан фалсафа, психология, физиология билан ҳамкорлик қиласи, ҳамда илмий билимлар системасида ўзининг муносаб ўрнига эга. Шу сабабдан тўғри фикрлаш, фикрнинг чинлик ёки хатолик даражасини аниқлашда формал мантиқнинг аҳамияти катта. Фикрнинг чин ёки хатолик бўлиши тафаккур шакллари ва қонунларини билишга боғлиқдир. Тафаккур шакли фикрнинг мазнунини ташкил этувчи элементларнинг боғланиш усули, унинг структурасидир. Фикрлаш элементлари деганда, предметнинг фикрда ифода қилинган белгилари ҳақидаги ахборотлар тушунилади.

Тафаккур шаклларини тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш ташкил этади. Маълумки, айрим предметлар уларнинг синфи (тўплами) кишилар тафаккурида турли хил мазмунга эга бўлган тушунчаларда акс эттирилади. Масалан: давлат тушунчасида ўзининг майдонига, ахолисига бошқарув воситаларига эга бўлган сиёсий ташкилот акс эттирилади.

Ҳукмларда предмет билан унинг хоссаси, предметлар ўртасидаги муносабатлар предметнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслик факти ҳақидаги фикрлар тасдиқ ёки инкор шаклда ифода этилади. Масалан: «Дараҳт – ўсимлик» деганда ҳукмда предмет (дараҳт) билан унинг хоссаси (ўсимлик эканлиги) ўртасидаги тушунча ( $S$ ) билан предмет белгиси ҳақидаги тушунча ( $P$ ) билан белгиланади. Умумий холда ҳукм  $S$ - $P$  формуласи орқали ифодаланади.

Хулоса чиқаришда ҳам юқоридагига ўхшаш холларни кузатиш мумкин. **Масалан:** Дараҳт-ўсимлик

#### Терак- дараҳт

#### Терак-ўсимлик

Тушунча, ҳукм ва хулоса чиқариш тафаккурнинг универсал шакллари асосий структуравий элементлари ҳисобланади.

Муҳокама юритиш ана шулар ва уларнинг ўзаро алоқаларга киришиши натижасида вужудга келадиган бошқа мантиқий структуралар (масалан: муаммо, гипотеза, назария, фоя, аргументлаш ва б.)да амалга ошади.

Фикрни муайян даражада тўғри қуришга тафаккур қонунлари талабларига риоя қилгандагина эришиш мумкин. Тафаккур қонунлари муҳокама юритиш жараённида фикрлар ўртасидаги мавжуд зарурӣ алоқалардан иборат. Тафаккур қонунлари мазмунидан келиб чиқадиган муҳокамани тўғри қуриш учун зарур бўлган талаблар фикрнинг аниқ изчил етарли даражада асосланган бўлишидан иборат.

Муҳокамани тўғри қуриш билан боғлиқ талаблар ҳақида гапирганда биринчи навбатда уларнинг муайян принциплар, қоидалар тарзида, яъни тўғри тафаккур принциплари сифатида амал қилишга эътибор бериш зарур.

Мазкур қоидаларнинг бузилиши нотўғри қурилишига сабаб бўлади. Бунда хусусан, чин фикрлардан хато хулоса чиқиши (масалан, Қонунга-риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий хужжат, «Буйруқ қонун эмас», «Буйрукка риоя қилиш зарур бўлган ҳуқуқий хужжат эмас») ёки хато қурилган муҳокамадан чин хулоса чиқиши (масалан, «Барча моддий жисмлар кимёвий элементлар», «Темир моддий жисм» демак, «Темир кимёвий элемент») мумкин.

#### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Мантиқ фанининг объектини тушунтиринг?
- 1.2. Мантиқ фанининг мақсади ва вазифаларини изоҳлаб беринг?
- 1.3. Формал мантиқ нимани ўрганиш қандай аҳамиятга эга.

#### **2-асосий саволнинг баёни:**

Билиш воқеликнинг, шу жумладан, онг ҳодисаларининг инсон миясида субъектив, идеал образлар шаклида акс этишидан иборат. Билиш жараённинг асосини ва охирги мақсадини амалиёт ташкил этади. Барча ҳолларда билиш инсоннинг ҳаётий фаолияти билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган нарсаларни тушунтириб етишга бўйсиндирилган бўлади. Билиш жараёнини амалга оширадар экан, кишилар ўз олдиларига маълум бир мақсадни қўядилар. Улар ўрганилиши лозим бўлган предметлар доираси, тадқиқот йўналиши, шакллари ва методларини белгилаб беради.

Билиш мураккаб, зиддиятли, турли хил даражаларда амалга ошадиган жараёндир. Унинг дастлабки босқичини хиссий билиш – инсоннинг сезги органлари ёрдамида билиш ташкил этади. Бу босқичда предмет ва ҳодисаларнинг ташки хусусиятлари ва муносабатлари, яъни уларнинг ташки томонидан бевосита намоён бўладиган ва шунинг учун ҳам инсон бевосита сеза оладиган белгилари ҳақида маълумотлар олади.

Хиссий билиш 3 та шаклда сезги, идрок ва тасаввур шаклида амалга ошади. Сезги предметнинг бирорта ташқи хусусиятини (масалан; рангини, шаклини, таъмини) акс эттирувчи яққол образдир.

Идрок предметнинг яхлит яққол образи бўлиб, у мазкур предмет ҳақидаги турли хил сезгиларни синтез қилиш натижасида ҳосил бўлади. Алоҳида олинган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок берилган предметни бошқа предметлардан (масалан, олмани, ноқдан ва б.) фарқ қилиш имконини беради. Тасаввур эса аввал идрок қилинган предметнинг образини маълум бир сигналлар таъсирида мияда қайта ҳосил қилишдан, ёки шу ва бошқа образлар негизида янги образ яратишдан иборат хиссий билиш шаклидир. (масалан, танишингизга ўхшаган кишини кўрсангиз, танишингизни эслайсиз, ёки қурмоқчи бўлган бинонгизни мавжуд бинолар образлари ёрдамида яққол ҳис этасиз).

Хиссий билишнинг барча шаклларига хос бўлган хусусиятлар қаторига қуйидагилар киради.

Биринчидан; хиссий билиш обьектнинг субъектга бевосита таъсир этишини таъқозо этади. Тасаввур ҳам бундан мустасно эмас. Унда образи қайта ҳосил этилаётган предмет эмас (ёки яратилаётган) у билан боғлиқ бўлган бошқа предмет-сигнал таъсир этади.

Иккинчидан; хиссий билиш шакллари предметнинг ташқи хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради.

Учинчидан; хиссий образ предметни яққол образидан иборат.

Тўртинчидан; хиссий билиш конкрет индивидлар томонидан амалга оширилганлиги учун ҳам, ҳар бир алоҳида ҳолда конкрет инсоннинг сезиши қобилияти билан боғлиқ тарзда ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Бешинчидан; хиссий билиш, билишнинг дастлабки ва зарурий босқичи ҳисобланади. Усиз билиш мавжуд бўла олмайди. Чунки инсон ташқи олам билан ўзининг сезги органлари орқали боғланган. Билишнинг кейинги босқичи бошқа барча шакллари сезгиларимиз берган маълумотларга таянади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, хиссий билиш тафаккур билан узвий боғлиқ. Хусусан, назарий билимларнинг чинлиги охир-оқибатда эмпирик талқин қилиш йўли билан, яъни тажрибада бундай билимларнинг обьектини қайд этиш орқали асосланади. Ўз навбатида хиссий билиш ақл орқали бошқарилиб турилади, билиш олдида турган вазифаларни бажаришга йўналтирилади, ижодий фантазия элементлари билан бойитилади. (масалан, гувоҳларнинг берган кўрсатмалари асосида жиноятчининг портрети яратилади). Шу ўринда хиссий билиш билан ақл ўртасидаги муносабатни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

«Танишган кишининг билан дастлабки таассурот унинг ташқи томонига қараб ҳосил қилинади, у билан мулоқатдан кейин ўзгариши мумкин». Шу ўринда «Кийимига қараб кутиб олишади, ақлига қараб кузатишади» деган мақол бунинг яққол асосидир.

Предмет ва ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишга тафаккур ёрдамида эришилади. Тафаккур билишнинг юқори рационал (лотинча - ratio-ақл) билиш босқичи бўлиб, унда предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари аниқланади, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишлар акс эттирилади. Тафаккур қуйидаги асосий хусусиятларга эга.

Биринчидан; унда воқелик абстраклашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. Хиссий билишдан фарқли ўлароқ, тафаккур бизга предметнинг номухим, иккинчи даражали белгиларидан абстраклашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий муҳим тақрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимиизга имкон беради.

Иккинчидан; тафаккур борлиқни билвосита акс эттиради. Унда янги билимлар тажрибага ҳар сафар бевосита мурожат этмасдан мавжуд билимларга таянган ҳолда ҳосил қилинади. Фикрлаш бунда предмет ва ҳодисасалар ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, боланинг ҳулқ-атворига қараб, унинг қандай муҳитда тарбия олаётганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Тафаккурнинг мазкур хусусияти хулосавий фикр юритишида аниқ намоён бўлади.

Учинчидан; Тафаккур инсонинг ижодий фаолиятидан иборат. Унда билиш жараёни борлиқда реал аналогига эга бўлмаган нарсалар юқори даражада идеаллашган объектларни (масалан, абсолют қаттиқ жисм, идеал газ каби) ларни яратиш, турли хил формал системаларни қуриш билан кечади. Улар ёрдамида предмет ва ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башоратлар қилиш имконияти вужудга келади.

Тўртинчидан; Тафаккур тил билан узвий алокада мавжуд. Фикр идеал ҳодисадир. У фақат тилда – моддий ҳодисада (товуш тўлқинларида, график чизикларда) реаллашади, бошқа кишилар бевосита қабул қила оладиган, хис этадиган шаклга киради ва одамларнинг ўзаро фикр алмашиш воситасига айланади. Бошқача айтганда, тил фикрнинг бевосита воқе бўлиш шаклидир.

Тафаккур инсон ва жамият ҳаётида юкоридаги хусусиятлардан келиб чиқиб айта оламизки, тўғри фикр юритишга ва бунинг натижасида тўғри хуносага келишда асосий аҳамият касб этади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 2.1. Билишнинг моҳиятини изоҳланг?
- 2.2. Билишнинг қандай босқичлари бор?
- 2.3. Хиссий билиш ва ақлий билишнинг фарқи нимада?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й.
2. И.А.Каримов. Миллий истиқбол мағкурасини халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Фидокор газетаси муҳбири саволларига жавоблари. Т.: “Ўзбекистон” 2000 й.
3. Ўзбекистонни ижтимоий фикрлар тарихидан лавҳалар академик М. Ҳайруллаев таҳрири остида Т.: 1995 й.
4. И. Раҳимов. Мантиқ. Т.: “Университет”, 1994 й. 8-26 бетлар.
5. И.Раҳимов. Логикдан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: “Ўқитувчи”, 1998 й. 1-боб.
6. Т.Ёқубов Математик логика элементлари. Т.: “Ўқитувчи”, 1983 й. 3-5 бетлар.
7. М.Шарипов, Д.Файзихўжаева. Мантиқ. Т.: 2001 й., 5-16 бетлар.

## **2-Мавзу: Мантиқ фанининг тараққиёт босқичлари.**

### **Асосий саволлар:**

1. Қадимги Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг мантиқий таълимотлари.
2. Ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирларининг мантиқ фанига қўшган хиссалари.
3. Янги ва энг янги даврда мантиқий фикрлар тараққиёти.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Қадимги Ҳинд ва Грек мутафаккирлари мантиғи, ўрта асрлар Шарқ мутафаккирлари мантиғи, янги ва энг янги даврда мантиқ ривожига хисса қўшган мутафаккирлар.

### **1-асосий саволнинг баёни:**

Ҳар бир фан каби мантиқ илми ҳам ўзининг шаклланиш ва ривожланиш тарихига эга. Мантиққа оид илк анъаналар Қадимги Шарқ хусусан Хиндистон, Хитой мамлакатларида вужудга келган. Мантиқнинг шаклланишига нотиқлик санъати, математика илмининг ривожланиши катта таъсир кўрсатди. Қадимги Юнон мутафаккири Арастугача мантиқ илми фалсафа фани таркибида мавжуд бўлган.

Қадимги Ҳинд мантиғи ривожланниши 3 даврни ўз ичига олади.

- 1) Илк будда мантиғи (эр. авв. VI-V асрлари)
- 2) Нъяя, вайшешика мактаблари мантиқий таълимоти  
(эр III-V асрлари).

Будда мантиғининг ривожланган даври (эр. VI-VIII асрлари).

Ҳинд мантиқшунослари баҳс-мунозарада асосан нима исботланаяпти, қандай исботланаяпти, деган масалани ажратиб кўрсатишган.

Улар исботлашнинг, тезис, асос, бир хиллик, ҳар хиллик, мисол, бевосита хиссий қабуллаш, хулоса каби элементларини батафсил таҳлил этганлар. Нъяя мактабининг вакиллари хулоса чиқариш масаласини ўрганишга катта хисса қўшдилар. Шунингдек улар беш қисмдан иборат силлогизм назариясини яратдилар.

1. Тезис. (Аудиторияда кимдир бор).
2. Асос. (Аудиториядан товуш эшитилаяпти).
3. Мисол. (Қаерда товуш эшитилса, шу ерда кимдир бор).
4. Шу ҳолатга нисбатан кўллаш (Бу аудиторияда товуш бор).
5. Хулоса. (Демак, аудиторияда кимдир бор).

Қадимги Ҳинд мантиқшунослари Дигнага, Ҷармакирти ва уларнинг шогирдлари томонидан тушунча, ҳукм, айниқса хулоса чиқариш билан боғлиқ масалалар кенгрок, чукуроқ таҳлил қилинган.

Масалан, Дигнага хулоса чиқаришда мантиқий асосга хос бўлган уч хусусиятни кўрсатиб ўтади. Мантиқий асос хулоса чиқариш обьекти билан боғлиқ бўлади, бир турдаги обьектлар билан боғлиқ бўлади, ҳар турдаги обьектлар билан боғлиқ бўлмайди. Бу хулоса чиқаришнинг асоссий шартлари бўлиб уларнинг бузилиши мантиқий хатоларга олиб келади.

Қадимги Ҳиндистонда шаклланган мантиқий таълимотлар қадимги Юнонистонда мантиқ илмининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Қадимги Грек фалсафасида мантиқ масалалари дастлаб Пармениднинг «Табиат тўғрисида» асарида, Зеноннинг апорияларида, Гераклит таълимотида у ёки бу даражада кўриб чиқилган.

Демокрит (эр. авв 460-370) мантиқий таълимотида фикрнинг чинлиги масаласи муҳим ўрин тутади. У қўпроқ индукция ва аналогияни ўрганишга эътибор беради. Ҳақиқатни билиш учун якка буюмларни кузатиш хис қилиш орқали умумлаштириш зарур деб таъкидлайди. Ҳукмни субъект ва предикатнинг ўзаро алоқасидан иборат деб таърифлайди.

Суқрот (эр. авв 469-399) таълимотига кўра буюмларнинг моҳиятини билиб бўлмайди. Инсон аввало, ўз-ўзини билиш керак. Билим умумийлик тўғрисидаги тушунчадир.

Ҳақиқатни аниқлаш учун ўзига хос усул даркор. Суқрот ҳақиқатни аниқлашда индукция ва дефинициядан фойдаланишни тавсия этади.

Индукция кундалик ҳаётдаги якка мисоллар асосида умумий тушунчаларни ҳосил қилиш усулидир. Дефиниция баҳс жараёнида тушунчаларни таърифлашдан иборат. Бу усулни Суқрот «майевтика» деб атайди.

Афлотун (эр. авв 427-347) устози Суқротнинг умумий тушунчалар буюмларнинг моҳиятини ифодалайди, деган фикрини давом эттиради. У умумий тушунчаларни буюмлардан ва инсонлардан ажralган мутлоқ ғоялар сифатида талқин этади, уларни бирламчи деб билади. У ҳукмни тафаккурнинг асосий элементи деб ҳисоблади. Ҳукм эга ва кесимнинг бирлигидан иборат бўлиб тасдиқ ёки инкор маънони билдиради. Агар ҳукмда бирлашиш мумкин бўлмаган тушунчалар бирлаштирилса у хато бўлади.

Афлотун тафаккур конунларини таърифлаб бермаган бўлсада ўзининг «Ефтидем» диалогида «бир нарсанинг ҳам бўлиши ҳам бўлмаслиги мумкин эмас» деган фикри нозидлик қонунини билганлигидан далолат беради.

Мантиқ илмининг алоҳида фан сифатида шаклланиши Арасту номи билан боғлиқ. У биринчи бўлиб мантиқ илмини ўрганадиган масалалар доирасини аниқлаб беради. Арастунинг «Категориялар», «Талқини ҳақида», «биринчи аналитика», «иккинчи аналитика», «Софистик раддиялар ҳақида», «Топика» номли асарлари бевосита мантиқ масалаларига бағищланган.

Арасту мантиқни маълум билимлардан номаълум билимларни аниқловчи, чин фикрни хато фикрдан ажратувчи фан сифатида таърифлайди. Мантиқнинг вазифаси чин фикрни, ҳақиқатни аниқлашдир деб таъкидлайди.

Мутафаккир «Билимларимизнинг воқеликка мос келиши ҳақиқатдур» деб кўрсатади. У ҳақиқатни аниқлашда нозидлик ва учинчиси истисно қонунларига амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Арасту асарларида тўғри тафаккурнинг айният ва етарли асос қонунлари алоҳида кўриб чиқилмаган. Лекин унинг асарлари таҳлили уларда бу қонунларга хос талабларнинг баён қилингандигини кўрсатади.

Арасту мантиқий таълимотида хulosса чиқариш етакчи ўринни эгаллайди. У тафаккур шакллари бўлган тушунча ва ҳукмни хulosса чиқаришнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қиласи. Ҳукм диайрезис ақлий анализнинг натижасидир. У ҳукмни апофансис деб атайди. Ҳукм бирор нарсага ниманингdir тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида баён қилингандигини фикр бўлиб у чин ёки ёлғон бўлиши мумкин. Ҳар қандай гап ҳам ҳукм бўла олмайди. Факат қатъий фикрларгина ҳукм ҳисобланади. Арасту ҳукмни мантиқий эга, мантиқий кесим ва мантиқий боғловчилардан иборат бўлади деб кўрсатади. S-P ёки S-P эмас.

Арасту мантиқ илмининг қолган қоидалари ва тушунчаларига ҳам (масалан категориялар, хulosса чиқаришнинг бевосита, силлогизм, индуктив, дедуктив, аналогия каби) алоҳида эътибор қаратган. Унинг мантиқий таълимоти мантиқ илмининг ривожига жиддий таъсир кўрсатган.

Стоя мактаби вакиллари биринчи бўлиб, «логика» терминини тафаккур ҳақидаги маҳсус фанни ифодалаш учун кўллашган. Стоиклар мантиғи икки қисмдан иборат бўлган, диалектика ва риторика.

Эпикур (эр.авв 341-270) фалсафада биринчи ўринга билиш назарияси ва мантиқни кўйган, иккинчи ўринга физика, учинчи ўринда аҳлоқ бўлган.

Скептицизм вакиллари эса билиш жараёнининг нисбий ҳарактерини мутлоқлаштириб ҳақиқатни билиб бўлмайди деганлар.

Қадимги Грек мантиқий таълимоти Ўрта асрларда янги мазмун билан бойитилди. Бу айниқса Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида хусусан Ўрта Осиёдаги ривожланишида яққол кўринади.

### Мухокама учун саволлар:

1. Қадимги Ҳинд мантиқшуносларининг мантиқ илмига қўшган хиссаларини тушунтиринг?
2. Логика терминини қайси мактаб вакиллари биринчи бўлиб кўллашган?

1.3. Қадимги Грек мутафаккирлари мантиқий таълимотларининг асосий хусусиятларини санаб ўтинг?

## 2-асосий саволнинг баёни:

Ўрта асрларда мантиқ масалаларини кенг ва изчил тадқиқ этган мутафаккир ал – Форобий (873-950) ҳисобланади. У Сирдарё бўйидаги Ўтрор шаҳрида туғилган. У Қадимги Юнон ва Ҳинд фалсафасини чуқур ўрганган. Илмнинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ асарлар ёзган. Форобий асарларининг катта қисми фалсафа ва мантиққа оиддир. Форобийда мантиқий билимлар системаси «Мақулот» (категория), «Ибора» (хукм), Қиёс (силлогизм), Бурхон (исботлаш, иккинчи аналитика), Жадал (диалектика), Сафсата (Софистик раддия), Хитоба (Риторика), Шеър (поэтика) асарларини ўз ичига олади.

Мутафаккирнинг таъкидлашича, мантиқ санъати интелектнинг мукаммаллашувига олиб келувчи ва инсонни ҳақиқат тамон йўналтирувчи қонунларнинг мажмуасини ўрганади. Бу қонунлар инсонларнинг билиш жараёнидаги турли хато ва адашишлардан сақлайди. Инсон бу қоидалар ёрдамида билимларини текшириб уларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш имконига эга бўлади.

Форобий фикрича, силлогизм ва исботлаш усули энг тўғри ҳақиқатга олиб келувчи усул бўлиб, илм-фан, фалсафа шуларга асосланади. Форобий асосий мантиқий шакллар бўлган тушунча, хукм ва уларнинг турлари хulosha чиқариш, силлогизм ва унинг фигуранлари, модусларини чуқур таҳлил қилиб, улар тўғрисида изчил таълимот яратди. У тўғри тафаккурлашнинг асосий принциплари айнанлик, хукмларнинг ўзаро зид бўлмаслиги, изчиллиги ҳар қандай хulosanинг етарлича асосланганлиги каби муҳим мантиқий масалаларни ҳар томонлама ишлаб чиқди.

Унинг таълимоти мантиқ илми ривожига катта таъсир кўрсатди. Хусусан IX-X асрларда ал-Ҳоразмий, Яҳъё ибн Али Абу Сулаймон, Абу Хайян кабилар Форобийнинг мантиқ соҳасидаги гояларини давом эттирилар.

Абу Али Ибн Сино ҳам Форобий мантиқий гояларининг давомчиси бўлиб турли илм соҳаларига оид 400 дан ортиқ асарлар ёзган. Ибн Сино (980-1037) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Унинг асарларининг 150 дан ортиғи фалсафа ва мантиқ илмига бағишланган. Ибн Синонинг мантиқ фанининг барча масалаларини ўз ичига олган асари «Китоб аш шифодир», «Китоб аш-шифо» мантиққа оид қисми 9 бўлакдан иборат бўлиб номланиши Форобийники кабидир. Унинг «Ишорат ва танбихот», «Ан-нажот», «Донишнома» асарларида ҳам фалсафа ва мантиққа оид масалалар баён этилади. Ибн Сино мантиқ фанини маълум билимлардан номаълум билимларни келтириб чиқариш, уларни бир-биридан фарқ қилиш, чин ва ҳато билимлар, уларнинг турларини ўрганувчи фан ёки назарий санъатdir, - деб таърифлайди. Ибн Сино фалсафа, билиш назарияси ва мантиқ муаммоларини аралаштириб юбормайди, уларни алоҳида-алоҳида баён қилади. Бу жиҳатдан Ибн Синонинг мантиқ фани Арастуникига кўра жуда янги маълумотларни беради. Мантиқий масалалалрни ўрганишда турли белги (символ)лардан фойдаланиш унинг ютуғи ҳисобланади.

Унинг мантиқ илмида тафаккур шакллари бўлган тушунча, хукм, хulosha чиқариш, уларнинг тузулиши, турлари, шунингдек исботлаш масалалари кенг ва ҳар томонлама таҳлил этилади.

Яна бир Ўрта Осиёлик мутафаккир Абу Райхон Беруний бўлиб, мантиққа оид асарлар ёзмаган бўлса ҳам, унинг қонун қоидаларидан кенг фойдаланган. Мисол учун илмий методнинг асосий принциплари унинг «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида кўрсатиб ўтилган. Бу қуидагилардан иборат.

- Ақлни бекорчи фикрлардан тозалаш.
- Тажрибага асосланishi.
- Билишни, аввало, предметни ташкил этувчи элементлардан бошлиш.
- Ҳиссий билишга асосланган дедукциядан фойдаланиш.
- Мантиқий фикрлаш; анализ қилиш ва умумлаштириш.

- Кузатиш, таққослаш, қиёслаш орқали ҳақиқатни аниқлаш.
- Маълум нарсалардан номаълум бўлганлигига яқиндагисига қараб фикр юритиши.

- Узоқ ўтмишни билиш учун предметнинг, ҳодисанинг тарихи ва у ҳақда бошқаларнинг берган маълумотларини ўрганиш.

Айтиш мумкинки Беруний, Р.Декарт ва Ф.Беконлардан аввалроқ илмий билиш методининг зарурлигини таъкидлаган ва унинг асосий қоидаларини принципларини ишлаб чиқкан. Мантиқ илмининг кейинги ривожи айниқса Европа давлатларида яққол кўзга ташланади. Европада уйғониш, янги ва энг янги давр мутафаккирлари мантиқ илмига самарали ҳиссаларини қўшганлар.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 2.1. Форобийнинг мантиқий қарашларини тушунтириб беринг?
- 2.2. Ибн Сино ва Беруний таълимотларида мантиқнинг роли қандай бўлган?

### **3-асосий саволнинг баёни:**

XIX асрнинг ўрталарига келиб мантиқ илмида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. У Арасту мантиқий системасига асосланган ананавий формал мантиқдан тубдан фарқ қиласидиган, математик методлардан кенг фойдаланадиган символик мантиқ (ёки математик мантиқ) нинг шакланиши билан боғлиқ унинг негизида Лейбниц илгари сурган, Муҳокамаларга ҳисоблаш тусини беришнинг мумкинлиги ва унинг самарадорлиги хакидаги ғоя ётади. XIX асрнинг ўрталари XX асрнинг бошларида бу ғояни Ж.Буль, Де-Марген, Ч. Пирс, Г. Фреге ва бошқа таниқли олимлар амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

XX асрнинг бошларига келиб символик мантиқ, мантиққа оид илмлар доирасида мустақил фан сифатида шаклланди. Символик мантиқ бўйича дастлабки уч жилдлик фундаментал асар-«Principia mathematica» Б. Рассел ва А. Уайтхедлар томонидан яратилган ва у 1910-1913 йилларда нашр этилди. Бу асарда ананавий мантиқнинг баъзи муаммолари ҳамда унинг доирасида қўйиб бўлмайдиган масалалар янгича ёндашиш асосида, символик мантиқ воситалари ёрдамида таҳлил этилган.

Шунингдек, XX асрда ноанъанавий мантиқнинг турли хил йўналишлари, хусусан кўп қийматли мантиқий системалар, конструктив мантиқлар ва бошқа мантиқий назария вужудга келди ва ривожланди.

XX асрда мантиқ илмининг маълум йўналишлари ривожига, Витъенштейн, К. Поппер, В.А.Смирнов, Хинтакки кабилар ҳам ўзларининг муносаб ҳиссаларини қўшдилар. Ҳозирги пайтда мантиқ ўзининг турли хил соҳалари ва йўналишларида тараққий этиб бормоқда.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 3.1. Янги даврда мантиқ илмида қандай методлар яратилди?
- 3.2. Р. Декарт ва Ф. Бекон методларининг бир-биридан фарқи нимада?
- 3.3. Формал мантиқ терминини фалсафага ким кирифтган?
- 3.4. XIX-XX асрларда мантиқ илмида қандай йўналишлар вужудга келди?

### **Адабиётлар:**

1. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиев. Мантиқ. “Ўқитувчи”, 1993 й. 3 боб.
2. Ўзбекистонни ижтимоий фикрлар тарихидан лавҳалар. М. Ҳайруллаев тахрири остида Т.: 1995 й.
3. И. Раҳимов. Мантиқ. Т.: “Университет” 1994 й. 8-26 бетлар.
4. И.Раҳимов. Логикадан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: “Ўқитувчи” 1998 й. 1-боб.
5. Т.Ёқубов. Математик логика элементлари. Т.: “Ўқитувчи”, 1983 й.
6. М.Шарипов, Д.Файзихўжаева. Мантиқ. Т. 2001 й., 16-47 бетлар.

### **3-Мавзу: Тұғри фикрлашнинг формал мантиқ қонунлари.**

#### **Асосий саволлар:**

1. Формал мантиқ қонунлари ва уларнинг аҳамияти.
2. Айният ва нозидлик қонуни.
3. Учинчиси истисно ва етарли асос қонуни.

#### **Мавзуга оид таянч түшүнча ва иборалар:**

Тафаккур қонуни, тұғри Мұхокама юритиш принциплари, тұғри қурилган фикр, айният қонуни, нозидлик қонуни, учинчиси истисно қонуни, етарли асос қонуни.

#### **1-асосий саволнинг баёни:**

Оlamдаги нарса ва ҳодисалар ҳаракати үзига хос ички қонунлар асосида юзага келади. Бу ҳаракатнинг инсон онгидаги инъикоси, яъни тафаккур жараёни ҳам үзига хос объектив қонуниятлар асосида амалга ошади.

Фалсафада қонун, түшүнчеси нарса ва ҳодисаларнинг мухим, зарурий, умумий, нисбий барқарор муносабатларини ифодалайды. Формал мантиқ илмида қонун түшүнчеси фикрлаш элементлари ўртасидаги ички, мухим, зарурий алоқадорлыкни ифодалайды.

Мантикий тафаккур икки турдаги қонунларга бўйсинади. Улар диалектика қонунлари ва формаллашган мантиқ қонунларидир. Диалектика қонунлари объектив олам ва билиш жараёнига хос бўлган энг умумий қонунлар бўлиб диалектик мантиқ илмининг ўрганиш соҳаси ҳисобланади. Формаллашган мантиқ қонунлари фақат тафаккурдагина амал қиласи. Диалектика қонунлари мантикий тафаккурни, унинг мазмуни ва шакли бирлигига олиб ўрганса, формал мантиқ қонунлари эса фикрнинг тұғри тузулишини, унинг аниқ, изчил, зиддиятсиз ва асосланган бўлишини эътиборга олган ҳолда ўрганади.

Формал мантиқ қонунлари (ёки тафаккур қонунлари) дейилганды фикрлашга хос мухим, зарурий боғланишлар тушунилади. Тафаккур қонунлари объектив воқеликнинг инсон миясида узоқ вақт давомида акс этиши натижасида вужудга келган ва шаклланган.

Бу қонунлар фикрлашнинг тұғри амалга ошишини таъминлаб туради. Улар тафаккур шакллари бўлган түшүнчалар, мулоҳазалар (хукм), ҳамда хулоса чиқаришнинг шаклланиши ва ўзаро алоқадорлигини ифодалайды.

Тафаккур қонунлари юзаки қараганда субъектив қонунлардек бўлиб туюлса ҳам, аслини олганда объектив мазмунга эгадир. Бу қонунлар ҳамма кишиларнинг фикр юритишида бир хил амал қилувчи умуминсоний қонунлардир. Уларни бузиш, алмаштириш, ўзgartириш, янгилаш мумкин эмас.

Тафаккур қонунларига амал қилиш, тұғри, тушунарлы, аниқ - изчил, зиддиятсиз, асосланган фикр юритишига имкон беради.

Инсон тафаккурига хос бўлган мухим хислатлардан бри фикрнинг аниқ бўлишидир. Маълумки, объектив воқеликдаги ҳар бир буюм, ҳодиса үзига хос белги ва хусусиятларга эга. Бу белги ва хусусиятлар буюм ва ҳодисаларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг үзига хос томонларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида буюм ва ҳодисаларни инсон тафаккурида аниқ акс этишини ҳар бир фикр мулоҳазанинг аниқ равshan ифодаланишини таъминлайди. Фикрнинг ноаниқлиги фикрдаги мантиқнинг саёзлашувига мантиқсизликка олиб келади. Масалан объектив ва субъектив сабаб түшүнчаларининг моҳиятини аниқлаб олмасдан бирор ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари тұғрисида аниқ фикр юритиб бўлмайди. Шу сабабли фикрдаги аниқлик тұғри тафаккурлашнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

Объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисанинг жойлашиши ўзаро муносабати ва боғланишида муайян тартиб, изчиллик, кетма-кетлик мавжуддир. Буюм ва ҳодисаларнинг бу хусусиятлари фикрлаш жараёнининг изчил амалга ошишида ўз ифодасини топган. Тафаккурга хос бўлган изчиллик белгиси ҳар бир фикрнинг муайян тартибда ўзаро боғланган ҳолда баён этилишини талаб қиласи. Фикрдаги изчилликни бузилиши фикр маъносининг

ўзгаришига олиб келади ва бундай фикрни тушуниш қийин кечади. Масалан, бирор файласуфнинг умумфалсафий қараашларини ўрганмасдан, унинг ижобий ёки аҳлоқий таълимотини тўлиқ тушуниб бўлмайди.

Тафаккурга хос бўлган белгилардан яна бири фикрлаш жараёнининг зиддиятсизлик хусусиятига эга бўлишилигидир. Бу белги ҳам объектив асосга эга. Маълумки, объектив воқеликда ҳар бир буюм ёки ҳодиса бир вақтнинг ўзида бирор сифатига кўра икки зид белгига эга бўлмаган. Масалан, бирор буюм бир вақтнинг ўзида ҳам бор ҳам йўқ бўла олмайди. Фикрда мантиқий зиддиятларнинг мавжуд бўлиши унинг ноаниқ тушунарсиз бўлишига олиб келади. Буюм ва ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишлар тафаккурга хос бўлган асослилик белгисининг объектив негизидир. Инсон фикр юритиш жараёнида иложи борича чинлиги асосланган мулоҳазаларни баён қилишга интилади.

Юкорида баён қилинган белгилар тафаккур қонунларининг мазмунини ташкил қилиб тўғри фикр юритишга хизмат қиласди.

#### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Тафаккур қонунлари нималарни акс эттиради?
- 1.2. Диалектик қонунлар ва формал мантиқ қонунларининг фарқи нимадан иборат?
- 1.3. Тафаккур қонунларини объективлиги ва универсаллиги нимада?

#### **2-асосий саволнинг баёни:**

Бирор буюм ёки ҳодиса ҳақида фикр юритилганда уларга хос бўлган барча муҳим белгилар, томонлар қамраб олинади. Предмет ҳақидаги фикр неча марта ва қандай ҳолатларда тақрорланишига қарамасдан доимий ўзгармас ва қатъий мазмунга эга бўлади. Тафаккурга хос бўлган бу аниқлик хусусияти айният қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Айният қонунига кўра маълум бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикр айни бир муҳокама доирасида айни вақтда ўз-ўзига тенгдир. Бу қонун формал мантиқда «А-А дир» формуласи орқали ифодаланади.

Айният қонунининг асосий талаби қуидагича; Фикрлаш жараёнида турли фикрларни айнанлаштириш ва аксинча, ўзаро айнан бўлган фикрларга тенг эмас, деб қараш мумкин эмас. Бу мантиқий тафаккурнинг муҳим шартларидан биридир. Фикрлаш жараёнида бу қонунни билиб ёки билмасдан, бузиш ҳолатлари учрайди. Баъзан бу ҳолат бир фикрнинг тилда турли хил ифодаланиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, «Диалетика қонунлари» ва «Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг умумий қонунлари» тушунчалари шаклига кўра турлича бўлсада мазмунан айнандир.

Тилда мавжуд бўлган омоним ва синоним сўзларининг қўлланиши ҳам баъзан турли фикрларнинг ўзаро айнанлаштирилишига, яъни нотўғри муҳокамага олиб келади. Масалан, фалсафий нұқтаи назардан «Сифат» тушунчаси ўзига хос мазмунга эга бўлса, бирор ҳунарманд томонидан бу тушунча, бошқа мазмунда (яроқли, фойдали) қўлланилади.

Баҳс мунозара жараёнида қандай қилиб бўлса ҳам рақибни алдаш ва ютиб чиқиши мақсадида айният қонунининг талабларини атайлаб бузувчилар софистлар деб аталади. Уларнинг таълимоти софистика дейилади.

Баъзан турли маънодан турли сўзларни моҳирлик билан ишлатиш орқали ажойиб шеърий мисралар яратилади. Шарқ адабиётида «Гуюқ» номи билан маълум бўлган бу шеърий мисралар гўзаллиги, инсоннинг ўзига хос завқ бериши билан ажralиб туради. Шунингдек ўзбек халқига хос бўлган асқия санъатида айният қонунлари атайлаб бузилишини, тушунчаларни ўз маъносида эмас балки, кўчма маънода қўлланилишини кузатиш мумкин.

Демак ҳаётда, амалиётда тушунчалар турли маъноларда қўлланишида ғаразли ёки бегараз, яхши ёки ёмон мақсадлар учун фойдалиш мумкинлигини кўрамиз.

Айният қонуни предмет ва ҳодисаларнинг нисбий барқарорлигини ифода этган ҳолда тафаккурнинг ривожланишини тушунчалар ва билимимизнинг ўзгариб бойиб боришини инкор этмайди. Бу қонун фикрнинг мазмуни предмет ва ҳодисаларни тўлароқ билиб боришимиз билан ўзгаришини эътироф этади ва уни ҳисобга олишни тақозо этади. Бу

қонунинг талаблари тафаккурнинг ҳар бир шаклига хос бўлиб конкрет қоидаларида аниқ ифодаланади. Тафаккурнинг тушунча, мулоҳаза(хукм), хулоса чиқариш шакллари улар ўртасидаги муносабатлар шу қонунга асосланган ҳолда амалга ошади.

Инсон тафаккури аниқ равshan бўлигина қолмасдан зиддиятсиз бўлиши ҳам зарур. Зиддиятсизлик инсон тафаккурига хос бўлган энг муҳим хислатлардан биридир. Маълумки, объектив воқеликдаги буюм ва ҳодисалар бир вақтда бир хил шароитда бирор хусусиятга ҳам эга бўлиши ҳам эга бўлмаслиги мумкин эмас. Масалан, инсон бир вақтда ва бир хил шароитда ҳам ахлоқли, ҳам ахлоқсиз бўлиши мумкин эмас. У ё ахлоқли ё ахлоқсиз бўлади. Бир вақтнинг ўзида бир предметга икки зид хусусият тааллуқли бўлмаслиги тафаккурда нозидлик қонуни сифатида шаклланиб қолган. Бу қонун фикрлаш жараёнида зиддиятга йўл қўймасликни талаб қиласди ва тафаккурда зиддиятсиз изчил бўлишини таъминлайди.

Нозидлик қонуни айни бир предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки ўзаро бир-бирини истисно қилувчи (қарама қарши ёки зид) фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлиши мумкин эмаслигини, хеч бўлмаганда улардан бири албатта хато бўлишини ифодалайди. Бу қонун «А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмайди» формуласи орқали ифодаланади.

Нозидлик қонуни қарама-қарши зид мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади. Бунда қарама-қарши мулоҳазаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир вақтда хато бўлиши мумкин. Ўзаро зид мулоҳазалар эса бир вақтда хато бўлмайди. Улардан бири чин бўлса иккинчиси албатта хато бўлади. Масалан, «Гулистан- Сирдарё вилоятининг маркази» ва «Гулистан-Сирдарё вилоятининг маркази эмас» бу ўзаро зид мулоҳазалар улардан биринчиси чин иккинчиси хато. Ўзаро қарама-қарши бўлган «Бу олма ширин» ва «Бу олма нордон» мулоҳазаларининг икаласи бир вақтда ва бир хил нисбатда хато бўлиши мумкин. Чунки олма ширин ва нордон бўлмаслиги балки bemaza ва аччиқ бўлиши мумкин.

Баъзида икки қарама-қарши фикр айтилганда мантиқий зиддият бўлмаслиги мумкин. Бунда бир масала юзасидан баён қилинган қарама-қарши фикрлар турли вақтда ва турли нисбатда айтилган бўлади. Масалан, «Талаба А мантиқ фанидан имтиҳон топширмади» ва «Талаба А мантиқ фанидан имтиҳон топширди». Бу зид мулоҳазалар турли вақтга нисбатан чин бўлади, яъни улар ўртасида зиддият бўлмайди.

Демак фикрлаш жараёнида вақт, муносабат ва объект бирлигининг сақланиши нозидлик қонунининг амал қилиши учун зарурӣ шарт-шароит ҳисобланади. Нозидлик қонуни тўғри фикр юритиш жараёнида амал қиласди.

Мантиқ илми умуман ҳар қандай зид мулоҳазаларни таъкидламайди, балки бир масала юзасидан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид, қарама-қарши мулоҳазаларни баён қилиш мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Нозидлик қонунини билиш ва унга амал қилиш рақибининг сухбатдошнинг фикрларидаги мантиқсизликни аниқлаш илмий таҳлилни изчил ва чуқур мантиқий асосда олиб бориш имконини беради.

### **Муҳокама учун саволар;**

- 2.1. Айният қонунидан келиб чиққадиган асосий талаб нималардан иборат.
- 2.2. Нозидлик қонунининг моҳияти нимада.

### **3-асосий саволнинг баёни:**

Учинчиси истисно қонуни нозидлик қонунининг мантиқий давоми бўлиб, фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси хато учинчисига ўрин йўқ эканлигини ифодалайди. Бу қонун «А В ёки В эмасдир» формуласи орқали ифодаланади.

Учинчиси истисно қонуни тушунчалар ўртасидаги зид муносабатларни ифодалайди. Агарда зид муносабатлар тушунчанинг тўлиқ мазмунини қамраб олмаса икки зид белгилардан бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлиги маълум бўлса, унда учунчиси истисно қонуни амал қилмайди. Масалан, Талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди. Талаба имтиҳонда «икки» баҳо олди. Бу мулоҳазалар муносабатида нозидлик қонуни амал қиласди. Чунки бу мулоҳазаларнинг ҳар иккиси ҳам хато бўлиши талаба имтиҳонда «ўрта» ёки «яхши» баҳо

олиши мумкин. Агар талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олди ва талаба имтиҳонда «аъло» баҳо олмади, мулоҳазаларни таҳлил қисак бири чин бошқаси хато, учинчисига ўрин йўқ эканлиги маълум бўлади. Чунки, «яхши», «ўрта», «иккиси» баҳолар «аъло» баҳо эмас.

Учинчиси истисно қонуни қўйидаги ҳолатларда қўлланилади.

1. Алоҳида олинган якка буюмга нисбатан бир хил вақт ва муносабат доирасида ўзаро зид фикр билдирилганда.

Масалан: Тошкент –Ўзбекистоннинг пойтахти.

Тошкент –Ўзбекистоннинг пойтахти эмас.

Бу мулоҳазалар биргаликда чин ҳам хато ҳам бўла олмайдилар. Улардан бири чин, иккинчиси хато учинчи мулоҳазага ўрин йўқ. Учинчиси истисно қонуни ўзаро зид умумий мулоҳазалар доирасида амал қилмайди. Чунки умумий мулоҳазаларда буюмлар синфига ва шу синфга мансуб ҳар бир буюмга нисбатан фикр билдирилади.

Масалан: Ҳамма файласуфлар нотикдир.

Ҳеч бир файласуф нотик эмас.

Бу мулоҳазалардан бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолатда «Баъзи файласуфлар нотикдир» деган учинчи бир мулоҳаза чин ҳисобланади.

2. Сон ва сифатига кўра ўзаро зид мулоҳазалар баён қилинганда, буюм ва ҳодисаларининг синфи ҳақида тасдиқлаб баён қилинган мулоҳаза билан шу синф буюм ва ҳодисаларининг бир қисми ҳақида инкор этиб баён қилинган мулоҳазалардан бири чин, иккинчиси хато, учинчига ўрин бўлмайди.

Масалан: Ҳамма файласуф табиатшуносdir  
Баъзи файласуфлар табиатшунос эмас

Бу икки мулоҳаза бир вақтда чин ҳам, ҳато ҳам бўла олмайди. Улардан бири (Баъза файласуфлар табиатшунос эмас) албатта чин, иккинчиси хато, учинчи мулоҳазага ўрин йўқ.

Демак учинчиси истисно қонун:

1. Икки зид якка мулоҳазаларга нисбатан.
2. Умумий тасдиқ ва жуъзий инкор мулоҳазаларга нисбатан.
3. Умумий инкор ва жуъзий тасдиқ мулоҳазаларга нисбатан қўлланилади.

Учинчиси истисно қонунида ҳам нозидлик қонунидаги каби вақт муносабат, обьект айнанлигига риоя этиш шарт акс ҳолда бу қонун ўз кучини йўқотади. Фикрнинг изчиллигига зарар етади ва мантиқсизликка йўл қўйилади. Бу қонун бошқа мантиқий қонунлар сингари зиддиятли мулоҳазаларнинг чин ёки хатолигини аниқлаб беролмайди. Бунинг учун воқеа ҳодисаларни, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш талаб қилинади. Инсон ўз билимларига асосланиб зид мулоҳазалардан қай бири чин ёки хато эканлигини аниқлайди. Бу қонун ўзаро зид мулоҳазалар бир вақтда чин бўлмаслигини тасдиқлайди. Яна бу қонун муҳокама юритишда тўғри хулоса чиқариш учун муҳим бўлиб ўзаро зид қарашларни аралаштириб юборишга йўл қўймайди.

Тўғри фикрлашга хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири исботлилик, ишончлилиkdir. Яъни баён қилинган фикрнинг чинлиги аввалдан маълум бўлган тасдиқланган бошқа бир фикр мулоҳаза билан таққосланади. Тафаккурнинг бу хусусияти етарли асос қонуни орқали ифодаланади.

Инсон тафаккурига хос бўлган бу қонунни биринчи бўлиб немис файласуфи ва математиги Г. Лейбниц таърифлаб берган. Унинг таъкидлашича, барча мавжуд нарсалар ўзининг мавжудлиги учун етарли асосга эга. Ҳар бир буюм ва ҳодисанинг асоси бўлгани каби, уларнинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши керак. Етарли асос қонуннинг бу талаби қўйидаги формула орқали ифодаланади. «Агар В мавжуд бўлса унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд».

Етарли асос қонунида тўғри тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган фикрнинг изчиллик билан муайян тартибда боғланиб келиш хусусияти ифодаланади. Бу қонун юқорида кўриб ўтилган қонунлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қиласи.

Фикрлаш жараёнида берилган мулоҳазанинг чинлигини асослаш учун келтирилган чин мулоҳазалар мантиқий асос деб, берилган мулоҳазанинг ўзи эса мантиқий натижа деб юритилади.

Мантиқий асос билан объектив ҳақиқий реал асосни аралаштириб юбориш мумкин эмас. Асос ва натижа орасидан мантиқий боғликларни сабаб ва оқибат алоқадорлигидан фарқлаш зарур. Масалан, «Бу киши бемор» деган мулоҳазани «У шифохонада даволанаяпти» деган фикр билан асослаш мумкин. Аслида шифохонада даволаниш дастлабки мулоҳазанинг сабаби эмас балки, оқибатидир. Кўриниб турибдик, мантиқий асос ҳамма вақт ҳам ҳодисанинг сабаби билан мос келмайди.

Инсоннинг шахсий тажрибаси макон ва замонда чегараланган бўлиб, сезгилари берган маълумот эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлмайди. Шунга қармасдан, мулоҳазаларни эмпирик асослашни аҳамияти катта, чунки билим жонли, ҳиссий мушоҳададан, бевосита кузатишдан бошланади. Ҳиссий тажриба инсонни ташқи олам билан боғлаб туради. Назарий билим эса эмпирик базиснинг усткурмаси хисобланади. Умумий чин мулоҳазалар сифатида фанларни қонун-қоидларидан, тушунчаларнинг таърифларидан, шунингдек аксиомалардан фойдаланилади. Буларнинг барчаси назарий асослашнинг рационал ёки демонстратив усуллари бўлиб, улар умуммиллий аҳамиятга эга бўлган исботлаш методларининг асосини ташкил этади.

Шунингдек, асослашни субъектив ҳарактерда бўлган ва бевосита тажриба натижаларига ёки назарий фикр юритишга таалукли бўлмаган усуллари мавжуддир. Интуицияга, эътиқодга, авторитетларга ва урф-одатларга асосланниш шундай усуллар жумласига киради. Бу усуллардан кўпроқ кундалик онг даражасида фойдаланилади.

Интуиция ҳеч қандай муҳокама ва исботларсиз тўғридан-тўғри ҳақиқатга эришиш қобилиятини ифодалайди. Интуиция лотинча – «*intuitio*» сўзидан олинган бўлиб, «диққат билан тикилиб қарайман» деган маънони билдиради. Интуиция ҳақиқатни аниқлашда етарли асос ҳисоблансада лекин бу ҳақиқатга бошқаларни ишонтириш учун етарли ҳисобланмайди.

Эътиқод кишининг ишончини қозонган ва шунинг учун унинг фаолиятида, ҳатти-ҳаракатларини белгилаб берадиган унинг дастури бўлиб ҳизмат қиласиган қарашларни мажмуасидан иборат. Интуиция каби эътиқод ҳам субъектив ҳарактерда бўлиб, давр ўтиши билан ўзгариб туради. «Англаш учун эътиқод қиласман»-деган эди Авлиё Августин ва Ансельм Кантерберийскийлар (1033-1109) Француз файласуфи ва теологи Пеър Абеляр (1079-1142) ақл ва эътиқоднинг ўзаро нисбатини ҳаққоний кўрсатган ҳолда «Эътиқод қилиш учун тушунаман» дейди. Албатта эътиқод ҳакида фикр юритганда кўр-кўрона эътиқод билан тарихий ва ҳаётий тажриба натижаси бўлган, билимга асосланган эътиқодни фарқлаш зарур. Фақат илмий билимга асосланган эътиқодгина фикр ва мулоҳазаларнинг чинлигини аниқлашда етарли асос бўлади. Шунинг учун ҳам улар инсон қалбida мустаҳкам ўрнашиб қолади. И.А.Каримов «Миллий мафкура-бу халқни, миллатни ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир» деганда айнан шуни назарда тутган<sup>1</sup>.

Авторитет (avtoritas ҳокимият, таъсир) деганидир. Авторитетларга асосланниш деганда эса, бирор фикр, мулоҳазанинг чинлигини асослашда обрўли, эътиборли нуфузли манбаларга мурожат қилиш тушунилади. Урф-одатларга асосланган ҳолда фикр юритиш ва ҳаракат қилиш кўпинча кишиларнинг турмushi, ахлоқий меъёрлари ва халқ маросимлари доирасида намоён бўлади. Жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан бирор шахс ёки воқеа ҳодисага нисбатан бўлган муносабат муайян урф-одатлар билан асосланади. Бунда бирор ҳатти-ҳаракатни асослаш учун «урф-одатларимизга кўра» деб фикр юритилади.

Фикр – мулоҳазаларни асослаш мураккаб мантиқий жараён бўлиб унда бир ёки ундан ортиқ ўзаро боғланган муҳокамалар системасидан фойдаланилади. Мулоҳазаларнинг чинлигини асослаш тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб фикрларимизнинг мантиқли тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди.

### **Муҳокама учун саволлар:**

<sup>1</sup>. И.А.Каримов. Дошишманд щал=имизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Фидокор газетаси. 2000 й. 8 июнь.

3.1. Учинчиси истисно қонуни инсон олдига қандай талаб қўяди?

3.2. Етарли асос қонуни тўғри муҳокама юритиш учун зарур бўлган қандай талабни ифода этади?

**Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й.
2. И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Мулоқот” 1998 й. № 5.
3. И.А.Каримов. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. Фидокор газетаси. 2000 й. 8 июнь.
4. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мағкурасини ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Фидокор газетаси муҳбери саволларига жавоблари. Т.: “Ўзбекистон” 2000 й.
5. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиев. Мантиқ. “Ўқитувчи” 1993 й. 4 боб.
6. И. Раҳимов. Мантиқ. Т. “Университет” 1994 й. 37-45 бетлар.
7. И.Раҳимов Логикдан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: “Ўқитувчи” 1998 й. 4-боб.
8. М.Шарипов, Г. Файзихўжаева. Мантиқ. Т.: 2001 й. 56-70 бетлар.

## **4-Мавзу: Тушунча ва Ҳукм.**

### **Асосий саволлар:**

1. Тушунчанинг моҳияти ва тушунча шаклланишининг мантиқий усуллари.
2. Ҳукмнинг моҳияти ва унинг турлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** Предмет белгиси, умумий муҳим белгилар, муҳим белгилар, таққослаш, анализ синтез, умумлаштириш, сўз, тушунча, унинг мазмуни, ҳукм, гап, субъект, предикат, оддий ҳукмлар, мураккаб ҳукмлар.

### **1-асосий саволнинг баёни:**

Тушунча предмет ва ҳодисаларнинг умумий муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шаклидир.

Белгилар деб предметларни бир-биридан фарқ қилувчи ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшашлигини ифода қилувчи томонларга, хусусиятларга айтилади. Ҳар бир предмет оламдаги бошқа предметлар билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлганлиги учун, баъзи предметларга факат индивидуал белгилар хос бўлса баъзиларига эса умумий белгилар тегиши бўлади.

Индивидуал ва умумий белгиларнинг баъзилари предметнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлиб, уларнинг табиатини, моҳиятини ифодалайди. Бундай белгилар предметнинг муҳим белгилари дейилади. Масалан, давлатнинг мавжуд бўлиши учун унинг ўз майдони, аҳолиси, ҳокимият органларига эга бўлишини тақозо этади.

Номуҳим белгилар предметнинг моҳиятини ташкил қилмайди. Уларнинг йўқолиши билан предметнинг табиати ўзгармайди. Масалан, қайси ирқقا, миллатга, жинсга тааллуқли бўлиши, индивиднинг инсон сифатида мавжуд бўлиши учун муҳим эмас. Хусусан бир муносабатда муҳим бўлмаган белгилар, бошқа муносабатда муҳим бўлиши мумкин. Масалан, кишининг лаёқати унинг қандай касбни танлаши учун муҳим бўлса, инсон сифатида мавжуд бўлиши муҳим эмас. Ниҳоят предмет тўҳтовсиз ҳаракатда, тараққиётда бўлганлиги учун, вақт ўтиши билан унинг муҳим бўлган белгиси номуҳим бўлган белгига ёки аксинча номуҳим белгиси муҳим белгига айланиши мумкин. Масалан, бевосита кузатиладиган фактлар эмпирик билим босқичида муҳим аҳамиятга эга бўлса, назарий билим босқичида унга камроқ мурожаат қилинади.

Тушунча ҳиссий билиш шаклларидан фарқли ўлароқ инсон миясида тўғридан-тўғри акс этмайди. У маълум бир мантиқий усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳосил қилинади. Бу усуллар таққослаш, анализ, синтез, абстракциялаш, умумлаштиришдан иборат.

Таққослаш ёрдамида предметлар ўзаро солиштирилиб, уларнинг ўхшаш, умумий томонлари, ва бир-биридан фарқ қилувчи индивидуал белгилари аниқланади. Таққослаш анализни тақозо қиласди. Анализ ёрдамида предмет фикран уни ташкил қилувчи қисмлар, томонларга ажратилиб, ҳар қайсиси алоҳида ўрганилади.

Синтез анализга тескари усул бўлиб, у анализ давомида ажратилган қисмлар, томонларни фикран бирлаштириб, предметни бир бутун ҳолга келтиришдан иборат.

Тушунча ҳосил қилиш учун предметнинг юқоридаги усуллар билан аниқланган умумий ва индивидуал белгиларининг муҳимлари ажратилиб, номуҳимлари четлаштирилиши лозим, бу эса абстракциялаш ёрдамида амалга оширилади. Умумлаштиришда предметлар уларнинг айрим умумий муҳим хусусиятларига кўра синфларга бирлаштирилади ва шу тариқа битта тушунчада бир жинсли предметларнинг барчасини фикр қилиш имконияти яратилади.

Тушунчалар сўз ва сўз биримлари ёрдамида ифода қилинади. Масалан, «Талаба» «Тарих факультети» «ГулДУ» ва шу кабилар сўзлардан иборат. Лекин бундан тушунча ва сўз айнан бир хил деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Битта тушунча ҳар хил тилларда, баъзан бир хилда ҳам турли хил сўзлар билан ифода қилинади. Шуни ҳам айтиш лозимки, сўзнинг кўп маънога эга бўлиши баъзан фикр юритиш жараённида тушунчаларни

аралаштириб юборишига олиб келади. Шунинг учун ҳам фан ва техникада кўпроқ терминлардан фойдаланилади. Термин қатъий битта тушунчани ифода қилувчи сўз бўлиб, муайян илмий билиш соҳасида бир хил маънода ишлатилади.

Тушунча ўзининг мазмuni ва ҳажмига эга. Тушунча мазмунини унда фикр қилинаётган предметнинг муҳим белгиларининг йиғиндиси ташкил қилади. Масалан, «Фан» тушунчасининг мазмuni фаннинг муҳим белгилари, қонунлари, шу фаннинг амалиёт билан алоқада эканлиги, дунёқарашнинг шаклланишида иштирок қилиши ва шу кабилар ташкил қилади.

Тушунчанинг ҳажми эса унда фикр қилинаётган предмет йиғиндисидан иборат. Масалан, юқорида мисол қилинган «Фан» тушунчасининг ҳажми мавжуд барча фанларни математика, физика, мантиқ ва ҳ.к. ларни ўзида қамраб олади.

Тушунча мазмuni ва ҳажми бўйича бир қанча турларга бўлинади. Хусусан ҳажмига кўра якка, умумий тушунчалар фарқ қилинади. Масалан, «Ер планетаси», «ГулДУ кутубхонаси» ва шу кабилар якка тушунчалардир. Умумий тушунчалар предметлар гуруҳини акс эттиради. «Планета», «Кутубхона» тушунчалари умумий ҳисобланади.

Мазмuni бўйича тушунчалар абстракт ва конкрет тушунчаларга бўлинади. Масалан, «Инсон», «Табият» тушунчалари конкретдир. «Қаҳрамонлик» (инсонга хос хусусият) «гўзаллик» (борлиқдаги предметларга хос хусусият) тушунчалари абстрактдир.

Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш, тушунчалар устида олиб бориладиган амаллар ҳисобланади. Улар тушунчаларнинг мазмuni ва ҳажми ўртасидаги тескари миқдорий нисбат қонунига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Тушунчани чегаралаш, ҳажми кенг тушунчадан ҳажми тор тушунчага (жинс тушунчадан тур тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Масалан, «Механик ҳаракат» тушунчасидан «Айланма ҳаракат» тушунчасига ўтсак унинг ҳажмини чегаралаган бўламиз. Чегаралаш амалини давом эттириб, «Ерни ўз ўқи атрофида айланиши» тушунчасига ўтиш мумкин. Демак чегаралаш давомида ҳосил бўлган ҳар бир янги тушунча аввалгисига нисбатан тур тушунча бўлади. Чегаралаш амали якка тушунча ҳосил бўлгунча давом эттирилиши мумкин. Чунки, якка тушунчага нисбатан тур бўлган тушунча йўқ. Тушунчани чегаралаш амалининг схемаси қўйидагича.

- A. – Ҳаракат.
- B. – Механик ҳаракат.
- C. – Айланма ҳаракат.
- D. – Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши.

Тушунчани умумлаштириш ҳажми тор тушунчадан ҳажми кенг тушунчага (тур тушунчадан жинс тушунчага) фикран ўтишдан иборат. Бунда берилган тушунча тур тушунча деб қабул қилиниб, унинг мазмунидан тур ҳосил қилувчи белгилар чиқариб ташланади. Натижада мазмун жиҳатдан унга нисбатан кенгроқ, лекин ҳажмига кўра торроқ бўлган жинс тушунча ҳосил бўлади. Масалан, айланма ҳаракат тушунчасинг мазмунидан фақат унга хос бўлган тур белгиларини чиқариб ташласак, «Механик ҳаракат» тушунчасини ҳосил қиласиз. Умумлаштириш амалининг чегараси энг умумий тушунча яъни категориядир. Чунки категориялар учун жинс бўлган тушунча йўқ. Тушунчани умумлаштириш амалининг схемаси қўйидагича.

- A. – Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши.
- B. – Айланма ҳаракат.
- C. – Механик ҳаракат.
- D. – Ҳаракат.

Умуман тушунчаларни тўғри англаш инсон ҳаётида фикрларни бир-биридан чалкаштириб юбормаслик учун хизмат қиласи.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1 Тушунча ва сўз ўртасида қандай алоқа мавжуд?
- 1.2 Тушунчалар қандай мантикий усуллар ёрдамида ҳосил бўлишини тушунтиринг?

1.3 Предметнинг муҳим ва номуҳим белгиларини аниқлаш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

## 2-асосий саволнинг баёни:

Хўкм предметга маълум бир хоссанинг, муносабатнинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шаклидир. Хўкмнинг асосий вазифаси предмет билан унинг хусусияти, предметлар ўртасидаги муносабатларни кўрсатишдир. Ана шунинг учун ҳам у доимо тасдиқ ёки инкор шаклдаги фикрдан иборат бўлади. Хўкмлар нисбатан тугал фикрдир. Унда аниқ фикр билан унинг аниқ белгиси ҳақида билим ифода қилинган бўлади. Хўкмлар воқеликка мос келиш даражасига кўра чин, хато ва ноаниқ бўлади. Хўкмлар объектив воқеликка мос келса чин, акси бўлса хато, чинлиги ва хатолигини аниқлаб бўлмайдиган хўкмлар-ноаниқ хўкмлардир.

Хўкмлар, тилда, гаплар орқали ифодаланади. Хўкм мантиқий категория бўлса, гап граматик категориядир. Хўкмлар асосан дарак гаплар орқали ифодаланади. Фақат дарак гапдагина фикр тасдиқ ёки инкор ҳолда бўлади. Масалан, «Вақт орқага қайтмайди», «Ҳаёт бу-ҳаракат» каби гаплар хўкмни ифода этади.

Хўкмлар тузилишига кўра оддий ва мураккаб бўлади. Оддий хўкм деб, таркибидан яна бир хўкмни ажратиб олиб бўлмайдиган мулоҳазага айтилади. Масалан, «Мантиқ илмини ўрганиш тўғри фикрлаш маданиятини шакллантиради».

Мураккаб хўкмлар деб таркибидан икки ёки ундан ортиқ хўкмни ажратиш мумкин бўлган мулоҳазаларга айтилади. Масалан, «Мантиқ илми тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганади». Хўкм таркибida мантиқий эга- субъект S мантиқий кесим-предикат P орқали белгиланади. Хўкмнинг учинчи зарурӣ элементи мантиқий боғламадир. У объект ва предикатни бир-бири билан боғлайди натижада хўкм ҳосил бўлади. Бу қўйдагича S-P орқали ифодаланади.

Оддий хўкмлар сифатига ва миқдорига кўра турларга бўлинади. Сифатига кўра тасдиқ ва инкор хўкмлар фарқланади. Хўкмнинг сифатини мантиқий боғлама белгилайди. Тасдиқ хўкмларда белгининг предметга хослиги, инкор хўкмларда эса хос эмаслиги кўрсатилади. Масалан, «Математика аниқ фан» тасдиқ хўкм бўлса «Математика ижтимоий фан эмас» инкор хўкмдир. Миқдорига кўра оддий хўкмлар якка, умумий ва жуъзий хўкмларга бўлинади. Бунда субъектда ифодаланган предметнинг сони, яъни унинг ҳажмидан келиб чиқилади. Якка хўкмларда бирор белгининг предметга хослиги ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан, «Ахмедов тарихчи эмас». Умумий хўкмларда бирор белгининг якка предметлар синфининг ҳаммасига ёки ундаги ҳар бир предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ҳақида фикр баён қиласанди. Масалан, «Хеч бир ақлли одам вақтни беҳуда ўтказмайди». Жуъзий хўкмларда бирор белгининг предметлар тўпланишининг бир қисмига хос ёки хос эмаслиги ҳақида фикр билдирилади. Масалан, «Кўпчилик талабалар дангаса эмас».

Мулоҳазаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашда ва баъзи бошқа холатларда оддий хўкмнинг миқдор ва сифат бўйича бирлашган классификациясидан фойдаланилади. Улар қўйдагилардан иборат.

1. Умумий тасдиқ хўкмлар. Улар бир вақтда ҳам умумий ҳам тасдиқ бўлган фикрларни ифодалайди.

Масалан, «Ҳамма талабалар мантиқ илмини ўрганадилар» бу хўкмлар лотинча A ҳарфи билан белгиланади ва қўйдагича формула орқали ифодаланади. «Ҳамма S-P дир»

2. Умумий инкор хўкмлар бир вақтда ҳам умумий ҳам инкор бўлган фикрни ифодалайди. Масалан, «Ҳеч бир мусулмон, христиан эмас». У лотинча E ҳарфи орқали белгиланиб «Ҳеч бир S-P дир» формуласи орқали ифодаланади.

3. Жуъзий тасдиқ хўкмлар бир вақтнинг ўзида ҳам жуъзий ҳам тасдиқ бўлган фикрни билдиради. Масалан, «Баъзи талабалар маъсулиятлидир». У лотинча I ҳарфи билан белгиланиб, «Баъзи S-P дир» формуласи орқали ифодаланади.

4. Жуъзий инкор ҳукм бир вақтнинг ўзида ҳам жуъзий ҳам инкор фикрни ифодалайди. Масалан, «баъзи талабалар спорт билан шуғулланмайдилар». У лотинча О ҳарфи билан белгиланиб, «Баъзи S-P эмас» формуласи билан ифодаланади.

Мураккаб ҳукмлар. Ҳукм терминлари бирдан ортиқ бўлса, мураккаб ҳукм деб аталади. Мураккаб ҳукмлар «ва», «ёки», «агар», «унда» каби мантиқий боғламалар, инкор қилиш ва модал терминларни қўллаш орқали икки ва ундан ортиқ оддий ҳукмларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғловчининг мазмунига кўра мураккаб ҳукмларнинг қўйидаги асосий турларини фарқ қилиш мумкин: бирлаштирувчи, айирувчи, шартли, эквивалент.

Бирлаштирувчи (конъюнктив) ҳукмлар деб икки ва ундан ортиқ ҳукмларнинг «ва», «ҳам», «ҳамда» каби мантиқий боғловчилар воситасида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмларга айтилади. Масалан, «Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди».

Айирувчи (дизъюнктив) ҳукм деб «ё», «ёки», «ёхуд» мантиқий боғламалар воситасида оддий ҳукмлардан ташкил топган мулоҳазаларга айтилади. Бу боғловчилар икки оддий ҳукмни ёки бир қанча предикатларни, ёки бир қанча субъектларни бир-биридан айириб туради. Масалан, «Қодиров тарих, ёки иқтисод, ёки педагогика факультетида ўқииди».

Шартли (импликатив) ҳукм икки оддий ҳукмнинг «агар», «унда», мантиқий боғламаси орқали бирикишидан ташкил топади. Шартли ҳукмнинг моҳиятини аниқлаш учун зарурий ва етарли шарт тушунчаларини фарқлаш зарур. Ҳодисанинг зарурий шарти деб унинг мавжудлигини таъминлайдиган ҳолатга айтилади. Агар ҳодисанинг шарти зарурий бўлмаса, ҳодиса ҳам бўлмайди. Масалан, «Агар ўсимлик сувсиз қолса, у қурийди».

Шартли ҳукм таркибида асос ва натижа қисмлари фарқланади. Шартли ҳукмнинг «Агар» ва «унда» сўзлари оралиғидаги қисми-асос, «Унда» сўзидан кейинги қисми-натижа деб аталади. Масалан, «Агар ёмғир ёғса, унда кўчалар хўл бўлади»-натижа ҳисобланади. Демак асосда кўрсатилган ҳодиса, натижада қайд этилган ҳодисанинг келиб чиқиши учун етарли шартни ифодалаган ҳукм, шартли ҳукм дейилади.

Эквивалентлик ҳукмлари «Агар ва фақат агар», «унда» мантиқий боғловчиси ёрдамида икки оддий ҳукмнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлади. Табиий тилда эквивалентлик ҳукми шартли ҳукм қўринишида ифодаланади. Бундай ҳолатларда шартли ҳукмнинг эквивалент ҳукм эканлигини аниқлаш зарур. Агар шартли ҳукмнинг асоси натижада қайд этилган фикр учун зарурий ва етарли шарт ҳисобланса, унда бу ҳукм эквивалент ҳукм бўлади. Масалан, «Агар берилган бутун сон жуфт сон бўлса, унда у иккига қолдиқсиз бўлинади».

Умуман инсон ҳукмларни ўрганиш жараённида фикрларнинг чин, хато ёки ноаниқ эканлигини фарқлай олади.

#### **Мухокама учун саволлар:**

- 2.1. Ҳукмга бир неча мисоллар келтириб, уларнинг субъект, пред.икат, мантиқий боғловчиларини, сифат ва миқдорини аниқлаб кўрсатинг?
- 2.2. Оддий ва мураккаб ҳукмларнинг турларини мисоллар орқали тушунтиринг?
- 2.3. А.Е.И.О. ҳукмларини мисоллар орқали тушунтириб, изоҳлаб беринг?

#### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.: “Ўзбекистон” 1998 й.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т.: “Ўзбекистон” 1999 й.
3. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиев. Мантиқ. “Ўқитувчи” 1993 й. 6- боб.
4. Ўзбекистонни ижтимоий фикрлар тарихидан лавҳалар академик М. Ҳайруллаев таҳрири остида Т.: 1995 й.
5. И.Рахимов Логикдан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т. “Ўқитувчи” 1998 й. 3-боб
6. И. Раҳимов. Мантиқ. Т.: “Университет” 1994 й. 49-81 85-106. бетлар.
7. М.Шарипов, Д. Файзихўжаева. Мантиқ. Т.: 2001 й. 71-111 бетлар.

## **5-Мавзу: Хулоса чиқариш**

### **Асосий саволлар:**

- Хулоса чиқаришнинг моҳияти.**
- Хулоса чиқариш ва унинг турлари.

### **Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:**

Хулоса чиқариш, мантиқан келиб чиқиш, асослар, хулоса, дедуктив хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш, аналогия.

#### **1-асосий саволнинг баёни:**

Воқеликни билиш жараёнида инсон янги билимларга эга бўлади. Бу билимлар абстракт тафаккур ёрдамида, мавжуд билимларга асосланган ҳолда вужудга келади. Бундай билимларни ҳосил қилишни мантиқ илмида хулоса чиқариш деб аталади. Ушбу фикрдан келиб чиқиб хулоса чиқаришга қўйдагича таъриф бериш мумкин.

Хулоса чиқариш деб бир ва ундан ортиқ чин (хукмлардан) мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади.

Хулоса чиқариш жараёни асослар, хулоса ва асослардан хulosага ўтишдан ташкил топади. Тўғри хулоса чиқариш учун, аввалам бор, асослар чин (хукмлардан) мулоҳазалардан иборат бўлиши, ҳамда мантиқий боғланishi керак.

Масалан, «Ал-Хоразмий-Алгебра фанининг асосчиси» ва «Ал-Киндий Шарқ файласуфидир» деган икки чин мулоҳазадан хулоса чиқариб бўлмайди. Чунки бу хулосалар ўртасида мантиқий алоқадорлик йўқ. Хулоса асослари ва хулоса ҳам ўзаро мантиқан боғланган бўлиши шарт. Бундай алоқадорликнинг зарурлиги хулоса чиқариш қоидаларида қайд қилинган бўлади. Бу қоидалар бузилса, тўғри хулоса чиқмайди.

Масалан: «Талаба Султонов-аълочи деган мулоҳазадан», «Талаба Султонов-одобли», деб хулоса чиқариб бўлмайди.

Хулоса чиқариш хulosанинг чинлик даражасига кўра, аниқроғи хулоса чиқариш қоидаларининг қаътийлигига кўра ҳамда хулоса асосларининг сонига ва фикрнинг ҳаракат йўналишига кўра бир қанча турларга бўлинади.

Юқоридаги классификацияда хулоса чиқаришни фикрнинг ҳаракат йўналиши бўйича турларга ажратиш мукаммалроқ бўлиб, у хулоса чиқаришнинг бошқа турлари ҳакида ҳам маълумот бериш имконини беради.

Хусусан Дедуктив хулоса чиқариш-зарурий хулоса чиқариш, индуктив хулоса чиқариш (тўлиқ индукцияни хисобга олмагандан) ва аналогия эҳтимолий хулоса чиқариш, деб олиб қаралиши, бевосита хулоса чиқариш эса дедуктив хулоса чиқаришнинг бир тури сифатида ўрганилиши мумкин.

#### **Муҳокама учун саволлар:**

- Хулоса чиқариш ва унинг моҳиятини тушунтиринг?
- Хукм ва хулоса чиқаришнинг боғлиқлигини изоҳлаб беринг?
- Хулоса чиқаришнинг структураси қандай?

#### **2-асосий саволнинг баёни:**

Хулоса чиқаришнинг асосий турларига дедуктив, индуктив ва аналогия киради. Дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим хусусияти унда умумий билимдан жузъий билимга ўтишнинг мантиқан зарурый характерга эгалигидир. Унинг турларидан бири бевосита хулоса чиқаришdir.

Фақат биргина мулоҳазага асосланган ҳолда янги билимларнинг ҳосил қилиниши бевосита хулоса чиқариш деб аталади. Бевосита хулоса чиқариш жараёнида мулоҳаза (хукм) ларнинг шаклини ўзgartiriш орқали янги билим ҳосил қилинади. Бунда асос мулоҳазанинг

структураси, яъни субъект ва предикат муносабатларининг миқдор ва сифат характеристикалари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бевосита хулоса чиқаришнинг қўйидаги мантиқий усуллари мавжуд.

1. айлантириш (лот.-obversio) 2. алмаштириш (лот.-conversio). 3. предикатга қарама-қарши қўйиш (лот.-contrapositio) биз булардан айримларини мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

Айлантириш-шундай мантиқий усулки унда берилган мулоҳазанинг миқдорини сақлаган ҳолда сифатини ўзgartириш билан янги мулоҳаза ҳосил қилинади. Бу усул билан хулоса чиқаришда қўш инкор содир бўлади, яъни аввал асоснинг предикати, кейин боғловчиси инкор этилади. Айлантиришда A-Е га, I-О га, O-I га ўзгаради.

1. А. Ҳамма илмий қонунлар объектив ҳарактерга эга.

Е. Хеч бир илмий қонун субъектив ҳарактерга эга эмас.

2. Е. Хеч бир саҳий ҳасис эмас.

А. Ҳамма саҳий бўлмаганлар ҳасисдиirlар.

3. I. Баъзи тушунчалар мазмунан конкрет бўлади.

О. Баъзи тушунчалар мазмунан абстракт бўлмайди.

4. О. Баъзи мулоҳазалар мураккаб эмас.

I. Баъзи мулоҳазалар соддадир.

Демак айлантириш орқали хулоса чиқаришда «бирор ниманинг қўш инкори унинг тасдиғига тенгдир» деган қоидага асосланади.

Алмаштириш шундай мантиқий хулоса чиқариш усулини, унда хулоса берилган мулоҳазадаги субъект ва предикатнинг ўрнини алмаштириш орқали келтириб чиқарилади. Алмаштиришда берилган мулоҳазадаги терминлар хажми эътиборга олиниши шарт. Агар хулоса хато бўлади. Масалан:

Ҳамма инсонлар тирик мавжудотлардир.

Ҳамма тирик мавжудотлар инсонлардир.

Хулоса хато, чунки бизнинг мулоҳазада Р- (тирик мавжудодлар) тўлиқ ҳажмда олинган. Юқоридаги асосдан. «Баъзи тирик мавжудотлар инсонлардир» деб чиқарилган хулоса тўғри бўлади. Шунга кўра алмаштиришнинг уч тури фарқланади торайтирилган, кенгайтирилган ва соф алмаштириш.

1. А. Ҳамма инсонлар онглидир.

А. Онглиларнинг ҳаммаси инсонлардир - соф алмаштириш.

Е. Хеч бир ҳасис саҳий эмас.

Е. Хеч бир саҳий ҳасис эмас. -Соф алмаштириш.

2. I. Баъзи файласуфлар табиатшуносдир.

I. Баъзи табиатшунослар файласуфлардир. Соф алмаштириш.

3. А. Ҳамма врачлар олий маълумотлидир.

I. Баъзи олий маълумотлилар врачлардир.- Торайтирилган алмаштириш.

4. I. Баъзи одамлар шоирдир.

А. Ҳамма шоирлар одамдир. -Кенгайтирилган алмаштириш.

Жуъзий инкор мулоҳазадан (О) алмаштириш усули билан хулоса чиқариб бўлмайди, чунки бу мулоҳазанинг предикати тўлиқ ҳажмда олинган. Демак у хуросада ҳам тўлиқ ҳажмда олиниши керак. У ҳолда хуросанинг предикати ҳам тўлиқ ҳолда олиниши керак бўлади. Бу эса мумкин эмас Масалан;

О. Баъзи файласуфлар мантиқшунос эмас.

Е. Хеч бир мантиқшунос файласуф эмас.

Хулоса хато. Алмаштириш усули қўлланилганда мулоҳазадаги субъект ва предикат ҳажми аниқланади ва шу асосда мулоҳазадаги терминларнинг ўрни алмаштирилиб, хулоса чиқарилади.

Мантиқ илмида эҳтимолий хулоса чиқариш ҳам ўрганилади. Эҳтимолий хулоса чиқариш турли хил шаклларда, шу жумладан, индуктив хулоса чиқариш шаклида амалга

ошиши мумкин. Уларнинг барчасига хос хусусият- хулосанинг асослардан мантиқан зарурий равища келиб чиқмаслиги, ҳамда фақат маълум бир даражада тасдиқланишидир. Асосларнинг хулосани тасдиқлаш даражаси мантикий эҳтимоллик, деб ном олган. Билиш, қайси соҳада амалга ошишидан қайтий назар-соғлом акл даражасидами ёки илмий билишдами- доимо предмет ва ҳодисаларнинг ҳиссий идрок этиладиган хосса ва муносабатларини ўрганишидан бошланади. Уни фалсафада, мантиқда эмпирик билиш босқичи деб аташади. Бу босқичда субъект турли хил табиий жараёнлар, ижтимоий ҳодисаларда ўхшаш шароитларда маълум бир хусусиятларнинг такрорланишини кузатади. Бу ана шу турғун ҳолда такрорланиб турувчи хоссанинг айрим предметнинг идивидуал хоссаси эмас, балки маълум бир синфга мансуб предметларнинг умумий хоссаси бўлса керак деган фикрга келишга асос бўлади. Масалан, қайси давлатда демократик принципларга яхши амал қилинса ўша давлат аҳолисининг ижтимоий турмуш даражасини юқорилигини кузатиш мумкин. Шу асосда демократиянинг принциплари, шартлари яхши амал қиласидиган ҳар қандай давлатда аҳолининг турмуш даражаси юқори бўлади, деган хулосага келиш мумкин. Мана шундай жузъий билимдан умумий билимга мантиқан ўтиш индукция шаклида содир бўлади (лот. *Inductio*-ягона асосга келтириш). Индуктив хулоса чиқаришда яккалик, жузъийлик ва умумийликнинг диалектик алоқаси кузатилади.

Аналогия (грек-мослиқ, ўхшашлик) билвосита хулоса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хулоса чиқаришда фикр умумийликдан яккаликка, индуктив хулоса чиқаришда яккаликдан умумийликка ҳаракатланса, аналогияда эса бир хусусий ҳолатдан бошқа хусусий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, структураларидағи ўхшашликларга асосланади. Масалан, сайёralар, давлатлар, ижтимоий тузумлар моҳиятида ўхшашлик бор. Билишда муҳим ва номуҳим хоссалар ўхшашлиги асосида аналогия бўйича хулоса чиқарилади. масалан:

Куш тирик мавжудот, унинг қаноти бор, у учади.

Инсон ҳам тирик мавжудот, унинг қаноти йўқ, у учмайди.

Инсоннинг ҳам қаноти бўлса, у ,эҳтимол учади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш бошқа хулоса чиқаришлар каби асослардан, хулосадан ва асослар, ҳамда хулоса ўртасидаги мантикий алоқадан иборатdir. Уларнинг хулосаси эҳтимолий шаклда бўлиб, кейинги текширишларни талаб қиласи. Аниқ асослардан баъзан аниқ, баъзан эҳтимолий хулоса чиқади.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 2.1. Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?
- 2.2. Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусияти нимадан иборат?
- 2.3. Бевосита хулоса чиқариш қандай шаклларда амалга ошади?
- 2.4. Индуктив хулоса чиқаришнинг дедуктив ва аналогиядан фарқи нимадан иборат?
- 2.5. Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг асосий хусусияти нималардан иборат?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.: “Ўзбекистон” 1998 й.
2. И.А.Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Мулоқот” 1998 й. № 5.
3. М.Хайруллаев, М. Ҳақбердиев. Мантиқ. “Ўқитувчи” 1993 й. 7-10 боблар.
4. И. Раҳимов. Мантиқ. Т.: “Университет” 1994 й. 110-151 бетлар
5. И.Раҳимов Логикдан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: “Ўқитувчи” 1998 й. 5-боб.
6. Т.Ёқубов Математик логика элементлари. Т.: “Ўқитувчи” 1983 й. 2- боб.
7. М.Шарипов, Д. Файзихўжаева. Мантиқ. Т.: 2001 й. 112-189 бетлар.

## **6-Мавзу: Муаммо, гипотеза ва назария.**

### **Асосий саволлар:**

1.Муаммо ва гипотеза.

2.Назариянинг моҳияти, структураси, функциялари ва турлари.

**Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар:** муаммо, муаммоли вазият, гипотеза, умумий гипотеза, назария, назарий асос, эмпирик асос.

#### **1-асосий саволнинг баёни:**

Билишнинг мақсади. қайд қилинган ҳодисаларнинг моҳиятини тушунтиришдан иборат.

Буни ҳамма вақт ҳам мавжуд тасаввурлар, принциплар ёрдамида амалга ошириб бўлмайди. Илмий жараёнда маълум бир зиддиятлар, биринчи навбатда, мавжуд билимларимизнинг эришган даражаси билан янги билиш вазифаларини ҳал қилиш зарурияти ўртасида зиддият келиб чиқади, муаммоли вазият пайдо бўлади. Бундай зиддиятлар, айниқса, кундалик ҳаётимизда мураккаб вазифаларни ҳал қилишда фанда эса туб бурилишлар даврида яққол намоён бўлади. Илмий билишда муаммоли вазиятни фан тараққиётининг ички эҳтиёжлари ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан хозирги вақтда фанда синергетика ғоялари ва методларини тушунтириш, математикада аксиоматиканинг имкониятлари ва қўлланиш соҳаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш зарурияти янги вазиятни яратади.

Демак, муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурларнинг ўзининг етарли даражада системага солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосланмаганлиги натижасидир.

Шундан келиб чиқиб, муаммоли вазият билиш тараққиётининг турли босқичлари ва бўғинларида олам ва уни билиш хақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруритидан иборат, дейиш мумин.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш янги муаммони қўйишга олиб келади

**Муаммо-**жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган саволдир.

Шунинг учун ҳам муаммони қўйиш ва ҳал қилиш мавжуд билимлар даражасидан четга чиқиши, янгича ечиш усуллари, методларини қидиришни тақозо этади. Қандай муаммоларни илгари суришни уни Муҳокама қилишнинг характерини амалий фаолиятимиз ва билишимиз эҳтиёжлари белгилаб беради.

Муаммоларни тўғри қўйиш ва баён қилиш уларни ечишдан кам аҳамиятга эга эмас. муаммони тўғри қўйиш учун унинг илмий билиш тараққиётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш, уни ҳал қилишнинг методларини топиш зарур. Бу амалда қўйилиши мумкин бўлган турли хил муаммолар ичидан энг муҳими ва тўғрисини танлаб олишни билдиради.

Муаммони танлаш маълум бир даражада тадқиқотнинг умумий йўналишини ва хусусиятларини белгилаб беради. Ҳар бир муаммо маълум бир назария ёрдамида ҳал қилинади. Баъзи ҳолларда эса, муаммо мавжуд назарияни модификация қилишни, муаммони ечишга мослаштиришни талаб қиласди. Муаммони ечиш учун дастлабки тайёргарлик ишлари қилинади. Улар қўйидагилардан иборат:

1.Мавжуд назариялар доирасида тушунтириб бўлмайдиган факт ва ҳодисаларни аниқлаш.

2.Муаммони ҳал қилиш ғоялари ва методларини таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш.

3.Муаммони ҳал қилиш типини, мақсадини, олинган натижани текшириш йўлларини белгилаш.

4.Муаммонинг негизи билан уни ечиш учун илгари сурилган ғоялар ўртасидаги алоқанинг хусусиятларини кўрсатиш.

Бу дастлабки ишлар амалга оширилгандан кейин муаммони ечишга бевосита киришилади. Шуни алоҳида таъқидлаш лозимки, муаммонинг ечилиши нисбий характерга эга. Бошқача айтганда муаммони мутлоқ тўла ечимини топиш қийин. Чунки ўрганилаётган ҳодисанинг барча томонларини қамраб олиш қийин. Шунинг учун илмий изланиш давомида янги муаммолар вужудга келиши мумкин бўлиб, у мавжуд муаммони бошқача талқин қилишини тақозо этади. Бунга мисол қилиб, И. Ньютон томонидан жисмларнинг ўзаро тортишиши муаммосининг қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бутун олам тортишиш қонунини кашф қилиб, у фақат тортишувчи жисмлар ўртасидаги миқдорий алоқаларнигина топганлигини, уқтириб ўтган эди. Муаммони ҳал этиш жараёнида маълум бир гипотезалар илгари суриласди ва асосланади.

Гипотеза-ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билиш шаклидир. Гипотезани, авваламбор, билимларнинг мавжуд бўлиш шакли сифатида олиб қараш зарур. Чин, ишончли билимлар ҳосил бўлгунига қадар қўйилган муаммолар, масалалар хақидаги фикр мулоҳазалар кузатиш, эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштиришга асосланган бўлиб, улар турли хил тахминлар ва фаразлар шаклида қурилади ва мавжуд бўлади. Масалан Левкипп ва Демокритнинг жисмларнинг атомлардан ташкил топганлиги хақидаги билдирган фикрлари дастлаб гипотетик шаклда бўлган.

Гипотезани қуриш, ўрганилаётган ҳодисани тушунтирадиган тахминий фикрларни илгари суришдан иборат бўлади. У қайд этилган фактлар, улар учун характерли бўлган қонуниятлар хақидаги ҳукмлар ёки ҳукмлар системаси тарзида бўлади. Уни ифода қилувчи асосий гап, мулоҳазалар системасини ҳосил қилувчи элемент, деб хисобланади. Ана шу гап (мулоҳаза) да одатда гипотезанинг бош ғояси акс этади. Мухокама жараёни унинг негизида, атрофида қурилади ва маълум бир ишчи гипотезалар- вақтинча қуриладиган, мўлжални тўғри олишга ёрдам берадиган тахминларнинг илгари сурилишига, улар ёрдамида ҳодисанинг янада чуккуроқ тадқиқ қилинишига олиб келади.

Гипотезада илгари суриладиган мулоҳаза эмпирик материалларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, тартибга келтириш, умумлаштириш, талқин этиш натижасида пайдо бўлади. Ана шунинг учун ҳам гипотеза-бу ҳар қандай тахмин эмас, балки маълум бир даражада асосланган, ўзининг муайян мантикий кучига эга мулоҳаза, фараздир. Гипотеза рад қилиниши ҳам мумкин. У гипотезадан келиб чиқадиган натижаларни фальсификация қилиш, яъни уларнинг борлиқдаги ҳодисаларнинг мавжуд ҳолатига, фактлар хақидаги маълумотларга номувофиқлигини кўрсатиш йўли билан аниқланади. Гипотезанинг натижаларини топа олмаслик, гарчи бу гипотезанинг мавқеини анча пасайтиурсада лекин уни рад эта олмайди. Гипотезанинг чинлиги ундан келиб чиқадиган натижаларга зид бўлган ҳолатлар аниқлангандағина узил-кесил рад этилади. Масалан Птоломейнинг Ернинг харакатланмайдиган марказ эканлиги хақидаги гипотезаси Коперникнинг гелиоцентрик назарияси асосланадиган фактларга зид келгандан кейин рад этилди.

Яна ўрганилаётган ҳодиса ҳакида бир вақтнинг ўзида бир қанча гипотезалар илгари сурилиши мумкин. Масалан: ҳозирги вақтгача қушлар учайтганда тўғри йўлни қандай топа олишини мавжуд гипотезалардан ҳеч бири тўлиқ тушинириб бера олмаган.

Гипотеза тасдиқланмагунча ўзининг билишдаги аҳамиятини йўқотмайди. Рад этилса ўрнига бошқа гипотеза қурилади ва бу ҳол гипотезалардан бирортаси тасдиқланмагунча давом этади. Илгари сурилаётган гипотезалар турли ҳил даражада умумлашган бўлиши мумкин. Ана шунга мувофик ҳолда умумий ва жузъий гипотезаларни ажратиш мумкин.

Умумий гипотеза деб табиат, жамият, билиш ҳодисаларининг қонуниятлари ҳақида билдирилган асосли тахминга айтилади. Масалан: нефтнинг келиб чиқишининг органик ва ноорганик табиати ҳақидаги гипотезаларни, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фаразларни кўрсатиш мумкин.

Жузъий (хусусий) гипотеза айрим фактлар, конкрет предмет ва ҳодисаларнинг келиб чиқиши, хусусиятлари ҳақидаги билдирилган асосли тахминий фикрдан иборат.

Масалан: археологик қазишларда топилган предметларнинг табиати, қайси даврларга оид эканлиги хақидаги тахминлар жузъий гипотезага мисол бўлади. Бундан ташқари мантиқда ишчи гипотезалар ҳам фарқланади.

Ишчи гипотеза-тадқиқотнинг дастлабки босқичида илгари суриладиган тахмин бўлиб, ўз олдига ўрганилаётган ҳодисанинг сабабини аниқлашни мақсад қилиб қўймайди; у фақат кузатиш ва эксперимент натижаларини тасвирлашга, тартибга солишга ёрдам беради. Шундай қилиб, гипотеза фикирларимизнинг қурилиши, билимларимизнинг мавжуд бўлиш ва ривожланиш шаклидир.

### **Муҳокама учун саволлар:**

- 1.1. Муоммоли вазиятни тушунтиринг?
- 1.2. Муоммонинг асосий хусусиятлари нимада, уни тўғри қўйиш ва ҳал этишнинг қандай шартлари мавжуд?
- 1.3. Гипотезанинг моҳияти нимада ва унинг қандай турлари мавжуд?

### **2-асосий саволнинг баёни:**

«Назария» термини кенг маънода ақлий билиш, тафаккурни англатади, уни амалиётдан фарқ қилувчи фаолият тури сифатида ифодалайди. Тор маънода эса, назария маълум бир соҳага оид тасаввурлар, тушунчалар, ғоялар, гипотезаларни системага соладиган предметни рационал тарзда англашга имкон берадиган билим шаклини билдиради.

Назариянинг бундай талқини илмий билишда эмпирик ва назарий босқичларнинг фарқ қилиниши билан боғлиқ. Эмпирик босқичда илмий фактлар тўпланади, ўрганилади, системага солиниб, турли хил жадваллар, схемалар, графиклар тузилади: муайян бир умумлашмалар, хусусан, эмпирик тушунчалар, фаразлар, эмпирик қонунлар шаклланади.

Назарияни яратиш эмпирик билиш жараёнида ҳосил қилинган предметнинг айrim томонлари, хусусиятларини акс эттирувчи тушунчалар, қонунлар, фаразлар ўртасида мантиқий алоқаларни ўрнатишга, предмет ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга, унинг моҳиятини тушинтиришга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Назария—маълум бир предмет соҳасига оид тушунчалар, қонунлар, гипотезалар, ғояларни системага солиб, у ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиласидиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадаган, шу соҳадаги ҳодисаларни тушунтириш, олдиндан кўриш имконини берадиган ишончли билимдан иборат:

Илмий назария қўйидаги таркибий қисимлардан ташкил топади.

1) Эмпирик асос: назарияга алоқадор фактлар, уларга мантиқий ишлов бериш натижалари.

2) Бошлангич назарий асос: назариянинг асосий тушунчалари, постулатлари (аксиомалари) фундаментал қонунлар.

3) Назариянинг мантиқий аппарати: тушунчаларни ҳосил қилиш ва таърифлаш қоидалари, хулоса чиқариш (исботлаш) қоидалари.

4) Олинган натижалар (хулосалар)

Назарияда борлик, асосан, моделлар ёрдамида идеаллашган ҳолда инъикос қилинади. Идеаллаштириш жараёнида мавжуд обьектлар ҳақидаги эмпирик билимга таянган ҳолда, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган ва баъзан мавжуд бўлиши мумкин ҳам бўлмаган, лекин реал мавжуд предметларга маълум брм муносабатда ўхшаш обьектлар ҳақидаги тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан, механика ечимини қидирадиган кўп масалаларда жисмнинг шакли ва ўлчамлари унчалик муҳим эмас. Айни бир пайтда масса муҳим аҳамиятга эга ва шунинг учун ҳам массаси бир нуқтага жамланган ҳаёлий жисм-моддий нуқта ҳосил қилинади.

Идеал обьектлар ёрдамида предметнинг ҳиссий идрок этилмайдиган муҳим хусусиятлари, муносабатлари ўрганилади. Уларсиз назарий билим ўз олдига қўядиган мақсадига эриша олмайди. Назарий билишга зарурый воситаси бўлганлиги учун уларни баъзан назарий обьектлар деб ҳам аташади.

Ҳар бир назария ўзининг тушунчаларини ҳосил қилиш таърифлаш қоидаларига эга. Худди шунингдек, ҳар қандай назария хуносалар тарзидағи ўз натижаларига эга. Демак илмий назариянинг структурасыда унинг ҳар бир элементи ўз ўрнига эга.

Илмий назария билишда бир қанча мухим вазифаларни бажаради.

Биринчидан, назарияда бирорта соҳага оид билимлар яхлит бир системага бирлаштирилади.

Иккинчидан, назарияни қуриш берилган соҳага оид билимларни аниқлаштириш, кенгайтириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради. Бунинг сабаби шундаки, назариянинг бошланғич асослари-аксиомалар, постулатлар, қонунлар, принциплар, гипотезалар назариядаги бошқа илмий билимларга нисбатан мантиқан қучлироқ ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам назарияни қуриш мавжуд билимларни тартибга солишдан, яъни координация қилишдангина иборат бўлиб қолмайди.

Учинчидан, назария ўрганилаётган ҳодисани илмий асосда тушунтира олади. Тўғри, бирорта ҳодисани тушунтириш учун одатда, уни ҳарактерлайдиган қонунга мурожаат қилинади. Лекин, шуни унутмаслик керакки, фанда қонунлар ўз ҳолиҳа эмас, балки маълум бир назария таркибида мавжуд бўлади.

Тўртингидан, илмий назария ўзида ўрганилаётган предмет соҳасига оид барча билимлар ўртасида мантиқий алоқаларни ўрнатгани, яхлит бир системада мужассамлаштиргани ва умумлаштиргани учун унинг объектив ҳақиқатлик даражаси ва демак, ишончлилик даражаси ортади.

Бешинчидан, назария муаммони қўйиш, гипотезаларни яратиш, қонунларни шакллантириш, ғояларни илгари суриш ва асослашдан иборат билишнинг узоқ ва машаққатли йўлини босиб ўтишнинг натижаси бўлганлиги учун, у билишга хос қонунларни аниқлаш, уларни ўрганиш имконини беради.

Илмий назариянинг жуда кўп турлари мавжуд. Уларни турли хил асосларга кўра класификация қилиш мумкин. Хусусан, қурилиш методига кўра назарияларни тўртта турга ажратиш мумкин.

- 1) Тажриба билан иш кўрадиган фанларнинг мазмундор назариялари .
- 2) Гипотетик-дедуктив назариялар.
- 3) Аксиоматик назариялар.
- 4) Формаллашган назариялар.

«Мазмундор» назарияларда маълум бир соҳага оид фактлар системага солинади, умумлаштирилади ва тушунтирилади. Улар асосан тажриба натижаларига таянади, уларни таҳлил қиласи, тартибга солади ва умумлаштиради. Шунинг учун ҳам уларни «тажрибага таянувчи назариялар» деб аташади. «Мазмундор» дейилишига сабаб уларни математика ва мантиқдаги формаллашнинг назариялардан фарқ қилишидир.

Гипотетик-дедуктив назариялар табиатшуносликда учрайди. У турли хил мантиқий кучга эга гипотезалар системасидан иборат бўлиб, унда мантиқан қучлиларидан, мантиқан қучсизроқлари дедукция қилинади.

Аксиоматик системаларда назария элементларининг катта қисми кичкина бошланғич асосдан-асосий аксиомалардан дедуктив йўл билан келтирилиб чиқарилади. Аксиоматик назариялар математикада қурилади. Аксиоматик метод биринчи марта Евклид томонидан элементар геометрияни қуришда муваффақиятли ишлатилган. Мазкур геометриянинг асосий аксиоматик тушунчалари «нұқта», «тўғри чизик», «текислик» бўлиб улар идеал фазовий объектлар сифатида олиб қаралган.

Формаллашган назариялар мантиқда кенг қўлланилади. Бунга мисол қилиб, мулҳозалар мантиғи, предикатлар мантигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, у математикада ҳам учрайди.

Назариянинг юкорида биз кўриб чиқкан типлари ва бошқалари назарий билишнинг мухим воситалари сифатида фанда ниҳоятда қадрланади. Улар тафаккурнинг структураси ва қонуниятларини яхши билиб олишга имкон беради.

### **Мұхқама учун саволлар:**

- 2.1. Назариянинг моҳиятни тушунтириңг?
- 2.2. Назария билиш жараёнида қандай вазифаларни бажаришини айтиб беринг?
- 2.3. Илмий назариянинг қандай таркибий қисмлари мавжуд?
- 2.4. Назариянинг қандай турларини биласиз?

### **Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.: “Ўзбекистон” 1998 й.
2. И.А.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Мулоқот” 1998 й. № 5.
3. И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” Т.: “Ўзбекистон” 1999 й.
4. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиев. Мантиқ. “Ўқитувчи” 1993 й. 12- боб.
5. И. Раҳимов. Мантиқ. Т.: “Университет” 1994 й. 181-188 бетлар.
6. И. Раҳимов. Логикдан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т. “Ўқитувчи” 1998 й. 7-боб.
7. М.Шарипов, Д. Файзихўжаева. Мантиқ. Т.: 2001 й., 201-217 бетлар.

## ИНФОРМАЦИОН ТАЪМИНОТ

### Асосий адабиётлар.

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т.: “Ўзбекистон” 1998 й.
2. И.А.Каримов. Миллий истиқол мағкурасини халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Фидокор газетаси муҳбири саволларига жавоблари. Т.: “Ўзбекистон” 2000 й. 8 июн.
3. И.А.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Мулоқот” 1998 й. № 5.
4. М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиев. Мантиқ. “Ўқитувчи” 1993 й. 1-3 боблар.
5. Ўзбекистонни ижтимоий фикрлар тарихидан лавҳалар ақадемик М. Ҳайруллаев таҳрири остида Т.: 1995 й.
6. И. Раҳимов. Мантиқ. Т.: “Университет” 1994 й.
7. И.Раҳимов. Логикдан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: “Ўқитувчи” 1998 й. 1-боб.
8. Т.Ёқубов Математик логика элементлари. Т.: “Ўқитувчи” 1983 й.
9. М.Шарипов, Д. Файзихўжаева. Мантиқ. Т.: 2001 й.
10. М.Шарипов, Д. Файзихўжаева. Мантиқ. Т.: 2004 й.
11. Т.Ёқубов. Математик логика элементлари. Т.: “Ўқитувчи” 1983 й.

### Қўшимча адабиётлар.

1. И.А.Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз” 8-жилд. Т.: “Ўзбекистон” 2000 й.
2. И.А.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.: “Маънавият” 2008 й.
3. И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” Т.: “Ўзбекистон” 1999 й.
4. Ю.В. Ивлев. Логика. Учебник для вузов. М., “Логос”, 1998 1-боб.
5. Н. И. Кондаков. Логический словарь-справочник. М., 1976 й.
6. С.Йўлдошев ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т 2002 й.
7. С.Йўлдошев ва бошқалар. Қадимги ва ўрта асрлар Ғарбий Европа фалсафаси. Т 2003 й.

### Интернет сайтлари

- |   |   |
|---|---|
| 1. <a href="http://www.akademik.ru">www.akademik.ru</a> | 4. <a href="http://www.kutubxona.uz">www.kutubxona.uz</a> |
| 2. <a href="http://www.ziyo.net.uz">www.ziyo.net.uz</a> | 5. <a href="http://www.gduportal.uz">www.gduportal.uz</a> |
| 3. <a href="http://www.pedagog.uz">www.pedagog.uz</a>   |   |

## СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИ

### МАНТИҚ

Хурматли талаба, Сиз ушбу фан юзасидан 4 та мавзуда семинар машғулотига тайёргарлик кўришингиз лозим. Ҳар бир мавзуда 4 тадан саволлар қўйилган. Сиз семинар машғулотига тайёрланаётганингизда қўйидаги жадвалдаги семинар машғулотлар учун берилган адабиётлардан фойдаланасиз. Адабиётлар: (А) асосий ва (Б) қўшимча адабиётларга ажратилган. Жадвалнинг 1-устунида мавзунинг номи, 2-устунида кўриладиган масалалар, 3-устунда асосий адабиёт тартиби ва унинг саҳифаси берилмоқда. Шу билан бирга семинар юзасидан берилаётган методик тавсияларга эътибор қаратасиз

№	Мавзулар	Кўриладиган масалалар	Адабиёт-лар
1	<b>Мантиқ фанининг тараққиёти босқичлари</b>	1. Қадимги Хинд мантиқ мактаби. 2. Антик давр мантиқ илми. 3. Марказий Осиё мутафаккирлари мантиғи. 4. Янги замон мантиқ илми.	1-40-71 2-27-44 3-4-боб 4-14-20 5-46-55
2	<b>Тўғри фикрлашнинг формал мантиқ қонунлари</b>	1. Формал мантиқ қонунлари ва уларнинг аҳамияти. 2. Айният ва нозидлик қонуни. 3. Учинчиси истисно қонуни. 4. Етарли асос қонуни.	1-72-102 2-7-45 3-4-боб 4-21-30 5-56-70
3	<b>Тушунча. Ҳукм</b>	1. Тушунчанинг умумий тафсифи. 2. Тушунча шаклланишининг мантиқий усуслари. 3. Ҳукмнинг моҳияти. 4. Ҳукмнинг турлари.	1-103-177 2-49-106 3-3-боб 4-31-37 5-71-111
4	<b>Хулоса чиқариш</b>	1. Хулоса чиқаришнинг моҳияти. 2. Хулоса чиқаришнинг асосий турлари. 3. Силлогизм. 4. Аналогик хулоса чиқариш.	1-178-254 2-110-151 3- 5-боб 4-38-43 5-112-189
<b>ЖАМИ:</b>			<b>8</b>

Хурматли талаба, Сиз ушбу фан юзасидан 4 та мавзуда семинар машғулотларига тайёргарлик кўришингиз лозим. Ҳар бир мавзуда 4 тадан саволлар қўйилган. Сиз семинар машғулотига тайёрланаётганингизда юқоридаги жадвалдаги семинар машғулотлар учун берилган адабиётлардан фойдаланасиз. Адабиётлар: (А) асосий ва (Б) қўшимча адабиётларга ажратилган. Жадвалнинг 1-устунида мавзунинг номи, 2-устунида кўриладиган масалалар, 3-устунда асосий адабиёт тартиб рақами ва унинг саҳифаси берилган.

#### **А) Асосий адабиётлар:**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. Т.: Ўқитувчи, 1993. 304 б.
2. Раҳимов И. Мантиқ. Т.: Университет, 1994.
3. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: Ўқитувчи, 1998.
4. Боймуродов Б. Мантиқ. ЎУМ. Гулистон. 2006. 55 бб.
5. Шарипов М., Файзихўжаева Г. Мантиқ. Т.: Университет, 2001. 130 бб.

#### **Б) Қўшимча адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: 1999.

3. Ўзбекистонни ижтимоий фикрлар тарихидан лавҳалар. Акад. М. Ҳайруллаев таҳр. Т.: 1995.
4. Ёқубов Т. Математик логика элементлари. Т.: 1983.
5. Комилов Н. Тафаккур карвонлари. Т.: 1999.
6. Ўткир тафаккурни ривожлантириш воситалари. Т.: 2003.
7. Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т.: 2005.
8. Шарқ донишмандлари ҳикматлари. Т.: 2006.
9. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари. Т.: 2001.
10. Гжегорчик А. Популярная логика. М.: 1979.

#### **Интернет сайatlари**

1. [www.akademik.ru](http://www.akademik.ru)
2. [www.islom.uz](http://www.islom.uz)
3. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)
4. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
5. [www.kutubxona.uz](http://www.kutubxona.uz)

#### **Семинар машғулотларини баҳолаш мезони:**

Ҳар бир семинар машғулотига максимал 2 балл ажратилган. Ҳар бир мавзу тўла ёритиб берилган, тегишли адабиётлар ва ахборот ресурсларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган семинарнинг ҳажми ва сифати ҳисобга олиниб, қўшимча саволларга жавоб берган ҳолда 2 балл билан баҳоланади. Агар семинар тўла ёзилган, аммо айрим жузъий камчиликларга йўл қўйилган, қўшимча саволларга қисман жавоб берилса, 1-1,5 балл билан, мавзу тўлиқ ёритилмаган, саволлар ўз ечимини топмаган, қўшимча саволларга жавоб берилмаса 0,1-0,5 балл билан баҳоланади.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШГУЛОТЛАРИ**

Талаба мустақил иш топшириқлари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 34-сонли (21.02.2005) буйруғи асосида тасдиқланган “Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби” түғрисидаги намунавий Низом ва 286-сонли (14.08.2009) буйруғига ҳамда ГулДУ ректорининг № 210 “О” рақамли “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш ҳақида”ги (06.10.2009) буйруғига асосан тузилди. ТМИлари 24 баллга мўлжалланган. Мустақил ишнинг мақсади талабаларда муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўнимкамларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил иш топшириқларининг вазифалари куйдагилардан иборат:

- янги билимларни мустақил ўзлаштириш;
- керакли маълумотларни излаб топиш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлари билан ишлаш;
- ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш;
- маълумотлар базасини таҳлил етиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ғоя ва таклифларни ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Шу мақсаддаи келиб чиқиб, Мантиқ фанидан 4 банддан иборат 6 та мавзу бўйича талаба мустақил ишлари тузилди ва талабалар эътиборига тавсия этилмоқда.

ТМИ: маъруза матнини ўзлаштириш, мустақил уй вазифаси, ҳар бир ТМИ мавзусига оид конспект қилинадиган адабиётлар рўйхати, тестларни еча билиш, мавзу бўйича адабиётлар ва манбалар ҳамда мавзу мустақил топшириқлари учун бериладиган рейтинг балларидан иборат. Шу билан бирга ТМИга фан бўйича рейтинг ишланма, календар тематик режа, амалий машғулотлар режаси, тест топшириқлари, назорат саволлари, реферат мавзулари, конспект қипиниши лозим бўлган адабиётлар рўйхати, якуний баҳолаш саволлари илова қилинмоқда.

Т\р	Мавзулар номи	Вақт, соат
1	Мантиқ фанининг тараққиёт босқичлари	4
2	Муаммо. Гипотеза. Назария.	4

### **1-Мавзу: Мантиқ фанининг тараққиёт босқичлари**

#### **1.1. Мавзу матнини ўзлаштириш**

- Мантиқ фанининг тараққиёт босқичларини аниқланг.
- Қадимги хитой, ҳинд ва юонон мантиқий мактаблари ҳақида маълумот беринг.
- Марказий Осиёда мантиқ илми тараққиёти.

#### **1.2. Мустақил уй вазифаси**

- Билиш ва унинг босқичлари жадвалини чизинг.
- Мантиқ фанининг тараққиёт босқичлари ва уларнинг вакилларини аниқланг.

#### **1.3. Конспект учун адабиётлар**

- Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. Т.: «Ўқитувчи», 1993. 40-71 бб.
- Рахимов И. Логикадан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: «Ўқитувчи», 1998. 1-боб.

#### **1.4. Тестларни еча билиш.**

##### **1."Билиш манбалари ҳақида" асари муаллифи ким?**

1. Дигнага.
2. Ҷармакирти.
3. Аристотель.
4. Форобий.

## **2. Форобий мантиқий асарлар ҳисоби неча номдан иборат?**

1. 3 та.
2. 7 та.
3. 9 та.
4. 11 та.

### **Адабиётлар ва манбалар.**

1. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Т.: 2001. 5-45 66.
2. Раҳимов И. Мантиқ. Т.: “Университет”, 1994. 8-26 66.

### **2- Мавзу: Муаммо. Гипотеза. Назария.**

#### **2.1. Мавзу матнини ўзлаштириш**

- Муаммо ва унинг асосий хусусиятлари.
- Гипотеза ва унинг турлари.
- Назариянинг билиш жараёнидаги ўрни.

#### **2.2. Мустақил уй вазифаси**

- Муаммо ва фараз (гипотеза) турларини рўйхатини тузинг.
- Назария таркибий қисмларини санаб беринг.

#### **2.3. Конспект учун адабиётлар**

- Шарипов М., Файзихўжаева Г. Мантиқ. Т: 2001. 201-217 66
- Раҳимов И. Мантиқ. Т.: «Университет», 1994. 181-188 66.

#### **2.4. Тестларни еча билиш.**

##### **1. Муаммо нимага туртки бўлиб хизмат қиласди?**

1. Қоидаларга.
2. Таърифларга.
3. Гипотеза ва назарияларга.
4. Жамият тараққиётига.

##### **2. "Омоч дехқоннинг фойдали ўсимлик экишини енгиллаштирганидек, гипотеза чин фикрни топиш учун тўғри илмий иш олиб боришга ёрдам беради"- ибораси кимники?**

1. Аристотель.
2. Менделеев.
3. Дальтон.
4. Ломоносов.

### **Адабиётлар ва манбалар.**

1. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. “Ўқитувчи”, 1993. 282-302 66.
2. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар билан методик тавсиялар. Т.: “Ўқитувчи”, 1998 7-боб.

### **Талаба мустақил ишига рейтинг бали бериш тартиби**

Рейтинг баллари бериш тартиби Ҳар бир мавзу мустақил топшириклари учун 1-4 балгача балл бериш белгиланган. 2 та мавзуда мустақил иш топширикларига максимал 4 баллдан, умумий холда талаба Ҳар бир мустақил топшириқ учун 4 балл олади. Талабанинг мустақил иш топширикларини бажариш фаолияти максимал 8 балллик тизим асосида баҳоланади.

## ГЛОССАРИЙ

**А В ёки В эмасдир** – истисно қонуни формуласи (фикрнинг тўлиқ мазмунини қамраб олиб баён қилинган икки зид фикрдан бири чин, бошқаси хато, учинчисига ўрин йўклигини ифодалайди).

**А ҳам В, ҳам В эмас бўла олмйди** – нозидлик қонуни формуласи (предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган икки қарама-қарши ёки зид фикр бир вақтда ва бир хил нисбатда бирданига чин бўлмаслигини ифодалайди).

**А-А дир** – айният қонуни формуласи (предмет ёки ҳодиса ҳақида айтилган айни бир фикрайни бир муҳокама доирасида айнибир вақтда ўз-ўзига тенгдир).

**Агар В мавжуд бўлса унинг асоси сифатида А ҳам мавжуд** – етарли асос қонуни формуласи (буюм ва ҳодисаларнинг асосий бўлгани каби унинг инъикоси бўлган фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган бўлиши лозим).

**Аналогия** (мослик) – бир хусусий ҳолатдан бошқа хусусий ҳолатга ўтиш.

**А** – умумий тасдиқ ҳукм белгиси.

**Баъзи S – P** – жузъий тасдиқ ҳукм формуласи.

**Баъзи S – P эмас** – жузъий инкор ҳукм формуласи.

**Гипотеза** – ўрганилаётган ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтирадиган асосли тахмин тарзидаги билим шакли.

**Дедуктив хулоса чиқариш** – умумий билимдан жузъий билимга ўтиш.

**Диалектик мантиқ** – тафаккурни мазмуни, шакли ва тараққиёти бирлигида ўрганувчи фан.

**Е** – умумий инкор ҳукм белгиси.

**Индукция** – якка мисоллар асосида умумий тушунчалар ҳосил қилиш.

**Логика** – грекча “logos” сўзидан келиб чиқсан бўлиб “фикр”, “ақл”, “сўз”, “таълимот” маъноларини англаради.

**Мантиқ** – тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан.

**Математик мантиқ** – тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этувчи фан.

**Муаммо** – жавоби бевосита мавжуд билимда бўлмаган ва ечиш усули номаълум бўлган савол.

**Муракқаб ҳукм** – таркибида икки ёки ундан ортиқ мулоҳазаларни ифода этган ҳукм.

**Назария** – маълум бир соҳага оид тушунча, қонун ва гипотезаларни системага солиб, у ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қиласидиган, янги фундаментал умумлашмалар яратишга олиб келадиган ишончли билим шакли.

**Норма** (меъёрий қоида) – амалга оширилиши зарур бўлган ёки истисно қилинадиган ҳатти ҳаракатлар.

**О** – жузъий инкор ҳукм белгиси.

**Оддий ҳукм** – таркибида факат бир мулоҳазани ифода этган ҳукм.

**Тафаккур** – арабча сўз бўлиб маъноси бўйича ақлий билиш сўзининг синоними.

**Тушунча** – предмет ва ҳодисаларнинг умумий муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли.

**Формал мантиқ** – тўғри тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганувчи фан.

**Ҳамма S – P** – умумий тасдиқ ҳукм формуласи.

**Ҳамма S – P эмас** – умумий инкор ҳукм формуласи.

**Ҳукм** (мулоҳаза) – предметга маълум бир хоссанинг, муносабатнинг хослиги ёки хос эмаслигини англаувчи тафаккур шакли.

**Хулоса чиқариш** – бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат тафаккур шакли.

**S** – субъект (мантикий эга).

**P** – предикат (мантикий кесим).

- – мантикий боғлама.

**I** – жузъий тасдиқ ҳукм белгиси.

## ИЛОВАЛАР

### ТЕСТЛАР

#### 1. Мантиқ нимани ўрганади?

- А) «Мантиқ» тушунчасини.      В) Мантиқий фикрларни.  
Б) Хатоларни тузатиш.      Д) Тафаккурни.

#### 2. Тафаккур шакллари тўғри қўрсатилган қаторни аниқланг?

- А) Тушунча, хукм, хулоса чиқариш.      В) Тушунча, хукм, сезги.  
С) Сезги, идрок, тасаввур.      Д) Сезги, хукм, хулоса чиқариш.

#### 3. «А-А дир», «В-В дир» формуласи қайси тафаккур қонунини ифодалайди.

- А) Айният қонуни.      С) Учинчиси мустасно қонуни.  
Б) Зиддият қонуни.      Д) Етарли асос қонуни.

#### 4. Арасту қайси асарида мантиқ қонунларини очиб берган?

- А) Органон.      В) Категориялар.      С) Метафизика.      Д) 1-аналитика.

#### 5. Айният қонунида қандай айнанликлар бўлиши зарур?

- А) маъно-мазмун айнанлиги.      С) вакт-муносабат айнанлиги.  
Б) маъно, вакт, муносабатайнанлиги.      Д) исботлаш раддия айнанлиги.

#### 6. «Формал мантиқ» терминини фалсафага ким киритган.

- А) Арасту.      В) Афлотун.      С) Лейбниц.      Д) Гегел.

#### 7. Воситали хулосани аниқпанг?

- А) хукм муносабатларига қараб хулоса чиқариш.  
Б) дедуктив хулоса чиқариш.  
С) алмаштириш орқали хулоса чиқариш.  
Д) айлантириш орқали хулоса чиқариш.

#### 8. Предмет ва ҳодисаларнинг умумий муҳим белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли.

- А) Тушунча.      В) Хукм.      С) Тасаввур.      Д) Хулоса чиқариш.

#### 9. Хукмда нечта элемент мавжуд?

- А) 1.      В) 2.      С) 3.      Д) 4.

#### 10. Етарли асос қонунини қайси файласуф биринчи бўлиб таърифлаб берган.

- А) Арасту.      В) Форобий.      С) Кант.      Д) Лейбниц.

#### 11. Ҳажми кенг тушунчадан ҳажми тор тушунчага ўтиш қандай аталади.

- А) Тушунчанинг ҳажми.      С) Тушунчани чегаралаш.  
Б) Тушунчанинг синфи.      Д) Тушунчани умумлаштириш.

#### 12. Таркибидан яна бир мулоҳазани ажратиб бўлмайдиган хукм қандай аталади.

- А) Умумий тасдиқ хукмлар.      С) Умумий инкор хукмлар.  
Б) Мураккаб хукмлар.      Д) Оддий хукмлар.

#### 13. Индуктив хулоса чиқаришда фикр йўналишини аниқланг

- А) умумийдан умумийга.      В) яккадан яккага.  
С) яккадан умумийга.      Д) умумийдан яккага.

**14. Буюмларнинг муҳим белгиларини ифодаси нима?**

- А) тасаввур. В) тушунча. С) хулоса. Д) хукм.

**15. Тушунчанинг мантиқий усулини топинг?**

- А) сўз. В) гап. С) идрок. Д) таққослаш.

**16. «Баъзи ёшлар талаба эмас», ушбу мулоҳаза қайси ҳукмни ифодалайди.**

- А) Жузъий тасдиқ ҳукм.                    С) Умумий инкор ҳукм.  
В) Жузъий инкор ҳукм.                    Д) Умумий тасдиқ ҳукм.

**17. Бир хусусий холатдан бошқа хусусий холатга ўтиш бу...**

- А) Дедуктив хулоса чиқариш.                    С) Аналогия.  
В) Индуктив хулоса чиқариш.                    Д) Эҳтимолий хулоса чиқариш.

**18. Тафаккур шакллари ва қонунларини ифодалашда математик усуллардан фойдаланишини таклиф этган файласуф.**

- А) Г. Лейбниц. В) Т. Гоббс. С) И. Кант. Д) Р. Декарт.

**19. Тушунчанинг мазмунинг кўра турини топинг?**

- А) абстракт. В) умумий. С) якка. Д) содда.

**20. Тушунчанинг аҳамияти нима?**

- А) сезиш асоси. В) идрок натижаси. С) билимлар натижаси. Д) сўз хосиласи.

**21. Инсон билимингбираинчи манбаи нима?**

- А) ақл. В) идрок. С) сезги. Д) тасаввур.

**22. Предметнинг яхлит образи билиминг қайси шаклини ифодалайди?**

- А) сезги. В) идрок. С) тушунча. Д) ҳукм.

**23. Мантиқ илмини нотўғри номланишини топинг?**

- А) фикр мантиғи.                    С) анъанавий мантиқ.  
Б) умумий мантиқ.                    Д) классик мантиқ.

**24. Предметга маълум бир хоссанинг хослиги ёки хос эмаслигини ифодаловчи тафаккур шакли нима деб аталади.**

- А) Тушунча. В) Тасаввур. С) Ҳукм. Д) Хулоса чиқариш.

**25. Тафаккурни унинг мазмуни ва шакли бирлигига, ҳамда тараққиётида олиб ўрганувчи таълимот.**

- А) Формал мантиқ.                    С) Объектив мантиқ.  
Б) Математик мантиқ.                    Д) Диалектик мантиқ.

## РЕФЕРАТ МАВЗУЛАРИ

1. Мантиқ ва логика тушунчалари.
2. Мантиқ фанининг асосий турлари.
3. Мантиқ фанини ўрганишнинг аҳамияти.
4. Тафаккур шакллари.
5. Тафаккур қонунлари.
6. Қадимги Шарқ мантиқий таълимотлари.
7. Қадимги Юнон мутафаккирлари мантиқий таълимоти.
8. Арастунинг мантиқий қарашлари.
9. Марказий Осиё мутафаккирлари мантиғи.
10. Янги ва энг янги даврда мантиқ ривожи.
11. Айният қонуни.
12. Нозидлик қонуни.
13. Учинчиси истисно қонуни.
14. Етарли асос қонуни.
15. Тушунча ва унинг моҳияти.
16. Тушунчанинг асосий турлари.
17. Хукм.
18. Хукмнинг турлари.
19. Хулоса чиқариш.
20. Хулоса чиқаришнинг турлари.
21. Дедуктив хулоса чиқариш.
22. Бевосита хулоса чиқариш.
23. Индуктив хулоса чиқариш.
24. Аналогия.
25. Силлогизм.
26. Муаммо.
27. Гипотеза.
28. Гипотезанинг турлари.
29. Назария.
30. Муаммо, гипотеза ва назариянинг ўзаро боғлиқлиги.

## **ДАСТУРНИНГ ИНФОРМАЦИОН-КОММУНИКАЦИОН ВА УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ**

Тавсия этилаётган мавзулар бўйича таълимнинг замонавий, хусусан, интерфаол методлари педагогик ва информацион-коммуникацион (медиатаълим, амалий дастур пакетлари, тақдимот, электрон-дидактик) технологиялари мажмуали тарзда қўлланилиши назарда тутилган.

### **Фойдаланилтган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.:, “Ўзбекистон”, 2014 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 февралдаги ПҚ-2302 сонли қарори билан “Соғлом она ва бола” йили Давлат дастури.
3. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимидағи маъruzаси (ўкув-услубий қўлланма) - Т. 2015 йил.
2. Ислом Каримов “Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир” - Т. 2015 йил. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302 сонли қарори билан “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури.
3. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимидағи маъruzаси (ўкув-услубий қўлланма) - Т. 2014 йил.
4. Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т. 2011 йил.
5. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси.
6. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамиздир”// “Халқ сўзи” 2015 йил 19 январь.
7. Президент Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти”- мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи // “Халқ сўзи” 2014 йил 15-16 май.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни. 1997 йил.
9. Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси. Халқ сўзи. 2013 йил 15 январь.

10. Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi. - Т.: “Ўзбекистон”, 2010 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь. ПҚ-1271 сон.
12. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тарақиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир - Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
13. Ислом Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” - Т.: Ўзбекистон. 2009 йил.
14. Ислом Каримов. Юксак мънавият - енгилмас куч. - Т. 2008 йил.
15. Ислом Каримов. Инсон манфаатлари, хуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. 14 жилд. - Т.: Ўзбекистон. 2006 йил.
16. Ислом Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. - Т.: Ўзбекистон. 1999 йил.
17. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон. 1999 йил.
18. Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Мулоқот. 1998 йил. 5 - сон.
19. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон. 1997 йил.
20. Ислом Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди”. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағищланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. 2011 йил 21 январь. - Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2011 йил.
21. Шермуҳамедова Н. “Фалсафа”. - Т. : “Ношир”. 2012 йил.
22. Хайитов Ш. Ўзбекистон фалсафа тарихи. - Т. : 2011 йил.
23. Хайитов Ш. ва бошқалар. Фалсафа асослари. - Т.: 2010 йил.
24. Тўйчиев Б. Социальная философия. - Т.: 2009 год.
25. Шермуҳамедова Н. “Фалсафа ва фан методологияси”. - Т. 2008 йил.
26. Чориев А. Инсон фалсафаси. Ўқув қўлланма. - Т. 2007 йил.
27. Аҳмедова М. “Фалсафа асослари”. - Т. 2006 йил.
28. Назаров Қ. Билиш фалсафаси. - Т. 2005 йил.
29. Мамашакиров С. Фалсафа. - Т. Шарқ. 2005 йил.
30. Саифназаров И. Философия. - Т. :2002 год.
31. Скирбекк Г. Фалсафа тарихи. - Т. 2000 йил.
32. Фалсафа. (Аҳмедова М. бошлилигига, лотин ёзувида). - Т.: 2006 йил.
33. Шарипов М. ва Д. Файзихўжаева. Мантиқ. - Т. 2004 йил.
34. Абдулла Шер. Этика. - Т. 2010 йил.
35. Абдулла Шер ва Баҳодир Ҳусанов. Эстетика. - Т .2010 йил.
36. Абдулла Шер. Эстетика. - Т. 2009 йил.
37. Ахлоқшунослик. Маърузалар матни. - Т. 2004 йил.
38. Этика. Б.Загрытдинова, Э.Умаров. - Т.: 2005 год.
39. Умаров Э. Эстетика. Дарслик. - Т. Ўзбекистон. 1995 йил.

40. Эстетика. А.Радугина. - М.2002 йил.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Фалсафа қомусий луғат - Т. 2010.
2. Маънавият. Луғат. - Т. 2010.
3. Давронов З. Фалсафа. ТМИ. - Т. 2008.
4. Маматов Н. ва бошқалар. Фалсафа. ТМИ. - Т. 2007.
5. Шермуҳамедова Н. Гносеология. - Т. 2007.
6. Фарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. - Т.: 2005.
7. Қурбонова Л. Борлик фалсафаси. Андижон.: - Т. 2009.
8. Илалов И. Философия методология истории. - М. 2008.
9. Лавриенко В.И. Философия. - М. 2000.
10. Спиркин А.Г. Философия. Учебник. - М. 2000.
11. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. - Т.: Маънавият. 2008.
12. Йўлдошев С. ва бошқалар. “Қадимги ва Ўрта асрлар Ғарбий Европа фалсафаси”. - Т.: Шарқ. 2003.
13. Саифназаров И. Философия. - Т.: 2002.
14. Г.Абдуллаева. “Ўзбекистон ёшлирининг ижтимоий ҳаётида санъатнинг ўрни ва роли”. // Тафаккур. - Т. №1. 2011.
15. Султонова А. “Қадриятлар диалектикаси”. // Тафаккур. № 3. - Т. 2011.
16. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли лугати. Ғоғур Ғулом. - Т.: 2010.
17. Шайхова Х. Маънавият камолот кўзгуси. // - Т. 2009.
18. Қурбонова Л. Инсон фалсафаси. - Андижон. АДУ,2009.
19. Мавлянова Л. ва Игошин В. Эстетика. - Т. ТМИ. 2004.
20. Қаххорова М. Маънавий идеал. - Т. 2008.
21. Қаххорова М. Мағкуравий муҳит ва ахлоқ. - Т. Фан. 2009.
22. Абдуллаев М. Бадий - эстетик маданият. - Т.: 2007.
23. Назаров Қ. Аксиология - қадриятлар фалсафаси. - Т. ОФМЖ. 2004.
24. Хайруллаев. М. Мантиқ. - Т. 1993.
25. Мўминов И. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан. - Т. Фан 1994
26. Арутюнова Л.М. Этические воззрения мыслителей Центральной Азии. - Т. 2006.
27. Маматов Н. ва бошқалар. Мантиқ. ТМИ. - Т. 2004.
28. Жўраев Ш. ва бошқалар. Мантиқ. ТМИ. - Т. 2010.

### **Интернет сайтлари:**

- [www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)
- [www.darvoza.uz](http://www.darvoza.uz)
- [www.fgsn.rudn.ru](http://www.fgsn.rudn.ru)
- [www.philos.msu.ru](http://www.philos.msu.ru)
- [www.philosophy.pu.ru](http://www.philosophy.pu.ru)
- [www.libertarium.ru](http://www.libertarium.ru)
- [www.uzbekistonovozi.uz](http://www.uzbekistonovozi.uz)

